

-13 R 440

$\frac{5-7}{3}$

ШАРК ЮЛДУЗИ

5

1947

★
1947

ТОШКЕНТ



573

R 440

ШАРҚ ЮЛДУЗИ


ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

5

МАЙ



ТОШКЕНТ
1947



МУНДАРИЖА

| | Бет |
|--|-----|
| А. Фадеев — Ёш гвардия (роман) | 3 |
| А. Қаҳҳор — Қўшчинор (роман) | 27 |
| Ж. Шарифий — Фарҳод тоғидая чиқди қуёш | 48 |
| Санд Назар — Москва | 49 |
| — | 50 |
| — | 51 |
| — | 51 |
| Парда Турсун — Ҳақ йўл повесть) | 52 |
| В. Мильчаков — Офицернинг туғилиши (ҳикоя) | 68 |

БИБЛИОГРАФИЯ

| | |
|--|----|
| Уткур Рашид — Болалар учун янги китоблар | 83 |
|--|----|

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Оббек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулум*, *Яшин*, *Удгун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сомил Абдуллаев*. *Мас'ул секретарь: Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“ № 5

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарк Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босишга рухсат этилди 12/VI-47 й. л. № 404/48. Қозғоқ форматини ёлқизди. Босма листи 5,5
Бир листда 47000 ҳарф Тиражи 3000 Изд. № 408 Баҳоси 5 сўм.

Тошкент, „Кызыл Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашриёти басмаханаси. Заказ 1190

А ФАДЕЕВ

ЁШ ГВАРДИЯ

Дустлар, жанггу-жадэл блан тонг сари илдам,
Найза ва ўқ йўл очади бизга; бос қадам!
Меҳнатимиз бўлсин дун ё бўйлаб ҳукмрон,
Бўлгусидир бир оила жумлай-жаҳон,
Жанга, жангга, ишчи-деҳқон еш гвардиясин!

(„Ёшлар қўшиғи“).

БИРИНЧИ БОБ

(Роман)

— Ҳой, Валя, буёққа бир қара, қандай ажойиб бир му'жиза бу! Нақадар гўзал бир гул-а!.. Худди уста ҳайкалтарош қўлда ясагандай, мраммртошдан ҳам эмас, ганчдан ҳам эмас, лекни ўзи муздек совуқ! Бирам нозик, бирам нафиски, одамзод бунин яратоилса. Бир қара, сув юзида мусаффо, бемалол туришига қойилман-а... Ана сувдаги аксига қарагин, ўзи яхшими, акси? Рангини айтмайсанми? Уни оқ деб ҳам бўлмайди, йўқ оқликка оқ-ку, аммо фарқини қара, — сарғиш, гулранг, алланечук ҳаворанг... ичига бир қарагин, — кўзини қамаштирадиган марвариддай ялтирайди! Одамлар бундай рангини кўрганлари йўқ, унинг номини ҳам билмайдилар.

Соци қора ва билакдай қилиб ўрилган, оппоқ кофта кийган, офтоб нуридан кўзлари ярқираган, шахло ва қора кўз, ўзи ўша сувда акси кўринган нилуфарга ўхшаган қиз, сув бўйидаги мажнунтол барглари орасидан бошини чиқариб, шу гапларни айтарди.

Унинг кетидан бироз қозоқ башара, лучуқроқ аммо ёш ва ёқимли ва иссиққина юзли Валя деган қиз, барглар орасидан бошини чиқариб:

— Гулни тамоша қилиш пайтими шу топда! — деди-да, нилуфарга назар ҳам солмасдан, қирғоқда қолиб кетган қизларга хавотирланиб кўз югуртириб: — ҳой қизлару қизлар! — деб қичқирди.

— Ҳа-ю-у-у! — деган овозлар эшитилди яқин атрофдан.

— Буёққа келинглари!.. Уля нилуфар топибди! — деди Валя ва дугонасига ҳазил-омуз қилиб қараб қўйди.

Худди шу онда, йироқдаги момақалдиороқнинг акси садосидай яна замбаракларнинг гумбурлаган овози эшитилди, бу овозлар шарқ-шимолдан, Ворошиловград томондан келар эди.

— Яна-я!

— Яна, яна... — деб, шивирлади Уля ва унинг кўзларидан сочилиб турган нур дарҳол сўнди.

— А, улар бу сафар бостириб кирса-я? Эй, худойим! — деди Валя. — Эсингдами, бултур қандай қўрққанамиз? Лекин эсон-омон қолиб эдик ўтган йил бу қадар яқин келмаган эди. Гумбурлашини қара-я.

Қизлар қулоқ солиб, жим қолишди.

— Тўп овозларини эшитсам, мусаффо осмонни, дарахт шохларини, оёғим сстидаги офтобда қизиётган майса ўтларни кўрсам, уларнинг хушбўй ҳиди думоғимга кирса юрагим жизиллайди, худди буларнинг барисидан жудо бўлгандай бўламан, — деди ҳояжонли овоз блан Уля. — Бу урушдан юрагинг шу қадар қотиб кетганки, уни юмшатадиган бирон нарсага ҳам йўл бермасликка одатланиб қолгансан... шундай пайтда бирданига ҳамма нарсага меҳр-муҳаббат туғилади, ҳамма нарсага ачинасан... мен фақат сенгагина юрагимни очиб гапирётганимни биласанку.

Уларнинг барглар орасидан чиқиб турган юзлари бир-бирига шу қадар яқин турганидан, улар худди бирга нафас олаётгандай эдилар, улар бир-бирларига тикилиб қарар эдилар. Валянинг меҳрибон, шахло кўзлари дугонасининг кўзларига севги блан боқар, Улянинг каттакон кўзлари эса қоп-қора ва узун киприклари орасидан сутдай оқи, сирли ва сурмадай қорачиғи ярқираб турар эди.

Замбаракларнинг йироқдан гулдурарган овози ҳатто бу ердаги пастқам ерда оқаётган дарё бўйида ҳам дарахт баргларини ларзага келтирарди, ҳар сафар қизларнинг рангини ўчириб юборар эди. Аммо уларнинг бутун фикр-ёдлари ўзлари гапирган нарса блан банд эди.

— Кеча кечқурун қирга чиққанамиз эсингда борми? Қандай яхши эди-я? Эсингдами? — деди Уля секингина.

— Ҳа эсимда, оқшом пайти эди. Сенинг ҳам эсингдадир? — деб шивирлади Валя.

— Ҳа, ҳа... Биласанми, бизнинг қирларимиз ҳечкимга ёқмас эмиш, сарғайган, пасти-баланд, одамнинг юрагини сиқиб юборар эмиш, мен бўлсам қиримизни жуда яхши кўраман. Ҳали эсимда, ойим соғлиғида полизда ишлар эди, мен эсам жуда кичкина эдим, бошимни осмонга қилиб, қараб ётардимда, кўзим осмоннинг қай-еригача кўраолар экан деб ўйлардим. Кеча кечқурун куннинг ботишини, терга пишиб кетган отларни, тўплар, аравалар, ярадорларни кўриб юрагим ачишиб кетди... Ҳориган, толиққан, чанг босган қизил аскарларимиз зўрға юриб борардилар. Ана шунда мен кучларни бошқатдан тузиш эмас, балки чекиниш, даҳшатли чекиниш бўлаётганлигини бирданига фаҳмлаб қолдим. Шунинг учун ҳам улар одамларнинг юзига қарашга ҳам ботинаолмайдилар, билияпсанми?

Валя индамасдан бошини силкитди.

— Қўшиқ айтиб юрган қирларимизга, қуешнинг ботишига қараб, йиғлаб юборишимга сал қолди. Менинг йиғлаганимни кўрганмисан ҳеч? Қоронғи тушаётган пайтдагиси эсингдами?.. қошқорайганда аскарлар ўтгани ўтган, ҳаммавақт гумбурлагани гумбурлаган, дам-бадам уфуқнинг ярқираши, Ровенскида бўлса

керак, ёнгин алангалари, қуёшнинг қип-қизил қонга беланиб бо-тиши... Биласанми, мен дун'ёда ҳеч нарсадан қўрқмайман, кўрашдан ҳам, машаққатдан ҳам, азоб-уқубатдан ҳам, ҳечнарсадан. Аммо, нима қилиш кераклигини билсам эдим... Устимизни даҳшатли бир нарса босдида, — дедида Уля, кўзлари чақнади.

— Қандай роҳатда яшардик, Улечка? — деди Валя кўзларига ёш келиб.

— Агар оламдаги ҳамма одамлар истаса, тушунса, ҳамма ҳам, ҳамма ҳам роҳатда яшарди, — деди Уля. — Аммо, на илож, на чора? — деди яна болаларга хос оҳанг блан ва кўзларида шўхлик акс этдириб.

Уля, туфлисини ечди-да, қора юбкасини тиззасига қайриб, дадил сувга тушди.

— Қизлар, — олтита эди, — шовқин сурон солиб сув лабига келишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам Уля, Валя ва ҳозиргина сувга сакраган Саша номли нозиккина қиз сингари, калта юбка, оддий кофта кийишган эди. Донец бўйининг ўткир шамоли, жазирама офтоби, гўёки бу қизларнинг жисмини беркитмоқчи бўлгандай, бирисининг оёқ-қўлларини, юзларини, бўйин-елкаларини зардай бўяган, бирисиникини қорайтириб, ба'зилариникини қип-қизартириб юборган эди.

Одатда бир жойга уч-тўртта қиз тўпланса, бир-бирининг гапига қулоқ солмай, гўёки бутун олам ҳарбирининг гапига қулоқ бераётгандай, бараварига гапиргани гапирган, бу қизларнинг суҳбати ҳам худди шундай эди.

— ... Ўзини парашют блан ташлади, ўлай агар! Кўҳлуккина, сочлари жингалак, оппоққина йигит, кўзлари тугмадек!

→ Мен сира ҳам ҳамшира бўлолмасам керак: қонни кўрсам ўлгидай қўрқаман!

— Ноҳотки бизни ташлаб кетишса? Бу гапга қандай тилинг келади? Бунга сира-сира кўзим етмайди!

— Вой, бирам чиройлик гул экан-а!

— Майечка, лўли қиз, агар ташлаб кетишса-чи?

— Сашкага бир қара, Сашка-га!

— Бир кўришда ошиқ бўладими одам? Жинни бўлма!

— Ҳой, Улька тентак, чуқур жойга борма!

— Чукиб кетманглар тагин, жинниларей!

Улар, марказий рус губерниялари тили блан украин халқ ше-васи, Дон казакларининг лаҳжаси ва Азов денгизи бўйидаги Мариуполь, Таганрог, Ростов-Дон шаҳарларидаги тилларнинг чати-шишидан пайдо бўлган ғалати бир тилда сўзлашардилар. Аммо қизлар шу тилда нималарни гапирмасинлар, уларнинг оғзидан чиққан ҳамма сўз ва иборалар ёқимли ва тушунарли эди.

Ўртоғининг офтобдан қорайган болдиригина эмас, дум-дума-лоқ, оппоқ тиззалари ҳам сувга кирганини кўрган Валя, ўзининг ёқимли ва меҳрибон кўзлари блан боқиб:

— Улечка, жоним, қўйсангчи, бошингга урасанми уни! — деди.

Уля, бир оёғи блан сув остидаги ўтларни пайпаслаб, қора иштөнчасининг четлари кўрингунгача этагини яна баландроқ

кўтарди-да, олдинга яна бир қадам ташлади, келишган қоматини эгдида, бўш қўли блан нилуфарни ушлади. Бир ўрим қўнғир сочи елкасидан сувга тушиб, юзабошлади, броқ Уля зўр бериб бармоқларини чўзиб эди, нилуфарни узун-узун танаси блан узиб олди.

— Яша, Уля! Бу ишингга иттифоқ қаҳрамони номини берса арзийди... Совет Иттифоқи Қаҳрамони эмас, Первомайка конидаги одобли қизлар иттифоқи қаҳрамони! — дерди болдиригача сувга ботган Саша ўртоғига, ўғил болаларникига ўхшаш қўй кўзлари блан бақрайиб. — Гулни бу ёққа бер! — деди-да, этагини гиззаси орасига қистириб, нозик ва эпчил бармоқлари блан, Улянинг чаккасидаги жингалак сочига гулни қистириб қўйди. —

— Бирам ярашдики, ўзимнинг ҳавасим келиб кетди!.. — Тўхта-чи! — деди у бирдан бошини кўтариб ва қулоқ солаётиб. — Қайердадир гўнғиллаётир... Эшитасизларми, қизлар? Ла'нати-ей!..

Саша блан Уля дарров сувдан қирғоққа чиқдилар.

Ҳамма қизлар қизгин қуёш нуридан оқориб кетган осмондаги аэропланни излаб, бошларини кўтаришиди-да, гоҳ ингичка, гоҳ бўғиқ ва йўғон хириллаган товушларга диққат блан қулоқ сола бошладилар.

— Бир эмас, учта-я!

— Қани, қани? Мен кўрмаяпман-у...

— Мен ҳам кўрмаяпман, овозидан билдим...

Моторларнинг титраган товуши гоҳ биргалашиб даҳшат солиб тариллар, гоҳ, айрим-айрим бўлиб, авжига чиқарди. Аэропланлар қизларнинг тепасига келиб қолган бўлса ҳам, улар кўзга кўринмас, уларнинг қора сояси гўё қизларнинг юзидан ўтиб кетгандай бўларди.

— Кўприкка бомба ташлаш учун Каменск томонга учди дейман...

— Еки Миллеровогами...

— Миллерово қаёқда! Бизникилар Миллеровони бериб қўйишдику, кечаги хабарни эшитмадингми?

— Бари бир, жанг ўша жануб томонда бўлаётир-ку.

— Энди нима қилдик, қизлар? — дейишарди қизлар, назарларида анча яқинлашиб келаётган гулдурос замбарак овозларига ноилож қулоқ солиб.

Уруш қанча оғир ва даҳшатли бўлмасин, одамларга қанча зарар ва талафот етказмасин, барибир, ёшлик ва куч-қувват севги ва келажак умидлари ила тўлган ёшлик то ўзининг бошига хавф ва қулфат тушмагунча умуман хатарликлар борлиги тўфайли ўз бошига тўшаётган хавф-хатар ва қулфатларни кўришни истамайди ва пайқашни билмайди ҳам.

Уля Громова, Валя Филатова, Саша Бондарёва ва қолган бошқа қизлар Первомайск кондаги ўн йиллик мактабни шу бу йилгина тамомлашган эди.

Мактабни тамомлаш деган нарса ёш ўсмирнинг ҳаётидаги катта воқиалардан ҳисобланади, аммо уруш бўлиб турган вақтда мактабни тамомлаш эса, айниқса муҳим ҳодиса деб саналади.

— У блан ўчакишмай қўяқол. Сут блан кирган жон блан чиқади, — деди Шура Дубровина Майяга қараб. —

— Бутун ёз бўйи окоп қазидик, қанча меҳнат сарф қилдик, шу туфайли бир ой касал бўлиб ётдим, энди ўша окопларда ким ўтирипти? — деди кичкина Вирикова, Майянинг гапига қулоқ солмасдан. — Окопларни ўт босиб ётипти! Ёлгонми!

Ингичкадан келган Саша ажабланган бўлиб, кифтларини қоқди-да, Вириковага кўзларини олайтирди ва чўзиб-чўзиб ҳуштак чалиб юборди.

Брок, Вирикованинг гаплари эмас, балки умумий аҳволнинг бетайинлиги қизларнинг диққатини унинг сўзларига тортганлиги кўринарди.

Нафсиларига, аҳвол ростдан ҳам ёмон-ку, а? — деди Тоня Ивановна, гоҳ Вириковага, гоҳ Майяга қўрқа-писа қараб, Тоня Ивановна қизлар ўртасида энг кичиги бўлиб, гавдаси катта, оёқлари узун, бурни катта, қоп-қора сочлари каттакон қулоқлари орқасига тараб қўйилган эди. Шу сўзларни айтар экан, унинг кўзларига жиққа ёш келди.

Харьков томонида бўлган жангларида Лиля деган опаси домдараксиз бўлиб кетгандан бери (опаси урушнинг бошидаёқ ҳарбий фельдшер бўлиб фронтга кетган эди) оламдаги жамики нарса Тоня Ивановнага хира ва мудҳиш бўлиб-кўринарди, унинг кўзларидан ёш аримасди.

Фақат Улягина гапга аралашмасдан, гўё бошқа қизларнинг ташвишига ҳамдам бўлмас эди. У, ҳўл бўлган узун сочининг сувини бир сиқдида, яна ўрди, сўнгра олдин бир оёғини, кейин иккинчисини офтобда қуритди; қора кўзларига, қора сочларига ярашган оппоқ нилуфар-тоққанича, худди ўзининг гапига ўзи қулоқ солиб тургандай бирмунча вақт бошини қўйи солиб ўтирди. Оёқлари қуригач, товонларини қўли блан артдида, туфлисини чаққон кийди.

— Мен аҳмоқ нега махсус мактабга кириб кетмадим-а! — деди чуваккина Саша. — Мени энкеведенинг махсус мактабига оламиз дейишган эди, — деб соддадиллик блан тушунтирди у, ўғил болаларга хос беғамлик блан ҳаммага қараб. — Шу ерда, немисларнинг орқа томонида қолардим, сизлар билмас эдиларинг ҳам. Сизлар бу ерда довлараб юардиларинг, мен бўлсам писанд ҳам қилмасдим. Нучук Саша бу қадар бемалол юрибти? деб ўйлардиларинг. Мен бўлсам — энкеведе хизмати блан ишлаб юрибман! Немисларни тоза аҳмоқ қилардим-да! — деди-да, бирданига Вириковага муғамбирона назар ташлади.

Уля бошини кўтариб Сашага тикилиб бир қаради-ю, унинг башараси ўзгариб, ё лабими, ё бурними қимирлаб кетди.

Вирикова зарда блан гапира кетди:

— Мен энкеведесиз ҳам шу ерда қолавераман. Нима қипти? — Мен блан ҳечкимнинг иши бўлмагандан кейин, илгари қандай турган бўлсам, бундан буён ҳам шундай туравераман-да. Нима қипти? Мен ўқучиман, немисларча айтганда гимназисткаман. Ҳар холда улар маданий кишилар-у, менга нима зиён келтиради?

— Гимназистка эмиш-а?! — деб бирдан бақириб юборди қони қайнаган Майя.

— Гимназиядан кептилар-а, саломат бўлсинлар—эй!

Саша шу сўзларни айтarkan, Вириковага шу қадар тақлид қилдики, қизлар яна бехосдан кулиб юборишди.

Шу онда осмон-ерни ларзага келтирган даҳшатли гумбурлаш овози қизларни қар қилгудай бўлди. Дарахтлардан барглар, шохлар, пўстлоқлари синиб тушди, ҳатто сув ҳам чайпалиб кетди.

Қизларнинг капалаги учиб кетди, улар бирозгача жим бўлиб бир-бирларига қарашиб қолишди.

— Яқин ўртага бомба ташладими дейман-а? — деди Майя.

Бу фалокатни ҳаммадан олдин пайқаган Тоня Иванихина кўзларини олайтириб:

— Учиб ўтганига анча бўлиб эди-ку, бошқалари кўринмовди-ку, — деди.

Шу пайтда бири яқин орада, бошқаси сал нарироқда яна икки бомба олдинма-кетин портлади-ю, бутун атрофни ларзага келтирди.

Қизлар, худди сўз биркитиб қўйгандек, индамасдан бирдан дарахтлар орасидан қишлоқ томонига қараб югуришди.

ИККИНЧИ БОБ

Қизлар, офтобдан қоқраб кетган, қўй-эчкилар юравериб чанги чиқиб кетган Донец қиридан елиб чопардилар. Ҳалигина улар ям-яшил ўрмон ичида эдилару, энди бўлса қирда чошиб қетмоқдалар. Икки тарафини дарахт қоплаган жарлик шу қадар чуқур эдики, учюз-тўртюз қадам чопган қизларга на жарлик, на унинг тагидан оқаётган сой ва на дарахтлар кўринарди, — қир уларни ютиб юборгандай эди.

Бу қир Астрахань ёки Сал қирлари сингари теп-текис эмас, балки пасти-баланд қирлар эди, йироқда, жануб ва шимол томонларда, қир уфуққа сари тўлқинланиб кетадида, худди қанотини ёзган баҳайбат қуш сингари кўринарди, унинг устида эса ҳаво худди кўк лаганга солингандек жим-жима қелиб турарди.

Онда-сонда, қоқраб кетган қирнинг ўнқур-чўнқур кўксиди, паст-баландликларда буғдойзор, маккажухорилар, семичкалар, лавлагизорлар орасидан кончиларнинг посёлкалари, хуторлар, кон маноралари, уларнинг ёнида эса, конлардан чиққан кўмир қолдиқлари манорадан ҳам баланд бўлиб кўзга чалинарди.

Посёлка ва конлар орасидаги ҳамма йўллар қочқинлар блан тўлиб-тошган эди, улар Каменск ёки Лихая йўлига чиқиб олишга шошилардилар.

Узоқда, кунботар ва ғарби-шимолда ва ундан ҳам йироқ шимол томонда бўлаётган даҳшатли жанг, аниги катта ва кичик беҳисоб жанглр садоси бу бағри кенг қирда барала эшитилиб турарди. Йироқда ёнаётган биноларнинг тутуни осмонни секин-аста қопларди, ба'зи ерларда уфуқнинг гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини пардадек тўсарди.

Қизлар, ўрмон ичидаги жарликдан югуриб чиқишлари бланоқ, учта янги жойдан тутун чиқаётганини кўриб қолдилар, — буларнинг иккитаси яқин жойда, биттаси — йироқда, тепаликлар орқасида ҳали кўринмай турган шаҳар атрофида эди. Бу тутунлар осмонда секин-аста йўқ бўлиб кетаётган нурсиз тутунлар эди, агар шаҳарга яқинлашган сари думоғларига ураётган ўқ-дори ҳиди сезилмаса ва портлаш овозлари эшитилмаса, қизлар бу тутунга эътибор ҳам қилмас эдилар.

Улар Первомайск посёлкаси ёнидаги тепаликка югуриб чиқдилар, тепалик ва пастликлардаги посёлкалар ва уни Краснодардан ажратиб туручи узундан-узун тепаликка солинган Ворошиловград йўли кафтдек кўринарди. Кўзга кўринган ҳамма йўлни ҳарбий қисмлар ва қочқинлар қоплаб борарди, уларнинг ораларини ёриб, сигнал бериб, тўхтовсиз машиналар, — оддий граждан машиналар, кўм-кўк тусга бўлган, пачақ, чанг босган ҳарбий машиналар, юк машиналари, энгил, санитар машиналар борарди. Сонсиз-саноқсиз оёқ ва гилдираклар сстидан кўтарилган қалин ва сарғиш тўзон бутун йўл устини қоплаб олган эди.

Шу онда одамнинг ақлига сиғмайдиган бир ҳодиса рўй берди: 1-нчи бис конининг тош-метин қилиб ишланган копёри¹ (бу бино шаҳарда энг катта бўлиб, тошйўлдан кўриниб турарди) бирданига ларзага келди. Осмонга баҳайбат елпуғичдай учиб кетган қуюқ кўмир бинони бир лаҳза кўздан яширди, ер остидан чиққан ва кўкка кўтарилган даҳшатли гулдирссдан қизлар еесканиб тушдилар. Кўкка совурилган кўмир ва чанглар ерга ўтирганидан кейин, осмон ёрилиб, копёрдан ном-нишон қолмагани билинди. Октобда ялтираб турган қоп-қора ҳайбатли тертикон² ўз жойида турар, копёр ўрнида эса қорамтир ифлос тутун бурқирар эди. Тошйўл устида, ғовур-ғувур тўлиб тошган.

Первомайск посёлкаси, бу ердан кўринмай турган шаҳар ва бутун теварак атрофда аллақандай ма'юс товуш эшитиларди, гўё одамларнинг садсси — йнғи-сиғи, қарғиш, ёхуд азобдан инграш овозлари эшитиларди.

Булар ҳаммаси, — қочқинлар ва машиналар блан тўла тошйўл, ер ва кўкни ларзага солган портлаш, копёрнинг емирилиши, одамларнинг ингарши — ҳаммаси қизларга жуда оғир та'сир қилади. Уларнинг кўксидан жавлон уриб турган ҳамма ҳислардан биргина ҳис — охиратдан дарак беручи ҳис устун чиқди, бу ҳис кўрқинчдан ҳам ўткирроқ эди.

— Қизлар!.. Конларни портлатаётирлар!..

Кимнинг оҳи-фигони эди бу? Тоня Иванихинаники бўлса керак, аммо у гўё ҳарбир қизнинг кўксидан чиққандай эди:

— Қизлар!.. конларни портлатаётирлар!..

Улар бир-бирларига ортиқ бир нарса дейишга улгуролмадилар. Қизлар ўз-ўзларидан тарқалишиб кетдилар, аксари қизлар

¹ Копёр.

² Тертикон.

посёлкага — уй-уйларига, Майя, Уля ва Сашалар сўқмоқ блан шаҳарга, комсомол райкомига кетдилар.

Қизлар тил бириктирмасдан иккига бўлинган ойда Валя Филатова бирдан ўзининг энг яқин ўртоғининг қўлини ушлади.

— Улечка! — деди у қўрққан ва ялингансумон. — Улечка! Қаёққа борасан? Юр уйга... — деди-да, тили тутилиб қолди. — Тагин бирон бало чиқиб қолмасин!..

Уля бутун гавдаси блан бурилиб индамай тикилиб турди, йўқ, унинг кўзлари Валяни тешиб ўтиб, узоқ-узоқларгача борди, унинг боқиши шу қадар ўткир худди учиб кетаётган қушдай эдики, гўё у қанот қоқиб борарди.

— Шошмайтур, Улечка... — деди Валя ёлбориб. Бир қўли блан Улянинг қўлидан тортди, бошқа қўли блан Улянинг жингалак қора сочларидан нилуфарни юлиб олди-да, ерга иргитди.

Булар ҳаммаси шу қадар тез бўлдики, Уля бунинг сабабини оилиш бир ёқда турсин, ҳатто пайқамади ҳам. Ана шундай қилиб, икки қадрдон дўст умрларида биринчи марта икки томонга ажралиб кетишди.

Булар бариси ҳақиқий ҳодиса эканлигига ишонин қийин эди, лекин Майя Пегливанова бошлаб бораётган уч қиз тош йўлдан ўтгач, бунинг ростлигига ўз кўзлари блан кўриб ишондилар: 1-бис конининг каттакон учли террикони ёнида энди на ҳашаматли копёр ўзи ва на унинг юк кўтаручи қудратли асбобларидан ном-нишон қолган эди, фақат осмонга бурқираб кўтарилаётган сарғиш тутун бутун теварак-атрофни сассиқ олтин гугурт хиди блан тўлдирган эди.

Гоҳ олдиндаги, гоҳ яқиндаги янги портлашлар ер ва кўкни тарабга келтирар эди.

Шаҳарнинг 1-бис конига ёндошган ва қиёқ босиб кетган чуқур жарлик блан шаҳар марказидан ажралиб турган, лойдан қилинган ҳамда бир-бирига туташиб кетган кулбалардан иборат маҳаллаларда ваҳима ва саросима ҳукм сурарди. Шаҳарнинг бу қисми, агар жарлик ҳисобга олинмаса, шаҳарнинг марказидаги сингари бир қаватли тош иморатлардан иборат эди; бу уйларнинг ҳарбирида икки-уч оила яшарди. Бу уйларнинг, томи черепица ёхуд этерний блан ёпилган бўлиб, ҳарбирининг олдида резавор на гулзор бўлар эди. Ба'зибир уй эгалари ё олча, ё сирень, ё бўлмаса жасмин, ба'зилари эса чиройлик қилиб бўялган панжара девор — ичига қатор-қатор қилиб акас, клён утқазган эди. Ана шу шинам уйли кўчаларда юз бераётган мудҳиш манзара қизларнинг юрагини жазиллатиб куйдириб юборди.

Одамлар кон томонга қараб югуришарди, броқ у ерни милиционерлар ўраб олган бўлса керак, ҳечкимни қўймасди, кон томондан ҳам эса тўда-тўда одамлар буларга қарши оқиб келарди; бозор томондаги кўчалардан югуриб келаётган колхозчи аёллар, сават кўтарган ёки ғилдирак арава тортган мўйсафид ва ўсмирлар, от ёки ҳўкиз қўшилган, дон ёки сабзавот ортган арвалар, сават ва халта кўтарган харидор аёллар, — бу халойиқ-

нинг ҳаммаси кон томонидан қочиб кетаётган оламонга қўши-
лишарди.

Бутун аҳоли уй-уйларидан ҳовлига, кучага чиққан; буларнинг ба'зилари нима бўлаётганини билмоқ учун, ба'зилари эса бола-
чақалари блан, кўрпа-ёстиқ, қол-қанор, рўзгор ва болаларини
аравачаларга солиб чиқишган, ба'зи аёллар чақалоқларини қўлла-
рида кўтариб чиқишган эдилар. Кунчиқар томонга қараб бора-
ётган бу аҳоли Каменск ва Лихаяга олиб борадиган йўлга чи-
қиб олишга ҳаракат қилаётган учинчи гуруҳни ташкил қилар эди.

Ҳаммаёқни қий-чув, йиғи-сиғи, оҳ-воҳ боғган, ҳаммаёқ шов-
қин-сурон, тарақ-тўруқ эди. Аскарий ёки граждан ташкилот-
ларга қарашли юк ортган машиналар бетўхтов гудок чалиб,
тариллаб, одамларни оралаб зўрга ўтиб борарди. Одамлар маши-
наларга чиқиб олишга ҳаракат қилишарди, лекин уларни ма-
шинадан итариб юборишарди. Мана шу шовқин-суронларнинг
ҳаммаси қизларга узоқдан эшитилаётган ғалати инграшдай тую-
ларди.

Халойиқ ичидан бир аёл Майянинг қўлидан ушлаб олди, Саша
Бондарева ҳам тўхтади, аммо Уля, ўртоқларига қарамай, тезроқ
райкомга етиб олиш учун кўчада одамларга урила-қоқила, қуш-
дай елиб борарди.

Жарлик томондан бўкириб чиқиб қолган кўк ранг юк машина
бир тўда одамлар блан бирга Уляни ҳам стандарт уйлардан бири-
нинг панжарасига қисиб қўйди. Агар панжаранинг эшиги бўлма-
ганда эди, Уля, чанг босган икки туп сирень гул тагида турган
паканароқ, сариқ соч, қадди келишган, кўк кўз қизни уриб йи-
қитиб юборган бўлар эди.

Ажабки шундай бир пайтда, эшикка келиб урилган ва шу
қизни йиқитишга съл, қолган Улянинг кўзига бу қиз вальсга ту-
шаётгандай бўлиб кўринди. Улянинг қулоғига духовой оркестр
чалаётган вальс ҳаволари ҳам эшитилгандай бўларди, — бу ширин
хаёллар Улянинг қалбини тешиб ўтиб кетарди.

Бу қиз саҳнага чиқиб ашула айтар, залда ҳам ашула айтар,
тонг отгунча ҳамма блан ўйинга тушарди, у ҳеч чарчамасди,
ўйинга тушайлик деганда ҳечкимга йўқ демасди, унинг кўзлари
мовийми ёки кўм-кўк эди, теп-текис садафде тишлари эса севин-
чидан ярқирарди. Қачон бўлган эди бу? Бу урушдан олдинги
ўша ҳаётда, тушида бўлган бўлса керак эди.

Уля бу қизнинг фамилиясини билмасди, исми Люба эди-ю,
аммо кўпинча уни Любка деб айтишарди. Ҳа, бу ўша болалар
„Любка — артистка“ деб атаган Любканинг ўзи эди.

Одамни ҳайратга соладиган энг ажойиби шу эдики, шундай
тўс-тўполон бўлаётган бир пайтда Любка худди клубга бораёт-
гандай ясениб, сиреньгул тагида бемалол тамоша қилиб турар
эди. Унинг доимо офтобдан беркитиб юраётган пуштиранг чеҳ-
раси, яхшилаб таралган ва жингалак қилиб қўйган ялтироқ
сариқ сочлари, фил суягидан ясалгандек оппоқ қўллари ва ҳозир-
гина маникюр қилдиргандай ялтироқ тирноқлари, баланд пош-
наля, сариқмой тусли енгил туфличалар кийган чиройли, бежи-

рим оёқлари, — буларнинг ҳаммаси шундай эдики, гўё ҳозирнинг ўзида саҳнага чиқиб, терга пишган ва юзларини даҳшат босган ана шу халойиқ олдида ашула айтиб ўйинга тушишга тайёр тургандай кўринар эди.

Аммо унинг пуштиранг юзида, юзига нисбатан сал катта кўринган қизил ва қалин лабларида, бироз қисик, лекин жуда ўйноқи кўзларида шўхлик, ниҳоятда соддалик ҳамда ақллилигини ифода қиладиган аломатлари борлиги Уляни янада ажаблантиради.

Бу қиз Улянинг панжара эшигини синдириб юборишига сабаб бўлган бу воқиаларга табиий бир иш деб қарар ва Уляга кўз ҳам ташламай, кўчага бояғидай бемалол ва оҳиста боқар, алланималар деб бақирарди.

— Ҳой тентак! Нега одамларни бостираяпсан?.. Калланг ишламай қолганга ўхшайди, одамлар ўтиб кетсин ахир, нега болаларни бостираяпсан! Ҳай, қаёққа? Қаёққа?.. Вой тентагей! — деб бақирарди у, юк машина ҳайдаб кетаётган шоферга гирдайиб. Шофер, одамлар ўтиб кетсин деб, машинани худди ўша панжара эшиги ёнида тўхтатди.

Машина милиция идорасининг нарсаларини ортган экан, аммо уни сақловчи милиционерлар эса, жерагидан ошиқ кўп эди.

— Оҳ-ҳо, мунча кўпайибсизлар, тартиб сақловчилармиш-а! — деб қичқирди Любка, худди янги гап топилганга хурсанд бўлгандай. — Халқни тинчитиб ўрнига ўзларинг қочиб қолибсизларда!.. — дедида у, му'жозгина қўлини силтаб, худди ўғил болаларча ҳуштак чалди. — Юзларинг торс ёрилай дейди-я!.. — деди кейин.

— Нимага вангилляяпсан, аҳмоқ қиз! — деди машинадаги милиция бошлиқларидан бири бўлган сержант.

Аммо бунга айтган сержант ўз бошига бало солганини пайқамасди, шекилли.

— Э, сизмисиз, ўртоқ Драпкин! — деб масхара қила бошлади Любка. — Қаердан пайдо бўлиб қолдинг сен, қизил хўжайин? Совет ҳукумати сени тартиб сақлашга қўйса-ю, сен бўлсанг машинага чиқиб олиб, ҳаммага дўқ қиласанми... Қизил хўжайиннинг бирдан жаҳли чиқиб, худди машинадан сакраб тушмоқчи бўлгандай ҳаракат қилиб:

— Тилингни тий, бўлмасам бўғиб ўлдираман! — деди.

— Барибир тушолмайсан, машинадан қолиб кетаман деб кўрқасан! — деди Любка бояғи бемалол овоз блан, у, милиционернинг дўқидан сира кўрқмасди, уни ҳамон мазах қила берарди. — Тезроқ шаҳардан ташқарига чиқсамкан деб, совет милициясида ишлаганингни ҳечким билмасин деб, бари погон-сагонларингни олиб ташлашга шошиляяпсанда, билман бунга... Хайр бўлмасам ўртоқ Драпкин! — деб кузатиб қолди газабидан қип-қизариб кетган милиция бошлигини у. Милиция бошлиғи жойидан қўзғалган машинадан чиндан ҳам сакраб тушишга жур'ат этаолмаганича жўнаб кетди.

Агарда бу қизчанинг лаблари ва кўзларида болаларча ма'сумлик ифодаси бўлмаганида ва унинг пичинглари ҳақиқатан ҳам бу гапларга лойиқ кишиларгагини қаратилиб айтилмаганида эди, унинг гапларига четдан қулоқ солиб турган ва шу блан бирга

ҳамма тўс-туполон қилиб қочаётган бир пайтда унинг бир жойда бемалол турганини кўрган киши уни немисларнинг келишини кутиб туручи ва бошига кулфат тушган совет кишиларини масҳара қилучи ёт бир унсур деб гумон қилиши мумкин эди.

— Ҳой, шляпа кийган! Уни қара, бутун юкни хотинингга юклабсану, ўзинг бўш бораёпсан! — деб қичқирарди у ҳалиги қизчамиз. — Хотининг бояқиш ўзи нимжон бўлса. Тагин шляпа кийиб олибсан-а! Сенга қараган менинг шўрим кўрсин!..

Аравада кетаётган бир кампирга қараб деди у:

— Ҳой буви, одамлар ўзи блан овора деб колхознинг бодрингини ҳа деб еяберасизми? — Энди Совет ҳукумати кетди-ю, ҳечким суриштирмайди деб ўйлайсизми? Худо-чи? Худо кўрмайди дейсизми? Худо ҳамма нарсани кўриб туради.

Унинг гапларига ҳечким э'тибор бермасди, у буни ўз ҳам биларди, эрмак учун адолат ўрнатаётгандай кўринар эди. Унинг довураклиги ва хотиржамлиги Уляга шу қадар ёқдики, у дарров бу қизга ишонч ҳосил қилди ва унга мурожаат қилиб:

— Люба, мен Первомайскалик комсомолка, Ульяна Громова ман. Айтчи, бу саросималикнинг сабаби нима экан? — деди.

— Оддий саросималик-да, — деди Любка, нур сочиб турган шўх кўзлари блан Уляга қараб. — Бизникилар Ворошиловградни саҳарда ташлаб чиқибдилар. Ҳамма ташкилотларнинг дарҳол кўчиб кетиши ҳақида буйруқ келган экан.

— Комсомол райкоми-чи? — деб ма'юсона суради Уля.

— Ҳой хумкалла, нега ёш қизни урасан? Вой аблах! мана ҳозир чиқиб бир одобиятни берайчи! — деб ингичка овози блан халойиқ ўртасидаги бир болага қараб дўқ қилди Любка. — Комсомол райкоми дейсанми? — деб сўради Любадан. — Комсомол райкоми қаерда бўларди, ҳаммадан олдинда, эрта кунда кетиб қолган... Ҳа, нега оғзинг очилиб қолдинг? — деди Уляга жаҳл блан. Аммо дарҳол Уляга қараган эди, унинг кўнглида нима бўлаётганини сездига жилмайди: — Ҳазиллашаяпман, ҳазиллашаяпман... буйруқ берилган экан, кўчиб кетди, лекин қочгани йўқ. Тушундингми энди.

— Бизларчи? — деб сўради Уля; унинг овози ўч олиш, алам ва ғазаб блан тўлган эди.

— Сен ҳам кетаберишинг керак! Буйруқ эрта саҳар берилган. Эрталабдан бери қаёқда эдинг?

— Сен-чи? — деб қаттиқ тикилиб сўради Уля.

Люба бироқ жим қолди-ю, унинг чеҳраси гўё бошқа бир халелни ифода қилгандай:

— Менми, ҳали ўзим ҳам билмайман, — деди у чалғитиб.

— Ўзинг-чи, комсомол а'зоси эмасмисан? — деб суриштирабериб Уля; унинг ғазабли шаҳло ва қора кўзлари Любканинг қисди ва сергак кўзлари блан тўқнашди.

— Йўқ, — деди лабларини қисиб Любка ва орқасига қайрилди. — Дода! — деб қичқирди-да, эшикни тақ очиб, эҳтиром блан йўл очиб бераётган халойиқ ичидан чиқиб, уй томонга келаётган бир тўда одамларга қараб чопди.

Энг олдинда 1-бис конининг директори — гавдали, соч-соқоли олинган, пиджак, этик кийган, эллик ёшлар чамасида, афти лўлининг юзидек қора ва қовоғи солиқ Валько блан ўша коннинг бутун шаҳарга донғи кетган кончиси Григорий Ильич Шевцов келарди. Улар кетидан яна бирнеча кончи блан иккита ҳарбий киши ҳам келарди. Улардан нарироқда бир тўда тамошабинлар келарди: турмушининг энг оғир пайтларида ҳам ана шундай ба'зибир тамошабинлар топилади.

Григорий Ильич блан бошқа кончилар оддий коржомо кийиб, унга улаб тикилган қалпоқни орқага ташлаб олишган. Уларнинг усти-боши блан, юз-қўллари кўмирдан қоп-қорайиб кетган. Улардан бири елкасида оғир электр сим ғалтагини, бошқа бири — асбоб тўла яшик, Шевцов эса икки томондан сими чиқиб турган радиоприёмник ё телеграф асбобига ўхшаган металлдан ишланган ғалати бир аппаратни кўтариб келишмоқда эди.

Улар бир-бирларига ёхуд халойиққа қарашдан қўрққандай индамасдан келишарди. Уларнинг кўмирдан қорайган юзларидан ариқча-арикча бўлиб тер оқарди. Гўёки гардонларида оғир юк кўтаргандай чехраларида азоб-уқубат акс этарди.

Шундай саросимага қарамай, кўчадаги қўрқа-писа уларга йўл очиб беришларининг сабабини Уля дарҳол фаҳмлади. Донец ҳавзасининг ифтихори бўлган 1-бис конини ўз қўллари блан портлатган одамлар ана шулар эди.

Любка, Григорий Ильичнинг олдига югуриб келиб, кичкина ва оппоқ қўли блан унинг қора ва қадақ қўлини ушлади. Григорий Ильич қизнинг қўлини маҳкам қисиб, иккови бирга кетишди. — Шевцовнинг қизи экан-да? — деб ҳайрон қолди Уля.

Шу пайтда коннинг директори Валько, Шевцов ва бошқа кончилар эшик олдига келишди-да, елка ва қўлларида кўтариб келган нарсаларини девордан иргитиб тўғри ҳовлидаги гулзорга ташлашди. Меҳр блан ўтқазилган бу гуллар, гулзор ва яна бошқа кўп нарсаларнинг бўлишини тақозо этган турмуш ҳам соп бўлгани малум бўлди.

Булар устларидан нарсаларни ташлагандан кейин, анчагача бир-бирларига қарайолмай хижолат бўлиб туриб қолдилар.

— Хўш, Григорий Ильич, чаққонроқ отлан, машина тайёр, одамларни ортиб, сенга келаман, — деди Валько; у, лўлининг қошидай қалин, бир-бирига тутшиб кетган қошлари тагидан Шевцовга қарайолмасди.

Валько кончилар ва ҳарбийлар блан бирга кўча бўйлаб нарига кетди.

Григорий Ильич қизининг қўлидан ушлаганича, сарғайиб кетган мўйлабди ва юлиб олинган думдек соқолли, жуда ҳам қотма кекса кончи блан эшик олдида қолишди. Ҳечким парво қилмаган Уля ҳам гўё ўзини қийнаган муаммо ҳам худди шу ерда ҳал бўладигандай, шу ерда турарди. Халойиқ эса илгаригидай бир-бирини тортиб-итариб, сўкиниб, йиғи-сиғи блан ҳамон кетиб борарди, улар орасида эшик олдида турган икки эркак ва икки қизга қизиқадиған ҳечбир кимса йўқ эди.

— Григорий Ильич, қизининг қўлидан ушлаганича, жаҳл блан унга қараб:

— Хўш, Любовь Григорьевна, кимга айтиб эдим? — деди.

— Кетмайман дедим, кетмайман! — деб қовоғини солиб жавоб берди Любка.

— Жинни бўлма, жинни бўлма, — деди секин Григорий Ильич бироз ҳовлиқа тушиб. — Нега кетмас экансан? Комсомолкасан-а...

Любка қизарди-ю, ялт этиб Уляга қаради, аммо юзида дарҳол қайсарлик ва ўжарлик аломати пайдо бўлди.

— Комсомолка бўлсам нима бўпти, — деди у лабларини буриб. — Кимга ёмонлик қилибман? Менга ҳечким тегмайди... фақат ойимга ачинаман... деди секин у.

„Комсомолдан қайтди-я!“ деб ўйлади Уля даҳшатланиб. Брок ўзининг хаста онаси бирдан эсига тушди-да, юраги „шув“ этиб кетди.

— Хўш, Григорий Ильич, энди ажралиш пайти ҳам келди, — деди чол; унинг товуши шу қадар йўғон эдики, қуриб, қотиб кетган танидан шундай шов чиқишига ҳечким ишонмас эди. — Хайр энди... — деди-да чол, ўз олдида бошини ерга эгиб турган Григорий Ильичга тикилди.

Григорий Ильич индамасдан бошидан кепкасини олди. Унинг сочлари малла, юзи орриқ эди, пастга қараб тушган ажинлари, кўк кўзлари унинг оддий рус мастеровойларидан¹ эканлигини кўрсатиб турарди. У ёши анчага бориб қолган, эгнига қўпол коржомга кийган, юз-қўлларини кўмир чанги босган бўлсада, қомати келишган, бақувват ва қадимги руслар сингари, кўркам киши эди.

— Таваккал қилиб биз блан кета қол? Нима дейсан, Кондратович? — деб сўради у, чолга қарамай тортиниб.

— Кампир блан қаергача ҳам бораолардик? Энди бўлар иш бўлди, ўғилларимиз Қизил Армия блан бирга келиб, бизни озод қилишар.

Катта ўғлингнинг иши нима бўлди? — деб сўради Григорий Ильич.

— Каттасими? Ундан сўз очма, — деди чол қовоғини солиб, ва гўё: „мени шарманда қилганини ўзинг биласанку, тагин нега сўрайсан?“ дегандай қилиб, қўлини силтади. — Хайр, Григорий Ильич, — деди-да чол хўрланиб, қотган гудур қўлини Шевцовга узатди.

Григорий Ильич ҳам унга қўлини узатди. Аммо икки ўртада ҳали айтилмаган гап бордай эди, улар бир-бирларининг қўлларини ушлаганча бироз жим қолишди.

— Не чора... Менинг кампирим блан қизим ҳам қоладиган бўлди, — деди чўзиб Григорий Ильич ва бирдан товуши бўғилди. Бу нима бўлди, а, Кондратович? Шундай ҳашаматли конни-я... Бутун юртнинг хазинаси эди у... Эҳ!.. — бу сўзлар қалбининг

¹ Эски завод ишчиси — уста.

энг позик жойидан отилиб чиқди, кўмирдан қон-қорайган юзидан марваритдай тиниқ кўз ёшлари оқди.

Мўсафид пиқиллаб йиғлади-да, бошини қуйи эгди. Любка ҳам хўнграб йиғлаб юборди.

Кўзларидан чорасиз оқаётган ёшларини тўхтатолмаган Уля, лабларини тишлаганича, Первомайкадаги уйига қараб чопиб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

Первомайск посёлкаси шу райондаги энг кўҳна қончи посёлкаларидан бири бўлиб, Краснодар шаҳри ҳам шу посёлкадан бошланган. Первомайск, ёки оддий халқ тилида Первомайка деб яқиндан бери отала бошлади. Илгари вақтларда, ҳали бу ерда кўмир топилмаган замонларда, бу атрофда казак хуторлари бўларди, уларнинг энг каттасини Сорокин хутори дейишарди.

Бу ерда кўмир шу асрнинг бошида топилди. Дастлабки кўмир қончалари шу қадар нишаб эдики, қазилган кўмирни от-аравна ёки ғалтак арава блан ташиб чиқилар эди. Бу қончалар ҳаркимларга қарашли бўлса ҳам, аммо қонни эски одат бўйича Сорокин қонлари деб оталарди.

Русиянинг марказий губернияларидан ва Украинадан келган қончилар казак хуторларига қўнишар, казаклар блан қариндон бўлишар эдилар, казакларнинг ўзлари ҳам қонда ишлайдиган бўлиб қолишган эди, аҳоли борган сари кўпаяр, янги оилалар ажралиб чиқиб, янги иморатлар қурилар эди.

Ҳозирги Ворошиловград йўли тушган узун адирнинг орқасига ва Краснодарни қоқ бўлган жарнинг нариги тарафига янги қонлар тушарди. Бу янги қонлар „қутирган бой“ деб номи чиққан Ярманкин деган бир сўққабаш помещчикка қарашли эди. Шу сабабдан, қон атрофида пайдо бўлган янги посёлкани одамлар даставвал Ярманкин посёлкаси, ёхуд „қутирган“ қишлоқ дейишарди. „Қутирган бой“нинг бир қаватли тош иморати ўша замонларда жар орқасидаги адирда қўққайиб турарди; қўрғонининг бир томонини бой қишлиқ боғ қилган, боғда ажойиб ўсимлик ва узоқ мамлакатлардан келтирилган ғалати қишлар бўлар эди. Уни ҳам „қутирган қўрғон“ дейишарди.

Совет ҳокимияти вақтида, биринчи ва иккинчи бешйилликлар даврида бу ерга янги ва катта-катта қонлар қурилди, Сорокин қонининг маркази нариги томонга кўчирилиб, бир хилда иморатлар, катта идораларнинг бинолари, касалхоналар, мактаблар, клублар тушди. Тепаликдаги „қутирган бой“нинг уйи ёнига райишроком учун чиройлик, икки томони қанотдай керилган, саҳнига дарахт кўчатлар ўтқазилган ҳашаматли бир бино солинди. „Қутирган бой“нинг уйига эса „Краснодонуголь“ трестининг лойиҳалаш қонтораси жойлашди. Қонтора хизматчилари умрларининг учдан бир қисми ўтадиган бу бино қанақа ва қимга қарашли эканини мутлоқ билмас эдилар.

Ана шундай қилиб Сорокин қони Краснодар шаҳрига айланди. Уля, унинг ўртоқ ва мактабдошлари ўз шаҳарлари блан тенг

ўсдйлар. Улар мактабга қатнаб юрган чоғларида, кўчат ўтқаз иш мавсумларида, шаҳар совети боғ учун ажратган, ахлатхона бўлиб ётган, сассиқалаф ва отқулоқ босиб кетган майдонда дарахт кўчатлари ўтқазишда қатнашар эдилар. Бу ерда келажакда боғ бўлиши керак деган фикр „қутирган бой“ даврини кўрган, Ўрманкин посёлкасини билган, биринчи немис оккупациясини на граждандлар урушини бошидан кечирган эски комсомол а’золарида биринчи марта туғилган эди. Уларнинг ба’зилари ҳозирда ҳам Краснодарда ишлар эдилар, ба’зиларининг сочларига, ёхуд Будённийнинг мўйлаби сизгари казакча узун мўйлабларига оқ кирган эди, аммо уларнинг аксари мамлакатимизнинг ҳар жойига кетиб қолган, ба’зилари эса катта ишларга кўтарилиб кетган эди. Кўчат ўтқаз ишига Данилич деган боғбон раҳбарлик қиларди, унинг ёши ўша вақтлардаёқ анчага бориб қолган эди. Гарчи у бутунлай букчайиб қолган бўлса-да, ҳозир ҳам боғда бош боғбон бўлиб ишлаб келар эди.

Эндиликда боғдаги дарахтлар катта бўлиб кетди, катталар учун дам олиш жойи бўлиб қолди, ёшлар учун эса дам олиш жойигина эмас, ҳатто энг хушчақчоқ, барқ урган ҳаётнинг ўзи бўлиб қолди. Боғ улар каби ёш, улар блан бирга ўсиб борарди, аммо унинг кўм-кўк япроқларини шамол шитирлатар, жазирама кунларда соя-салқин жойлари кўп бўлар, ойдаги кечалари боғ ниҳоятда кўркам, куз фаслида, ёмғир қуйган, зимистон қоронғуда хазонлар шитирлаб учиб юрган пайтларда бу боғда юриш ҳатто қўрқинчли ҳам бўлар эди.

Ўсмирлар ўз боғлари, ўз шаҳарлари блан бирга ўсар, унинг даҳларига, слободка ва кўчаларига ўзларича ном берар эдилар.

Барли ерда янги барак қурсалар, бу ерни „Новие бараки“ деб оташади. Бараклар аллақачон йўқ бўлиб кетган, уларнинг ўрнига тош уйлар қурилган бўлсада, аввалгича, „Новие бараки“ деб айтишаберади. Шаҳарнинг бир четда ҳалигача „Голубятники“ деган бир маҳалла ҳам бор, — бир вақтлар бу ерда ёғоч уйлар бўлиб, болалар каптар боқишар эди, кейин бу уйлар бузилиб, тош иморатлар қурилган эди. Чурили деган кичи турган бир жой „Чурилино“ бўлиб кетган. „Сеняки“ — илгарилари похолхона бўлган экан. „Деревянная“ дегани — темир йўлнинг, нар ёғида, боғнинг орқасида, шаҳардан бутунлай ажралиб қолган бир кўча, у ердаги уйлар ёғочдан қилинганича қолаверган, у ерда Валя Борц деган қоракўз, сариқ соч, ўзига бино қуйган ўн етти ёш чамасидаги бир қиз туради „Каменная“ — бирхил қилиб қурилган тош уйлардан иборат кўча. Ҳозир бунақангги тош уйлар жуда кўп, лекин шу кўчанигина „Каменная“ дейишади, чунки даставвал шу кўча қурилган эди. „Восьмидомики“ — бир-печа кўчаси бор жой бўлиб, бунда бир хилда солинган уйлар кўп.

Донбасга юртимизнинг ҳамма томонларидан одамлар келиб туради. Уларнинг энг биринчи фами — туроржой топиш бўлади. Ли Фан-ча деган бир хитой яланг бир жойга похол ва лойдан кулба қуриб олиб, унинг ёнига яна ҳужралар сола на келгандиларга ижарага қўя берган экан. Кунлардан бир кун янги кў-

чиб келганлар: „Ли Фан-чадан уй ижарага олишдан кўра ўзимиз қурганимиз яхшироқ эмасми“ деб ўзлари уй қурабошлаганлар. Шундай қилиб, бир-бирига туташган кўп лой уйлар пайдо бўлган, унга „Шанхай“ деб ном қўйганлар. Кейин-кейин шаҳарни иккига бўлган жар ёқаларига ҳам, шаҳар атрофидаги адирларга ҳам худди шундай „иморатлар“ тушабошлади, қуш уяларига ўхшаган бу кулбаларни „шанхайча“ деб отай бошлаганлар.

Сорокин хутори блан илгариги Ярманкин посёлкаси ўртасига қурилган ва бу атрофда энг катта кон бўлган 1-бис кони ишлай бошлагандан буён Краснодар шаҳри яна Сорокин хутори томонга кенгайиб бошлади ва бориб-бориб у блан қўшилиб кетди. Атрофидаги майда хуторларни аллақачон ютиб юборган Сорокин хутори шаҳар районларидан бири бўлган Первомайский посёлкасига айланиб кетди.

Шаҳарнинг бошқа районларидан унинг фарқи шу эдики, бу ердаги кўп уйлар қадимги казак хуторларидан қолган, ҳарким ўз ихтиёрича қурган хусусий уйлар эди,— бу ернинг аҳолиси ўртасида аввалгича казаклар кўп бўлиб, улар қолда ишламас, колхозларга кириб қирда дон экишарди.

Уля эндигина сонсиз-саноқсиз ҳарбий қисмлар, машиналар, қочқинлар ҳамон шарққа қараб силжиб бораётган Ворошиловград йўлига чиқиши бланоқ унинг тепасидан немисларнинг учта шўнғучи аэроплани гувиллаб бирин-кетин учиб ўтди. Жангчи ва қочқинлар иккига ажралиб, йўлнинг икки томонига отилди,— ба'зилар ўзини ариқ ичига, ба'зилар том тагига, бошқа бировлар девор панасига олди.

Бировнинг туртиб юборишидан йиқилишига сал қолган Уля, қанотларини ёйган қора свастика суратли ва турли бўёқларга бўялган аэропланларни ғам-ғусса блан кузатарди,— улар шундай пастлаб учдики, шабодаси Уляга келиб урди. Аэропланлар шаҳар четига етиб боргач тош йўлга қаратиб бирнеча марта пулемётдан ўқ узиб, офтоб шу'ласидан кўзни қамаштирадиган осмонда ғойиб бўлдилар. Бирнеча дақиқадан кейингина олисдан портлаш овози эшитилди,— бояги аэропланлар Донец дар'ёсидаги кўприкка бомба ташлаган бўлсалар керак.

Первомайск посёлкаси остин-устин бўлиб кетган эди. Улянинг рўпарасидан от-аравалар, бутун бошли оилалар қочиб келарди. Уля, бу одамларнинг ҳаммасини танир, улар ҳам уни яхши танир эди, ammo ҳечкимса унга қарамас, у блан бир оғиз ҳам сўзлашмас эди.

Уляни энг ажаблантирган „гимназистка“ Зинаида Вирикова бўлди; ниҳоятда қўрққанидан юзи бўзарган бу қиз, яшик, тугун ва ун тўла қоплар ортилган аравадаги икки хотин ўртасида ўтирарди; арава ҳайдаётган чол, оқ этик кийган оёқларини бир томонга осилтириб олиб, узун юган блан қирчонги отни зўр бериб уриб, тепаликка чоптириб чиқишга ҳа деб уринар эди. Ҳаво жуда ҳам иссиқ бўлишига қарамасдан, Вирикова жигарранг драп пальто кийган, ammo бош яланг эди, икки ўрим сочи эса аввалгича ёқасидан диккайиб олдинга чиқиб турарди.

Уля Громоваларнинг уйи посёлканинг энг четида эди,— бу

ер илгари Гаврилов хутори дейилар, уларнинг уйи ҳам қадимги казаклар уйдан эди.

Улянинг отаси Матвей Максимович Громов Полтава губерниясида украин оиласида туғилиб, ёшлигиданоқ отаси билан Юзовкага иш излаб қатнади, новча, бақувват, чиройли ва шер йигит эди, жингалак малла сочлари пешанасига тушиб турарди; кўмир қазучи бу полвоннинг доврўғи ҳаммаёққа кетган, қизлар ҳам уни яхши кўришарди. Уляга Доқенус замонларидай кўринган бир вақтларда, я'ни бу ерларда биринчи кўмирконлари топилди, бу томонларга иш қидириб келиб юрганида Гаврилов хуторида яшовчи Матрёша Матрёна Савельевна деган қора кўз казачкани ўзига асир этгани ажабланурлик эмас.

Рус-япон урушида у 8-нчи Москва гренадёр полкида хизмат қилган, олти марта ярадор бўлган, икки мартасида қаттиқ ярадор бўлган, кўп мукофот олган, охири сафар — ўз полкининг байроғини сақлаб қолганлиги учун, — авлиё Георгий нишони билан мукофотланган эди.

Ўша-ўша бўлди-ю, тобдан қочди. Озгина вақт кичкина конларда ишлаб юрди-ю, кейин кўмиркони конторасида кучерлик қилабошлади. Хўп дарбадарликдан кейин Матвей Максимович шу ерда, Гаврилов хуторида, Матрёшанинг маҳрига тушган уйда қарор топди.

Уля ўз уйининг эшиги ёнига келди-ю. ҳолдан тойди. Уля онаси билан отасини жуда яхши кўрарди, ёшлик чоғда бўладигандек, бир кун эмас бир кун ўз тақдирингни она билан эмас, ўзинг ҳал қиладиган пайт келишини билмас ва ҳатто кўз олдига келтираолмас эди ҳам. Мана энди шу пайт ҳам келди.

Уля она ва отасининг ўз уйларида ажралаолмасликларини, қариб ва хасталиклари туфайли уйни ташлаб кетаолмасликларини билар эди. Ўғил бўлса армияда, Уля бўлса ҳаёт йўли ҳали номалум бўлган бир қиз эди, ишламас, шунинг учун ота-онасини ўз қарамоғига ололмас эди. Уларнинг Улядан анча катта қизи кон идорасининг кекса бир ходимига эрга чиққан ва бирнеча бола кўрган бўлиб, у ҳам кўчиб кетишга ботинолмас эди. Улар, бошга қандай кулфат тушмасин, барибир, туғилиб ўсган жойни ташлаб кетмасликка аллақачон қарор бериб қўйган эдилар.

Биргина Уля шу дамгача ўзига на бир режа тузган, ва на бирон мақсадни маҳкам ўйлаган эди. Унга ҳамон „меним изим ўзимда эмас“ дегандай туюларди. Гоҳ армияга, фақат авиацияга кетгуси келар ва авиациянинг бир қисмида техник бўлиб ишловчи акасига хат ёзиб, учучилар мактабига киритиб қўйишини илтимос қиларди. Ба'зан, Краснодонли кўп қизлар сингари, осонгина тиббий ҳамширалар курсига кириб қўяқолишни ўйларди — шундай қилсам ҳаракатдаги армияга тезроқ кетардим, деб ўйларди. Ба'зан, душман босиб олган ерлардаги партизанлар орасига бориб ишлашни хаёл қиларди. Ёхуд, бирдан ўқишни, давом этдиришни орзу қилиб қоларди! Ахир, ҳаммавақт уруш бўлавермайди, бир кун бориб тугайди-ку, ахир яна яшамоқ, ишламоқ, қанча-қанча илмли, иш биларманд одамлар керак бўла-

дику, у ҳам кўп ўтмай ё инженер, ё уқитучи бўлиши мумкин. Ана шундай қилиб, унинг тақдирини ҳечким ҳал этмади, мана энди у, эшикни очади-ю...

Турмуш нақадар даҳшатли бўлиши мумкинлигини у ана шундагина билди. Эндиликда у, ота-онасини душманга хўрлашга ташлаб, ёлғиз ўзи муҳтожлик, сарсонгарчилик ва курашдан иборат номалум ва мудҳиш бир дун'ёга кириши керак... Оёқлари бўшашиб кетди, йиқилишига сал қолди. Қани энди, ҳозир у мана шу қадрдон уйга кирса-ю, дарчаларни ёпиб, ўзининг ифбатли кўрпасига ўралиб ётса-да, ҳечнарса ни ўйлабмас. Уля деган қора қиз блан кимнинг нима иши бор? Кўрпага шундай буркансада, оёқларини букиб индамай ётса... Яқин ва меҳрибон ота-онаси ёнида нима бўлса бўлгани, деб ётаверса... Бўлса нима ҳам бўларди, қачон ва қачонгача бўларди? Балки, унча қўрқинчли ҳам бўлмас?

Броқ, шу ондаёқ иззат-нафси хўрланиб кетганидан, бундай қилишнинг ўзи-хўрланиш бўлганидан, Уля сесканиб кетди. Бунинг устига икки йўлдан бирини танлашга фурсат ҳам қолмаган эди: олдяга онаси югуриб келмоқда эди. Қандай куч уни ётган жойидан турғизди экан! Онаси кетидан отаси, опаси, поччаси келарди, улар кетидан болалари чошиб келишарди. Ҳамманинг юзида ташвиш ва ҳаяжон энг кичик жияни эса йиғларди.

— Қаёққа йўқолдинг, қизим? сахардан бери қидириб топишаолмайди сени. Анатолийларникига югур, ҳали кетмаган чиқар, югур тезроқ, қизим! — дерди онаси. У офтобда қорайган ва ажин босган юзидан оқайтган кўз ёшларини артмас эди ҳам.

Улянинг онаси қариб, букчайиб қолган бўлса-да, ранги ҳали қорача эди. Унинг қора кўзлари, гарчи ўзи нимжон бўлса-да, катта шунқор қўшнинг кўзларидек, ниҳоятда чиройлик эди. Иродаси ҳам кучли, ақли ҳам расо эди, Матвей Максимович ва қизлари унинг гапига қулоқ солишарди. Ана энди қизи ўз тақдирини ўзи ҳал этадиган пайт келганда кампир ҳечнарса деяолмади.

— Ким қидирди? Анатолими? — деб тез сўради Уля.

Онасининг кетида катта ва узун қўлларини осилтириб турган отаси:

— Райкомдан қидиришди, райкомдан, — деди.

Отаси бўлса жуда ҳам қариб қопти-я! Бошининг олди томонида сочи сира қолмаган, фақат икки чаккаси ва бўйнидагина оқорган сочларидан оз-моз асар қолган; аммо гренадёрча сариқ мўйлабига ва соқолига анча оқ кирган, бурни ҳам кўкарган, қизил юзини ҳам ажин босиб кетган эди.

— Чоп, қизим, чоп, — дерди онаси. Шошма, Анатолийни чақириб берай! — кичкина, букчайган кампир полиз орасидан қўшни Поповларникига чошиб кетди. Поповларнинг ўғли Анатолий Первойск мактабинин бу йил Уля блан бирга битирган эди.

— Ётсангизчи, оий, мен ўзим бораман!

Уля онасининг кетида югурганда кампир олчазордан ўтиб қолган эди; Уля онасига етиб, икковлари, — ёш ва қари, — бирга чопдилар.

Громовлар блан Поповларнинг қўрғонлари ўртасида икки томонга қарашли боғ бўлиб, бу боғ қуриб ётган жарликка қараб тушиб кетар, жарнинг тагига қилинган четан девор чегара эди. Гарчи улар азалдан қўшни бўлиб келган бўлсалар-да, Уля мактабдан ва Анатолий кўпинча докладлар қиладиган комсомол мажлисларидан бошқа вақтда у блан кўришмасди. Ёшлик чоғида Анатолийнинг угил болаларга хос орзу-ҳаваслари бўларди, юқори синфларда уқиганида болалар уни „қизлардан қўрқади“ деб масхара қилишарди. Ростдан ҳам, агар кўча-кўйда Уля блан, ё бошқа қизлар блан ҳам кўришиб қолса шу қадар уялар, хижолат тортар эдики, саломлашишга ҳам улгуролмасди, агар саломлашса шу қадар қизариб кетардики, уни кўрган ҳарқанақа қиз ҳам қипқизариб кетарди. Буни қизлар бир-бирларига гапиришиб, Анатолийдан кулишарди. Лекин ҳарқалай Уля Анатолийни ҳурмат қиларди; у, кўп ўқиган, ақлли, вазмин йигит эди. Уляга ёққан шеърлар унга ҳам ёқарди, капалак, кўнғиз, минерал ва гуллар тўпларди.

— Таисья Прокофьевна! Таисья Прокофьевна! — деб қичқирди онаси, пастак четан девордан қўшни боғқа эгилиб.

— Толечка! Уля келди...

Нариги томондаги тепадан, дарахтлар орасидан Анатолийнинг синглиси ингичка овоз берди. Қизарабошлаган олчазор орасидан, этаги ва енглари украинча қилиб тикилган кўйлак ва дўппи кийган Анатолийнинг ўзи кўринди.

Ҳаммавақт орриқ, офтобда қорайган, қошлари малла жиддий юзи ҳаяжонланган эди; у шундай терлаб-пишган эдики, қўлтигининг таги ҳўл бўлиб кетган эди. У шу топда Улядан уялиш кераклигини ҳам бутунлай унутиб қўйган бўлса керак.

— Ульяна... Биласанми, мен сени эрталабдан бери қидираман, ҳамма болалар ва қизларникига бориб келдим, сени деб Витька Петровни тўхтатиб турибман, улар бизникида ўтиришибти, отаси ҳўн сўкди-да мени, чаққон йиғиштиринг! — деди у тезда.

— Биз билмаган эдик-да! Ким буюрди.

— Райком буюрди, — ҳамма кетиши керак. Ҳаш-паш дегунча немислар келиб қолади. Ҳаммага айтдим, сизларни топаолмадим, жуда қўрқиб кетдим. Погорелье хуторидан Витька Петров отаси блан келишиб қолишди. Отаси гражданлар уруши вақтида немисларга қарши партизанлик қилган, бир дақиқа ҳам бу ерда қолиши мумкин эмас, Витька бўлса мени ҳам олиб кетаман деб атайлаб келипти! Ўртоқ деган шундай бўладида! Отаси ўрмон назоратчиси бўлиб ишлайди, отлари жуда яхши, мен уларни жўрттага тўхтатиб турдим. Отаси бўлса сўкинади, мен унга: „Ўзингиз эски партизансиз, дўстни ташлаб кетиш ярамаслигини ўзингиз яхши биласиз, бунинг устига ўзингиз ҳам довюрак одамсиз“ дедим... Фақат сени кутиб турибмиз, — бошидан кечирганларни тезроқ Уляга айтиб бермоқчи бўлса керак, ҳамма гапни шошиб-пишиб гапирди. У, қизга гоҳ кўкиш, гоҳ кўк, гоҳ бирдан чақновчи кўзлари блан боқар, бу кўзлар эса унинг юзини бирдан меҳрибон ва ёқимли қилиб юборар эди.

Нега шу маҳалгача Уляга у оддийгина бўлиб кўринган экан?

Анатолийнинг чеҳрасида, қалин лабларида, бурнининг икки та-
рафида юракнинг зўр кучи сезиларди.

— Толя, — деди Уля. — Толя... Сен... — деди-да. Улянинг ово-
зи бўлинди, четан девор устидан кичкина ва офтобдан қорайган
қўлини узатди.

Толя уялиб кетди.

— Тезроқ бўл, тезроқ, — деди у, қизнинг юракни ларзага со-
лочи қора қўзлари блан тўқнашишдан қўрқиб.

— Ҳамма нарсани тугиб қўйибман, дарвоза ёнига аравани
келтираверинглар... Дарвоза ёнига келаверинглар... — деярд
Улянинг онаси; унинг юзидан кўз ёшлари тинмай оқарди.

Шу дамгача кампир, қизининг ёлғиз ўзи бепоеъ ва иккига
бўлинган дунёга сафар қилишига ҳеч ишонмас эди, аммо бу
ерда қолиши хатарли экани унга аниқ эди. Мана энди меҳрибон
кишилар топилди, уларнинг ёнида кекса киши ҳам бўлар экан,
энди кўнгил тўқ.

— Толя, Валя Филатовага ҳам айтдингми? — деди Уля шид-
дат блан. — Ўзинг биласан-ку, менинг жонажон ўртоғим, усиз
кетолмайман.

Анатолийнинг юзида шундай самимий саросима пайдо бўлди-
ки, у ҳатто буни яшираолмади ҳам.

— От меники эмас-да, ўзимиз ҳам тўрт кишимиз... ҳайрон-
ман, — деди у.

— Уни ташлаб кетолмайман-да, ахир!

— Отларку зўр-а, аммо беш киши...

— Қулоқ сол, Толя, — сенга катта раҳмат... Сизлар кетаве-
ринглар, мен Валя блан... Биз пиёда кетаверамиз, — деди Уля
шиддат блан, — хайр!

— Оқ худо, қандай қилиб пиёда кетасан, қизим? Мен сенга
ҳамма кийимларингни тугиб қўйганман, кўрпа-ёстиқни нима қи-
ласан?.. — Она бечора, ёш болалардек, мушти блан юзини арта-
рта, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Улянинг ўз ўртоғига кўрсатган олийжаноблиги Анатолийни
сра ажаблантирмади, балки табиий туюлди; аксинча, агар Уля
бошқача қилганда эди, у ҳайрсн бўларди. Шунинг учун у хафа
ҳам бўлмади, тоқатсизлик ҳам қилмади, у фақат чора топиш
йўлини изларди.

— Олдин ўзидан сўраб кўр! — деди Толя бирдан. — Балки
кетгандир, балки кетмас. Комсомол а'зсси эмаску, ахир!

— Мен бориб келақолай! — деди Матрёна Савельевна севи-
ниб: кампир бутунлай ҳолдан кетган эди.

— Бориб ётсангизчи, ойи, ўзим бориб келаман! — деди Уля
бийрон бўлиб.

— Толечка! Қачон бўласизлар? — деб қичқирди йўғон овозли
Витька Петров, Поповларнинг уйидан.

— Отлари-ку бақувват. Жуда бўлмаса навбатма-навбат арава
ёнига тушиб пиёда юраверамиз, — деб уйларди Анатолий.

Броқ, Уляга Валяникига боришга тўғри келмади. Уля ойиси
блан энди эшик ёнига борган эди, уй блан бостирма, ошхона ва

оғилхона ўртасида ориқлаб кетган Валя Филатова турар эди. Офтобдан қорайган юзи оқариб кетган эди.

— Валюша, отлан, арава тайёр, иккавимизни олишга кўндирамиз, — деди шошиб.

— Шошма, сенга икки оғиз гапим бор...

Валя ўртоғининг қўлини ушлади. Унинг юзи оппоқ оқариб кетган ва ниҳоятда жиддий эди.

Улар эшик ёнига боришди.

Валя, ғам ва машаққат ифодаловчи катта кўзлари блан ўртоғига тўғри қараб:

— Уля! — деди. — Уля! Мен ҳечқаёққа кетмайман, мен... Уля! — деди зўрға. — Сен дун'ёда бошқача одамсан, сенда қандайдир зўр куч бор, қўлингдан ҳар нарса келади, оймим ҳам Уляга худо қанот биткизган деб тўғри айтадилар... Улечка, менинг бори-йўқ бахтим — сенсан, — дерди Валя муҳаббат ўтида ўртаниб, — дун'ёда ягона бир бахтим бор, у ҳам бўлса сенсан, аммо мен... сен блан кетолмайман. Мен шунчайки бир одамман, ўзим ҳам буни биламан, мен ҳамма вақт энг оддий нарсаларни ҳавас қилардим... ўқишни тугатсам, ишласам, бирон яхши одамга эрга тегсам, ўғил ва қиз кўрсам, ҳаётимиз оддий, ёрқин бўлса деб юрардим, бошқа ҳечнарсани ўйламасдим. Улечка, мен курашишни билмайман, ёлғиз ўзим мусофирчиликда қўрқаман... Тўғри, бутун орзу-ҳавасларимдан айрилганимни қўриб турибман, аммо кампир онам бор, мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ, мен шунчайки бир одамман, мен шу ерда қоламан... Кечир мени... — дедию, қўлида ғижимлаб турган дастрўмолини кўзига тутиб йиғлаб юборди. Уля ҳам бирдан ўртоғини қучоқлаб, бағрига босди ва жуда ҳам ёқимли, ёшлиқдан бери таниш ва хушбўй сочларига бошини қўйиб, йиғлаб юборди.

Улар ёшликларидан бери ўртоқ, бирга ўқишган, бирга синфдан-синфга кўчар эдилар, қизларга хос бўлган дастлабки шодлик, қайғу ва сирларини ҳасратлашар эдилар. Уля камгап, ҳамма блан гапиришавермайдиган бир қиз эди, фақат юраги тўлиб тошган вақтлардагина сирини очиб айтарди, Валя эса билган ва сезган нарсаларини оқизмай-томизмай гапириб берарди, ба'зан, Улянинг сўзлашгиси келиб қолган пайтда Валя шошганидан унинг кўп гапига тушунмай ҳам қоларди, — аммо ёшликда бир-бирининг фикрига тушунай деб ким интиларди, бир-бирига ишониш, сирни ўртоқлашиш — шодлик мана шу-да. Проварди-да улар икки хил одам бўлиб чиқдилар... Аммо, уларнинг ўтмишдаги чинакам, мўқаддас дўстлиги соф, ёрқин кунлар блан тўлиқ эдики, эндиги жудодлик ташвиши уларнинг юракларини тилкапора қилиб юборгундай эди.

Валя ўз умрида энг муҳим ва энг яхши нарсадан воз кечаётганини, бундан бошқа — қандайдир нома'лум даҳшатли ва зулматга дуч келиши мумкинлигини сезарди.

Уля эса энг бахтли минутларда, ёки юраги жуда сиқилган пайтларда юрагини очиб, бутун сирини очиб айтиши мумкин бўлган бирдан-бир ўртоғидан жудо бўлаётганини сезарди, Уля,

уртоғи унинг туйғуларини сезадими, йўқми, бунга э'тибор ҳам бермас эди, у ҳар дам ўртоғидан яхшилик ва меҳр-муҳаббат қайтишини билар эди. Уля энди ёшлиги тугагани, балоғатга етиб, ҳаётга, дун'ёга якка ўзи чиқаётгани учун йиғларди.

Валя унинг сочидан гулни юлиб олиб, ерга ташлаганини Уля энди эслади. Валянинг нима учун бундай қилганига у энди тушунди. Ҳаммаёк ларзага келиб конлар портлаётган бир пайтда Валя ўртоғининг сочига гул таққани эриш кўринганини билиб, сочидан гулни юлиб ташлаган экан. Демак у, ўзи айтганича, шунчайин бир одам эмас экан-да, унинг кўп нарсага ақли етар экан.

Улар ўртасида бўлаётган гаплар сўнгги гап эканлигини улар сезиб турардилар. Улар руҳан видо'лашаётганликларини ҳам ҳис этиб турардилар. Шунинг учун улар кўз ёши тўкишдан уялмай, юракдан йиғлардилар.

Шу йиллар ичида фақат Донец қирларидагина эмас, балки аланга ичида қолган, қонга ва терга буланган, таҳқирланган бутун совет тупроғида ҳам кўп кўз ёшлари оқди. Бу кўз ёшларининг кўпи ожизликдан, даҳшатдан ва чидаб бўлолмайдиган оғриқдан тўкилган эди. Аммо инсоният тўккан энг олийжаноб ва муқаддас кўз ёшлардан ҳам ортиқ қанча-қанча кўз ёшлари тўкилди!

Ярим ҳарбийча кийим ва чарим фурашка кийган тўла юзли ва бақувват бир кексароқ киши ҳайдаб кетаётган тугун ва чемоданлар ортилган ва икки бақувват от қўшилган арава дарвоза ёнига тарақлаб келиши блан Уля ўртоғини қўйиб юборди-да узун кафтининг пасти блан кўз ёшини ортди, юзи эса яна бояғи қиёфага кирди.

— Хайр, Валя...

— Хайр, Улечка, — дедию Валя ҳўнграб йиғлаб юборди.

Улар ўпишдилар.

Арава дарвоза ёнида тўхтади. Унинг кетидан елиб-югуришдан герлаб-пишган ва кўз ёши тўккан Анатолийнинг онаси, қомати келишган, сариқ сочли, кўзлари шахло, новча ва оппоқ казачка Таисья Прокофьевна блан Анатолийнинг кичкина синглиси Наташа кўринди. Анатолийнинг отаси урушнинг дастлабки кунларидаёқ фронтга кетган эди. Анатолийнинг ўзи эса аравада, унинг ёнида-майка кийган, кўкраги очиқ, қора сочли, истараси иссиқ, жасур кўзларида қайғу аломати сезилган Виктор Петров деган бола юмшоқ нарсага ўралган ва ип блан боғланган гитарани ушлаб ўтирарди.

Уля қайрилиб, ота-онаси томонга худди ёғочдай қотиб бора-бошлади. Унинг чемодани, тугунлари ва рўмолини аравага орта-бошладилар. Катта ёввойи қушнинг кўзлари сингари қора-кўзли кекса ва букчайган онаси қизига отилди.

— Ойи, — деди Уля.

Онаси „оҳ!“ дедию, ҳушидан кетиб, йиқилди.

(Давоми бор)

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ҚЎШЧИНОР¹

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади

Биз ёмондан айрилиб яхшини
топганинг қани...
Қўшиқ.

Сидиқжон куни бўйи, ҳатто истироҳат чоқларида ҳам тинмаслигига қарамай улоқчи отдай ҳамеша ўйнақлаб турар, бутун звенони гуллатиб ашула айтар, одамларга тегишар, кулар, кулдирар эди. У нимага бунчалик хушвақт ва нимадан бу қадар хушбахт эканлиги тўғрисида ўйламас, мабодо ўйлагудай бўлса кўз олдига Аҳмедов, Урмонжон, Зиёдахон, Эргашбой, Анзират-хола ва бошқалар, шулар билан бир қаторда Канизак ҳам келар эди. Бу одамларнинг бири меҳр-оқибат кўрсаткан; бири, мартабаси улуғ бўлишига қарамай, бир улфатдай гаплашган ва энг яқин дўстдай ғамхўрлик қилган; бири шу ерда юриб пешонаси очилиб кетишига ишанч туғдирган; бири ҳақоратга қарши интиқом қўлини кўтармай ҳамширалик қўлини чўзган; бири оналик меҳри-муҳаббати билан бошини силаган.. Канизак нима қилган? Сидиқжон ўзига бундақ савол бермас ва бундақ савол ҳаёлига ҳам келмас эди.

Бу кунларда Сидиқжон нақадар хурсанд бўлса Канизак шу қадар хафа ва унинг хафачилигига ўша „районда колхозни уриб чиққан газета“ сабаб эди. Бу „газета“ колхозларда оммавий — сиёсий ишни кучайтириш тўғрисида район партия комитетининг чиқарган қарори бўлиб, бунда оммавий — сиёсий иш яхши йўлга қўйилган „Зарбдор“, „Қизил омоч“ сингари илғор колхозларнинг иш тажрибалари умумлашдирилган, „Нек қадам“ колхозида йўл қўйилган хатолар ва бошқа бир мунча колхозлардаги камчиликларнинг сабаблари очиб ташланган; булардан хулоса чиқарилиб оммавий — сиёсий ишни ривожлантириш йўллари кўр-

¹ Бош и ўткан соғларда.

сатилган эди. Қарорда ишида камчилиги булган бошқа бир мунча колхозлар қаторида Қўшчинор колхози ҳам санаб ўтилган бўлиб, бу колхозларда социалистик мусобақа диққат марказида эмаслиги алоҳида қайд қилинган эди. Социалистик мусобақа диққат марказида эмас деган гап ўша санаб ўтилган колхозларнинг ҳаммасига тегишли бўлса ҳам Канизак буни ўз звеносида бўлиб ўткан кетман воқисаи кўзда тутилиб айтилган гап, бошқа колхозлар эса Қўшчинорнинг касофатига қолган деб ўйлар эди, шунинг учун энди Ўрмонжонга тегадиган гапни ва унинг қандай мажлисларда, кимларнинг олдида қанчалик қизаришини, айтилган гапни бу можарога кетман воқисасини Аҳмедовга айтканлиги сабаб бўлганини Ўрмонжон эшитса унинг олдида қай аҳволга тушиб қолишини кўз олдига келтириб сочини юлар эди. У соат сайин юрагини кемириб бораёткан бу дардни ҳечкимга айталмас, лекин айтиб ҳасрат қилиб, ўзини қарғаб, йиғлаб юрагини бўшатгуси, бирон оғиз бўлса ҳам тасалли берадиган гап эшитгуси келар эди. Бу қадар азоб чекаётганлигини Сидиқжондан ҳам яширди, чунки бу нарса, ўз наздида, унинг шишируви ва кўнглига „Таноби менинг қўлимда экан-ку“ деган гап келишига сабаб бўлуви мумкин эди. Броқ Сидиқжон унинг сўлиброқ юрагини пайқадю пайт топиб сабабини сўради. Канизак „ҳеч“ деб қўя қолди; иккинчи мартаба сўраганида ҳам шундай, лекин салгина гаши келгандай жавоб берди. Сидиқжон Ўрмонжоннинг уйида бўлган гаплардан биронтаси қулоғига кириптими деган хаёлда ташвишларни учинчи мартаба сўради. Бу сафар Канизак, райкомнинг қарори колхознинг умумий мажлисида муҳокама қилинишини эшитиб юраги сиқилиб турган эди, „Ҳа, мунча!“ деб қаттиқ жеркиб ташлади. Шундай қаттиқ жеркидики Сидиқжон нима гап бўлганини билалмай гаранг бўлиб қолди. Канизак буни кўриб ўз қилмишидан қаттиқ хижолат бўлди ва узур айтмоқчи бўлиб оғиз ростлаган эди, кўзи жиққа ёшга тўлдию узур у ёққа қолиб ҳасратини айтди. У айтишга айтдию, Сидиқжоннинг кўнглига келиши мумкин бўлган гап эсига тушиб, дарров унинг юзига қаради. Унинг гумонича Сидиқжон ҳозир сўз блан бўлмаганда ҳам юзининг бирон ҳаракати блан „Танобинг менинг қўлимда, буни билиб қўй“ — деган ма'нони онглатиши керак эди. Броқ Сидиқжоннинг юзидаги ифода унинг жуда катта ташвишга тушиб қолганини, Канизакни шу кўнгилисизликдан халос қилиш учун ҳарнарсга тайёр эканинигина кўрсатар эди. „Боринг, Ўрмонжон акамга ростини айтинг, — деди Сидиқжон — шундай бўлган эди, билмабман денг. Кунда-кунда ўлгандан бир кунда ўлган яхшироқ. Лекин Ўрмонжон акам уришмайдилар, мана кўрасиз, уришмайдилар...“ Сидиқжон бу гапларни бир нав' маслиҳат тарзида эмас, куйиб-пишиб гапирди ва Канизак кўнмагунча қўймади. Дарҳақиқат Канизак Ўрмонжоннинг олдига юраги пўккиллаб бордию гул-гул очилиб қайтди: Ўрмонжон унинг сўзини эшитиб хўп кулипти, сўнгра, бу қарорнинг ма'нисини, бўладиган мажлиснинг вазифасини тушантириб берипти.

Шундан кейин Канизак Сидиқжонни ўзига жуда яқин кўриб,

ҳатто унга бир қадар суяниб қолди. Бу Канизакининг унга қиладиган ҳарбир муомиласидан очиқ-ойдин кўриниб турса ҳам, Тожибойни э'тиборга олмаганда, буни ҳечким эгриликга олмас эди. Дарҳақиқат Сидиқжон ҳамавоқт ва ҳарқандай шароитда ҳам унга ҳаддан ташқари, ҳатто ба'зан хотин кишига малол келадиган даражада оқ кўнгиллик блан муомила қилар, лекин бундай муомила қилганида икки мартаба хотин кишига ола қарабоғзи кўйганлиги кўнглининг кўчасидан ҳам ўтмас эди. У, афтидан, ғаразлик муомиланинг ҳар қандай лаззатлик натижасидан ҳам кўра содда, қувноқ, ширин сўз, ёш, чиройлик бир жувоннинг шу хилдаги яқинлигини, ўрни келганда қиладиган бирон меҳрибончилигини афзалрак кўрар эди.

Шундай қилиб Сидиқжон, худди зўр бахтга эришган ёки ушандай бахтнинг бўсоғасида тургандай, терисига сиғмай, қулоғига ҳарбир товуш ёқимли эшитилиб, кўзига бутун олам ўн саккиз ёшар қишлоқ қизининг юзидай кўриниб, эски ҳаётини эслагуси ҳам келмай юрар эди.

Пахтанинг биринчи терими бошланган кунлар эди. Бир куни Зокиротанинг звеносига чимматсиз қизил паранжи ёпинган, хонатлас кўйлак ва амиркон махси-ковуш кийган болалик бир хотин келиб Сидиқжонни сўради. Сидиқжон тўқайнинг нариги ёғида йўл бўйидаги хирмонда пахта қопламоқда эди. Тожибой дарров йўрғалаб чиқиб хотинни гапга солди. Бу хотин Сидиқжоннинг хотини шарофат эди. Канизак Сидиқжоннинг хотини блан қўйди-чиқди бўлганини эшиткан эди, шунинг учун, Сидиқжон бу хабарни эшитса „хотиним ялиниб келипти“ деб хурсанд бўлади деган хаёл блан чопқилаганича хирмонга борди.

— Менинг бу ерда эканимни ким айтипти? — деди Сидиқжон пахта босаётгани қанорнинг устидан шошиб-пишиб тушар экан, — нимага келипти?

Канизак унинг шошиб қолганини кўриб илжайди.

— Билмадим... Шундай чиройлик ўғлингиз бор экан...

Сидиқжон Зуннунхўжанинг уйдан ўғлини бағрига босиб чиқиб кетканида хотини кетидан чиқиб кўчада уни қўлидан тортиб олганини ва шунда бола инграганини эслади; шу энграш қулоғига эшитилиб кетдию чеҳраси тўсатдан ўзгариб ма'юс ва шу блан бирга ташвишманд бир қиёфага кирди. У пешонасини тириштириб бормоғи блан чаккасини тез-тез қашлар экан кулимсирашга ҳаракат қилди.

— Хўш, Канизакхон, энди нима қиламиз?

— Нима қилар эдингиз, уз оёғи блан келгандан кейин... гап-лашасиз-да! Эгилган бўйинни қилич кесмайди.

— Йўқ, уни қўйинг, — деди Сидиқжон юраги торлик қилиб, — буларни қаёққа олиб борамиз?

— Ҳовлига олиб борсангиз бўлмайдими?

Канизак „ҳовли“ деганда Анзиратхоланинг ҳовлиси Сидиқжоннинг назарига яна, биринчи мартаба кўрган вақтидагидай, маш'ум бир чордевор бўлиб кўринди; унинг қизил сопол парчалари чиқиб турган қинғар-қийиқ дуволлари, гўлаҳга ўхшаган

қол-қора айвончаси, гўрга ухшаган уйи ва унинг қасмоқ боғлаб кеткан эшиклари кўзига кўринди.

— Бошқа жой йўқми, Канизакхон?

— Қанақа жой? — деди Канизак ва кулимсираб илова қилди, — уй иккитта-ку.

— Йўқ, дурустроқ жой бўлса деган эдим. Бу атрофда бўл-маса, Қўшчинорда, Қўғазорда бордир...

— Ҳа, бу уйга нима қипти? Бутун Капсанчиларда шунақа уй-дан нечита бор экан?

— Ўртоғингиз Марусанинг уйи қалай?

— Вой, Марусанинг уйи ертўла-ку.

— Бошқа ҳеч қаерда дурустроқ жой йўқми? Бир уйлаб куриг.

— Йўқ, Сидиқжон ака, — деди Канизак ва бирдан аччиғи келди. — Ҳа, мунча!.. Хотинингиз осмондан тушиптими? Биз ҳам одам боласи, турибмиз... Одамлар бутун умрини ўтказган жойда у киши бир кеча ётсалар ҳеч нима қилмас! Оббо! Унақа олифта бўлса келмасин эди! Ярашгани келганми, уй кўргани келганми?

Канизак лабини буриб Сидиқжондан юзини ўгирди ва яна ни-мадир демакчи бўлиб икки-уч кўз қирини ташладию айтмади.

— Йўқ, Канизакхон, сиз тушинмаётисиз, — деди Сидиқжон шошиб — тушинмаётисиз. Гап унда эмас, унинг олифталиги ўзи-га... Ростини айтайми? Менинг сиздан яширадиган сирим йўқ, Канизакхон: менинг туриш-турмушимни кўриб „ўла, аҳволинг шу экан-ку“ деб кетмасин дейман. Шу гапни юзимга айтишидан ҳам тоймайди. Мен буларни биламан.

Канизак ялт этиб қаради.

— Ярашгани келган эмасми?

— Йўқ. Билмайман, нима учун келганини билмайман, лекин ҳарқалай ярашгани келган эмас. Ё болани ташлаб кетгани ё на-фақа сўрагани келган.

Канизак Сидиқжоннинг юзидаги зўр ташвиш ифодасини кўриб унга раҳми, атлас кўйлак кийган олифта жувонга ғазаби келди-

— Хафа бўлманг, Сидиқжон ака! — деди — болани ташлаб кет-са бир гап бўлар. Кундуз куни яслида бўлади, кечқурун холам қарайдилар. Мен бор...

— Энди Анзиратхоланинг бир қилмаган ишлари менинг бо-ламга қараш эди!

— Қандақ қиламиз, ташлаб кетса қараймиз-да. Ташлаб кетмас.

— Менинг туриш-турмушимни кўрса жўртага ташлаб кетади.

Канизак, худди шу ташвиш ўз бошига тушгандай, типирчи-лаб қолди.

— Ўрмонжон акамнинг уйларига олиб борсакмикин-а? Пишиқ-ғишдан, томи унча-мунча туника, дерезаси бор... Мен бориб Тўхтанисо опамга атай, уёқ-буёқдан нарса топиб уйини ясатай-лик. Марусанинг самоварини олиб бораман. Тожиҳон опанинг қизил гуллик янги кийгизи бор... Шунақа қилайликми?

— Ўзингиз биласиз, — деди Сидиқжон унга ма'юс назар таш-лаб. Унинг бу қаршидан чексиз миннатдорчилик ифодаси бор эди-

— Сизни „ўла“ дегани қўямизми, Сидиқжон ака! Колхозчилик!

Канизак чопқиллаганича, йўлни чангитиб, пахтазорга ўтди ва чипор пахтазорда капалакдай липиллаб бир пасда кўздан ғойиб бўлди. Сидиқжон бошқа яхтак-лозим кийгани гизиллаганича уйга қараб кетди.

У, йўлни қисқа қилиш учун тўқайни оралаб ва қумтепадан ошиб, катта йўлга тушканида кимнингдир:

— Ҳа, нима қилиб юрибсан? — деган товушини эшитди.

Сидиқжон орқасига қараб, бир неча қадам нарида жадаллаб келаёткан Ўрмонжонни кўрди-да, бутун мушкили осон бўлгандай, қувониб кетди.

— Қанор олиб бордимиз? — деди Ўрмонжон каттакан рўмолчаси блан юзини, бўйинини артиб. — Нечита қанор олиб борди?

— Етитта...

— Қанорнинг оғзини новда блан боғлашни ўрганибсану йиртмасдан боғлашни ўрганмабсан-да! Нега йиртасан? Билмасанг ўрган! Нега йиртасан? Нима қилиб юрибсан иш вақтида?

— Хотиним келган экан...

— А? Нимага келипти? — деди Ўрмонжон ўзини йўл бўйидаги каттакан саданинг сясига олиб — қани, бери келчи. Ярашгани келиптими?

— Йўқ. Билмадим, ҳали кўрганим йўқ.

Ўрмонжон рўмолчаси блан бўйинини аста-секин артиб, ўйлашиб қолди-да, бирдан:

— Ярашасанми? — деди — ярашаман деб келган бўлсаю ярашнинг келса яраш, шарият-тариқат деб ўтирма. Лекин хотин бўладиган бўлса шу ерда бўлсин. Шунга бўйнига қўй. Туриш-турмушинини кўрсат, айт. Лекин юрагини ёриб юбормагин: ҳозир бундақ бўлса йилдан-йилга қанақа бўлишини ҳам кўзига кўрсат. Мана, ариқ битди, кузда мана бу тўқайларни бузиб янги ер очамиз. Еримиз тўрт юз йигирма гектар бўлади. Трактор ишлатамиз... Ё ярашсанг кетишинг керак бўладими? Агар кетишинг керак бўлса... кўнглинг шунга мойил бўлса тўғриси айтиб бер. Ишлаган ҳақингни берамиз, совға-салом қилиб борасан.

— Ҳали ҳам шунақа дейсизми, Ўрмонжон ака, — деди Сидиқжон оғриниб — қўйинг энди шунақа гапларни!

Ўрмонжон унинг ранжиганини кўриб эзоҳ беришга шошилди:

— Йўқ, йўқ, мен бошқа нарса демакчи эдим. Менинг гапимни нотўғри тушинма демакчидан. Менинг гапимдан „Агар бу ердан кетадиган бўлсанг ярашма“ деган ма'но чиқмасин. Эр-хотиннинг орасига тушишни ёмон кўраман. Эр-хотиннинг орасига тушган киши ба'зан ўша тобда, аксари кейинчалик сўкиш эшитади. Бу тўғрида уз ақлинг блан иш қил демакчидан.

— Ярашгани келгани ма'лум эмас, Ўрмонжон ака.

— Нега келипти бўлмаса? Болангни кўрсатганими? Ҳеч-да!

— Мен шундақ гумон қиламанки ё болани ташлаб кетгани келгани, ё нафақа сўрагани.

— Йўқ-йўқ! Йўқ! Йўқ! Сен берадиган нафақага зор эмас. Ор

ҳам қилади. Болани ташлаб кеткани ҳам келган эмас! Она!.. Яна бу ёғини ҳам назарга ол сенинг қаерда эканлигингни сўроқлаган, билган хотининг эмас, қайнатанг... оти нима эди... Зуннун-хўжа! Шундақ эмасми?

— Албатта.

— Ҳа, баракалла! Ундан кейин: хотининг ўзича келганмикин? — Йўқ! Бундан чиқадики Зуннун-хўжа сени сўроқлаб топкан, ундан кейин қизини юборган. Бу аниқ. Хўш, нафақа ундириш ё болани ташлаб кетинг учун юборганмикин? Йўқ! Мана шуларни ўйлаганда хотинингни нима учун келган деса бўлади? Ярашиш тўғрисида қўйнингга қўл солиб кўргани келган. Жуда яхши! Кўнгилдагидек! Битиша олсаларинг соз бўлар эди. Туриш-турмушингни кўрсат. Уни ваҳимага ҳам солма, қўйини пуч ёнғоққа ҳам тўлдирма.

— Мен ҳам шундақ деб ўйлаган эдим, — деди Сидиқжон хила қизариб — лекин Канизак ҳеч кўнмади: қўйинг, ўша ерга олиб бормайлик деб сизнинг уйингизни ясатгани кетди.

Ўрмонжон кулди.

— Сўқур кўзга сурма... Нима қиласизлар, нима қиласан алдаб? Айтдим-ку...

— Йўқ, алдаш ваҳҳидан эмас, „ўла, аҳволинг шу экан-ку“ деб кетмасин деб. Ким билади, хотин кишининг тилига хотин киши тушинади...

— Аҳволингга нима қилипти? Деса деяберсин. Гувалак қуяётканимизни кўрмасдан қўлимизнинг лойлигини кўриб куладиган бўлса кулаверсин. Хўп, бор бўлмаса, кечаси кўришамиз.

Ўрмонжон жадаллаганича кетди.

Сидиқжон югириб Ўрмонжоннинг уйига бориб Канизакни огоҳлантирди, ундан уйга ўтиб бошқа яхтак-лозим кийди-да, далага қараб кетди. Ўрмонжонга учрашмасдан бурун сордан қочган жўжадай бошини қаерга тиқишини билмай қолган Сидиқжон энди дакани хўроздай мағрурона қадам ташлаб борар эди. Шундақ бўлса ҳам узоқдан ўзига ма'лум қизил паранжини кўрганида юраги гуп-гуп урдию қадами сусайди. У ҳозир хотинига қандай рўпара бўлишни, рўпара бўлганида нима дейишни, у нима дейишни тасаввур қилалмас эди. Узоқ кутиб зерикган ва толиққан бир ва'зиятда турган Шарофат Сидиқжон келаётканини кўриб дарров болани қўлига олди ва у яқин келганида яна ерга қўйди-да, ундан қочишни ҳам, қочмаслигини ҳам билмагандай тараддудланиб, юзини паранжиси блан салгина тўсди. Сидиқжон шохариқдан ҳатлаб ўтар-экан,

— Келинглр, яхшимисизлар? — деганини ўзи ҳам билмай қолди ва хотинидан бир неча қадам берида чўнқайиб болага қулочини ёзди.

— Келдик дегин, ўзингиздан сўрасак дегин, сиз йўқламасангиз ҳам мен йўқлаб келдим дегин, — деди Шарофат этагига маҳкам тармашиб олган болани отасига йўллаб — ана даданг, бор энди! Дада-дада деб қўлоқ-миямни еган эдинг-ку, жувонмарг,

энди нега ҳушшайиб турибсан? Танимаётисанми? Даданг озиб қолиптиларми?

Сидиқжон, худди туш кўраёткандай, унинг гапини барала эшитиб турган бўлса ҳам лекин нима деяётканини билмас эди. У ўғлининг бегонасираётканини кўриб икки қадам олға босдию, бундан ортиқ яқин борса худди бир нарса портлаб кетадигандай, энгашиб боланинг кўкрагига -чиқиб кетган қийиқчасидан ушлаб тортди ва кўтариб олди. Бола бир инградию, лекин йиғламади, ҳайрон бўлиб стасицинг оғзига, бурнига, иягига, яна оғзига қаради-да, ширин-шўртас бормоғини унинг оғзига тикди.

— Қани, юринглар... — деди Сидиқжон ва Шарофатнинг индамай йўлга тушганини кўриб негадир унинг ота-онасини сўрашни лозим кўрди — қалай... юришиптими?

Сидиқжон бирон гап гапирса эшитмай қолишдан ховотир тортқандай ундан бир қадам ҳам кейинда қолмасликга тиришиб бораёткан Шарофат шуни кутиб турган экан шекилли дарров:

— Кўпдан-кўп сўраб қўйишти, — деди.

Шу блан гап тамом бўлди. Бола Сидиқжоннинг елкасига бошини қўйиб ухлаб қолди. Шундан кейин жуда ўнғайсиз жимлик чўкди. Сидиқжон гапирмаётканлигига сабаб гўё бутун эс-ҳуши болада, йўлда эканини кўрсатиш учун дам-бадам оёқ остига, йўл бўйидаги буталарга қарар, болани авайлаган бўлиб баланд шохлар остидан ҳам энгашиб, эҳтиёт бўлиш керак бўлмаган жойлардан ҳам минг эҳтиёт блан ўтар эди. Катта йўлга чиқиб олгандан кейин Сидиқжон бир нима дейишга мажбур бўлиб:

— Қалай, қишлоқлар қалай? — деди.

— Собиржон қори ўлди, — деди Шарофат ва бу гапни шундай ғамгин товуш блан айтдики Сидиқжон беихтиёр тўхтади ва унга қайрилиб қаради. Кўз кўзга тушди. Шарофат бошини бир томонга қийшайтириб ма'юс бир қиёфада илжайиб турар эди.

— Ким? — деди Сидиқжон нима дейишини билмай.

— Собиржон қори... Эсингиздан чиқдимми? Дарров эсингиздан чиқипти-да.

Унинг афти „Собиржон қорининг чорвоғида ўтказган дамларимиз қандай дамлар эди, находки ўша қулар, ўша чорвоғ, ўша жингуллар эсингдан чиққан бўлса“ деб турар эди. Сидиқжон буни фаҳмлаб жилмайди-да, унинг шамасига шама блан жавоб берди:

— Эсимдан чиққани йўқ... Раҳматлик яхши одам эди, — деди.

Шарофат дамни совутмай яна шама қилди:

— Дун'ё шу экан-да, шу экан дун'ё! — деди.

Сидиқжон бу шамага жавоб қилмади, зотан қандай жавоб қилишни билмас ҳам эди.

Йўлда давом этишди. Яна жимлик чўкди, лекин бу жимлик бояғидай ўнғайсиз, толиқтирадиган жимлик эмас эди: Шарофат, Сидиқжондан шамасига жавоб ёки ҳар иккаласининг ҳам тилини боғлаб турган андешага барҳам берадиган бирон нарса кутар; Сидиқжон эса унинг ярашгани келганлигига амин бўлиб, унга ўзининг туриш-турмушини кўрсатишдан бурун колхознинг келажа-

гини кўрсатиш учун нималар дейишни ва гапни нимадан бошлаш-ни ўйлар эди.

Сидиқжон ниҳоят гап бошламоқчи бўлиб,

— Қалай, — деди ва сап-сариқ қамишзорнинг у томонида оқаришиб турган дар'ёни кўрсатди — барҳаво жойлар эканми?

Шарофат бу гапни Сидиқжон бирон бошқа ма'нода айтди деган хаёлда ўйланиб тўхтаб қолди ва бунинг тагида бошқа ҳеч гап йўқлигини билганидан кейин бир оз бўшашиб:

— Ҳа, жуда ҳам... қаранг, дар'ё... бирам чиройлик, оппоқ, — деди ва бирдан жонланиб кетди — мен ёшлигимда дар'ёда сут оқади дейишса ишанар эдим. Кап-катта қизлигимда ҳам ишанар эдим. Ўша йиллари ҳам ишанар эдим...

Шарофат „ўша йиллари“ деб Собиржон қорининг чорвоғига дувол ошиб тушиб юрган чоқларини айтмакчи ва шу блан Сидиқжонга яна ўша дамларни эслатмакчи бўлди. Броқ Сидиқжон ўзи блан ўзи овора бўлиб бунга э'тибор қилмади. У ўнг томондаги қалин тўқайнинг очиқ ерида қорайиб турган турпоқ тепани кўрсатиб:

— Ҳу... кўраётгисизми? — деди — ариқ! Ариқ эмас, анҳор.. Шу бу йил чиқардик. Шу дар'ёдан... яқинда битди. йигим-теримни олганимиздан кейин очилади. Ҳозир ҳарқайси колхоз ўзига ариқ чиқараётпти. Ўн еттита колхоз сув ичади... Одамларнинг ишлаганини кўрсангиз... Ҳама чумалидай ёпишди. Камбағаллик жонига теккан одамлар...

Сидиқжоннинг мўлжалига кўра Шарофат бунга ҳайрон қолиб, бу ариқ қандай қазилганлиги тўғрисида устма-уст саволлар бериши керак эди. Броқ Шарофат Сидиқжон кўрсатган томонга бир қарадию, турпоқтепага э'тибор ҳам қилмасдан, яна ўзининг гапини гапирди:

— Кап-катта қиз шунга ишанар эканман-а! Собиржон қорининг катта хотини бир йили бизни қумга олиб борган эди. Дар'ёни шунда кўрган эдим. Туз конига борганимизда ҳам кўрган эдим. Ўшанда ҳам сут оқади дейишса ишанипман. Гўл эканманми? Ҳеч-да! Ҳеч ҳам гўл эмас эдим. Ўртоқларимнинг ичида мендан шайтон қиз йўқ эди...

Яна йўлда давом этишди. Шарофат ҳамон дар'ё, сут, ўзининг ўша вақтларда, „ўшанда“ гўл эмаслиги тўғрисида гапириб борар, афтидан, ўша ма'сум чоқларини Сидиқжонга эслатмакчи ва унинг қўлига тушувига гўллик эмас, муҳаббат сабаб бўлганини айтмакчи эди.

„Йўқ, ариқ тўғрисида мен гапни мондалаб гапиралмадим, — деди Сидиқжон ичида. — Одам ёқасини ушлайдиган шундай катта иш менинг оғзимдан кичкинагина, худди ҳовуз кавладик дегандай бўлиб чиқди. Нега бундақ бўлди? Гапни ариқнинг ўзидан бошламаслик керак экан шекилли. Нимадан бошласам бўлар эди? Бу қандақ бўлди, тайёр турган шундай катта нарсани уддалаб айталмаётганимиз, ҳали йўқ нарсаларни бунинг кўзига қандақ кўрсатаман?“.

Сидиқжон йўлни қисқа қилиш учун қалин тўқайни оралаб ўткан сўқмоққа бурилганда Шарофат тўхтади.

— Қаёққа бораётимиз?

Сидиқжон болани иккинчи елкасига олиб унга ўгирилди ва борилаёткан ерни нима деб айтишини билмасдан,

— Дам олинглар, — деди.

— Қаерда? Ким бор?

— Бир кампир... онамиз борлар.

— Яна ким бор?

— Яна бир хотин киши... у ҳозир ишда.

— Канизакхонми? — деди Шарофат кулимсираб. Унинг юзида „Борсам балога қолмайманми?“ деган ма'но ётар эди.

Сидиқжон негадир, худди бир сири фош бўлгандай, гангиб қолди.

— Сизга ким айтди? У хотин... мен... ҳеч... ким айтди сизга?

Шарофатнинг юраги шув этиб кетди: „э, ўзини оқлаётпти-ку. Бундан чиқдики мендан буткул кўнгил узмаган экан-да! Кўнгил узган бўлса тўғриси айтиб шу жувонни оламан ёки сенинг нима ишинг бор демасмиди?“ Шу гап кўнгилдан ўтдию, тўсатдан қовоғини солиб:

— Нима қиласиз бизни у, ерга олиб бориб? — деди ва болага қўл узатди.

Сидиқжон болани бермади.

— Худо урсин агар, — деди кўзларини катта очиб — ким айтди сизга?

— Битта киши айтди... Нега қасам ичасиз, ҳаркимнинг майли ўзида, — деди Шарофат ва лабини буриб четга қаради, лекин дам-бадам Сидиқжонга кўз қирини ташлаб қўяр эди. — Биз бормаймиз. Бир оғиз гапимиз бор, шуни сизга айткани келган эдик. Исомитдин амаким бизни бу ерга ташлаб Хўжақишлоққа ўтиб кетдилар, қайтишда олиб кетадилар. Биз ўша ерга бориб туришимиз керак.

Унинг мўлжалига кўра Сидиқжон яна қасам ичиши, юр деб қисташи, ҳол-жонига қўймаслиги керак эди. Брок Сидиқжон унинг гапига чипяа-чин ишанди, ярашиш учун келгағлиги ҳақидаги ўзининг тахминини нотўғри чиққанини кўриб бўшгина:

— Ўша ерга бориб гаплашсак ҳам бўлар эди-ку, — деди.

Унинг бундай дейиши Шарофатга жуда қаттиқ тегди, ҳатто гашини келтирди, шундақ бўлса ҳам Сидиқжоннинг кўкрагига, сўнгра юзига қараб илжайди-да, қийшанглаб:

— Йўқ, шу ерда, шу ерда гаплаша қолайлик, — деди.

— Бу ер йўл усти-ку.

Шарофат ерга қараб ковшининг учи блан ер чизар экан эшитилар-эшитмас:

— Ичкарироққа кириб бўлмайдими? — деди.

Сидиқжон илжайдию, болани бағрига босганича, бир-бирига киришиб кетган буталар, шохлар орасидан оёғи ва елкаси блан йўл очиб тўқайнинг ичкарисига бошлади. Шарофат дам-бадам „вой“ ёки „вой ўлай“ деб унинг кетидан юрди. Сидиқжон

каттакан ёввойи жийда тагида тўхтаб Шарофатни кутди; Шарофат етиб келгач унинг бошидан паранжисини бир қўли блан олди, тиззадан келадиган қуруқ ўт-ўланлар устига ташлади-да, болани ётқизмакчи бўлди. Брок Шарофат дарров болани унинг қўлидан олди, бағрига босиб паранжининг устига ўтирди-да, жилмайиб, Сидиқжонга ўздан икки-уч қадам наридан жой кўрсатди Сидиқжон кулиб унинг ёнига чўккалар экан қўлидан ушлади

— Жуда очилиб кетипсиз.

— Ҳа, кўзингиз куяётиптими?

— Шу ерда ўтира қолай...

— Йўқ, — деди Шарофат қўлини тортиб олиб — боринг, номаҳрамсиз... Уч талоқ деб ўзимга айтмаган бўлсангиз ҳам номаҳрамсиз... Тегманг! Шошманг, шошманг, аввал гапим бор... Олинг қўлингизни... Ўзингизни ўйлар экансизу бошқаларни ўйламас экансиз-да? Тегманг!

— Сизни ҳам ўйлайман, — деди Сидиқжон ҳамон илжайганича унинг сочини гижимлаб.

— Шуми ўйлаганингиз?

— Нима қилсам булар эди? Айтинг...

— Нима қилсам булар эди эмиш! Ҳамма ишни мендан сўраб қилармидингиз? Сўрамаган эдингиз-ку. Сўрашлик уёқда турсин бир оғиз гапирмаган эдингиз-ку. Кўнглингизда шунчалик гапингиз бор экан, ота-онам шунчалик жонингизга текган экан бир оғизгина „ҳой, хотин, мен сиқилиб кетдим, уй ажратиб чиқиб кетайлик“ десангиз бўлмасмиди? Ўтиб кетган гап, энди гапириб ўтиришнинг ҳожати йўғу, срасини айтаман. Кўнглингизда қўйиш бор экан ўзим блан уришсангиз бўлмасмиди? Ё мен одам эмасмидим? Ўзим блан уришинг, уч талоқ деб ўзимга айтинг эди. Мен у уч талоқ ўринга ўтмайди деяётганим йўқ, ўтса-ўтмаса майли... Срасини айтаман.

— Ўзингиз йўлинг очик, кетабер, мен ота-онамни дейман деган эдингиз-ку.

Шарофат кўзларини катта очиб ёқасини ушлади.

— Ё қудратингдан! Қачан? Қачан мен кетаберинг дедим? Бунақа ёлғон гапирадиган одатингиз йўқ эди-ку! Уй ажратамиз дедингизу мен йўқ дедимми?

— Сизга у вақтда бунақа гапни гапириб бўлармиди?

— Ҳа, нега гапириб бўлмас экан? Сиз эр эдингиз, мен хотин; хотин эдим халос.

Сидиқжон кулди.

— Билмабмиз-да бўлмаса. Гапириб бўлса ҳали ҳам гапирсак бўлади... Колхозимиз сал оёққа босгандан кейин ўзим бориб сизни олиб келмакчи эдим.

Шарофат ёлғондан қийқириб кулди.

— Қаёққа? Во-ей, мунча яхши! Шунча ер-сув, шундай ҳовлижойни ташлаб келар эмишманми? Ўша қилганингизга ҳеч ҳам ярашмайману срасини айтаман-да. Отам қариб қолдилар, онам дардчил. Буларнинг неча кунлиги қолганини ким билади? Булардан ер-сув, уй-жой кимга қолади? Мен сизга ўхшаган эмас-

ман: ер-сув ўзимга керак бўлмаса ташлаб кетабермайман, боламан уйлайман. Ер-сув, уй-жой менга керак бўлмаса боламга керак. Шу бечора ҳам умед блан дун'ёга келган, ҳадемай катта бўлади, бола-чаққа қилади... Ўзингиз, отангиздан ҳеч нарса қолмай, қаттиқчилик кўриб ўсгансиз, қаттиқчилик нима эканлигини яхши биласиз. Отангиздан бир парча ер қолганда ўша қаттиқчиликни кўрмас эдингиз. Наход ўғлимга ўшандақ қаттиқчиликни раво кўрсам! Сиз раво кўрасиз, сизга ўхшаган меҳри қаттиқ оталар раво кўрал! Мен ўғлимни уйлайман, болагинамнинг пешонасини уйлайман.

Ерга қараб чўп синдириб, унинг сўзларига жимгина қулоқ солиб ўтирган Сидиқжон ер остидан унга бир кўз ташладию, жилмайиб:

— Бу тўғрида мен сиздан кўпроқ уйлаб юрган бўлсам нима дейсиз? — деди ва шу блан „мен ҳозир нима қилиб юрган бўлсам ҳаммасини ўғлим учун қилиб юрибман“ демакчи эди. Броқ Шарофат буни ўзича тушинди: „Аччиқ устида шундақ бўлиб кетдию ўшандан бери нима қилишимни билмай юрибман“ демакчи деб уйлади ва қулоғига унинг бу гапи боя Канизак блан борди-келдим йўқ деб қасам ичгани, „Ўзим бориб олиб келмакчи эдим“ деганидан ҳам ёқимлироқ кирди. У шошиб қолиб сипо-гарчиликни қўлдан бериб қўймаслик учун бир пас жим қолдида, кейин қошини бир оз чимириб, сўз бошлади:

— Чол-кампирининг шу боладан булак мерссхўри йўқ. Ҳозирги замонда ерни сотиб бўлмаса... Ё естиб бўладими? Удда қилмасангиз естинг; агар шунча йил туз ичган қишлоғингизнинг суви энди сизга ҳаром бўлса сотингу кўнглингиз тортган жойдан углингизга атаб бошқа ер олиб қўйинг. Ихтиёр ўзингизда.. Дадамни ўзингиз биласиз: оғир ишга ярамайдилар. Замонни кўриб турибсиз: биров учун биров тўртдан бирга эмас, шерикликга ҳам бир кетман урмайди. Колхоз ҳозирданоқ шоликорликга кўз тиккан. Дадамни икки мартаба жамоа чақиртирди. Дадам—куявимнинг ўзи жавоб қилади, менинг ҳаддим сиғмайди, — деб жавоб бериптилар. Жамоа сизнинг буёқларда юрганигизни ҳали билмайди.. Шолини ўт босиб кеткан, пахтага шира тушган. Янаги йилга ер экувсиз қолса... экувсиз қолса эмас, колхоз шולי блан пахтанинг шу аҳволини кўрса ҳеч кимдан сўраб ҳам ўтирмасдан куздаёқ қўш солиб юборади. Бечора болсинам ерсиз қолади...

Сидиқжон ерга қараб ҳамон чўп синдирад экан, кулиб юбормаслик учун зўр бериб йуқориги лабини сўрар эди. Шарофат унинг яшираёткан бу кулгиси қандай кулги эканини билалмай, унинг озидан кўзини олмас, худди ёд олган нарсасини такрорлаёткандай, „аиланиб кетай, ўргилиб кетай“ деб боланинг сёғини силар эди.

— Ҳўш, нима қиламиз бўлмаса? — деди Сидиқжон ўзини кулгидан буткул тийиб.

— Ўзингиз биласиз... Менга барибир... иш қилиб шу бола..

— Боришим керакми ахир?

Шарофат, ранги бўзариб, Сидиқжоннинг юзига бақрайганича қараб қолдию, анчадан кейин,

— Билмасам... — деди.

— Сиз билмасангиз, мен билмасам...

— Борсангиз... майли, бошқа хотин оласизми, бошқа иш қиласизми... Ерни сотиб бўлса жон кошки эди!

Сидиқжон яна кулимсиради.

— Борсам ер учун бораманми?

— Болангиз учун борасиз?!

— Мен болам учун борадиган бўлсам сиз болангиз учун шу ерга келиб қўяқолсангиз қалай бўлади? Лекин мен сизнинг қўйингизни пуч ёнғоққа тўлғизмайман... Борини кўрасиз... Лекин менинг ҳозирги туриш-турмушимни куриб юрагингиз ёрилмасин... Биз гуваляк қўяётганимизда келдингиз... қўлимиз лой... Бу гувалякдан иморат бино бўлгунча мана бунақа атлас қўйлагу, амиркон маҳси-ковуш қиялмайсиз. Баланд охирдан ем еб ўрганган киши аввал бошя қўрқиб кетади...

— Вой, галатисиз-а, мен сиз блан ярашаман деяётипманми? Безорман...

— Йўқ, мен ҳам срасини айтаётипман-да. Сиз ҳам „срасини“ кўп айтдингиз-ку. Кўраман десангиз туриш-турмушимни кўрсатаман. Лекин ҳозир шундақ бўлса йилдан-йилга қандақ бўлишини ҳам айтиб бераман. Мана, ариқ битди...

Шарофат беҳосдан билагиңи кўзига қўйиб йиғлаб юборди.

— Шўргуинам қурсин... Ўғлимни беватан қилар экансиз-да... Ўзингизга ўхшаган беватан бўлар экан-да... Ота ҳам шунақа бағри тош бўладими... Тайёр ерни, тайёр уй-жойни ташлаб... Одамлар фарзандини деб йўқни бор қилади, сиз борни йўқ қиламан дейсиз!

— Йўқ, бундақ деялмайсиз. Мен ҳозир нима қилаёткан бўлсам ҳаммасини ўғлим учун қилаётипман. Ўғлим менга ўхшамасин деб қилаётипман. Сиз болангизни кўргани, менинг онамга ўхшаб, жийда, беҳи, аравамих кўтариб келманг деб қилаётипман.

Шарофат Сидиқжоннинг пичингига тушинмади шекилли:

— Нима қилибсиз, нима қилдингиз? — деди.

— Энди қилаётипман. Ўғлимга ер-сув керакми? Ер-сув тайёр. Шу бу йил кузда мана шу тўқайларни бузиб янги ер очамиз. Ермиз тўрт юзу йигирма гектар бўлади. Ўғлимга уй-жой керакми?

Шарофат унинг сўзини бўлди:

— Мунча яхши, ҳукуматнинг хазинасини ҳам ин'ом қилақолинг!. Ҳукуматнинг ерига мунча бино қўйишлик! Қачандан бери ҳукуматга суяниб қолдингиз?

— Ақлим киргандан бери.

— Беришининг олиши ҳам бўлади...

— Нимани, ерними? Ерни тортиб олади демакчимисиз? — деди Сидиқжон заҳарханда қилиб — нима қилади тортиб олиб, темир сридуққа солиб қўядими? Биздан тортиб олиб кимга беради? Мана шу жойлар бурун Абдуваққос эшон деган бир эшонга қарашлик экан, ҳукумат биздан тортиб олиб ўшанга берадими?

Аммо Охунбобоевнинг ўрнига Собиржон қорига ўхшаган одам ўтириб қолса шундақ қилар эди. Сизнинг дадангиз ўтириб қолса ҳам шундақ қилар эди. Ё қилмасмиди?

Шарофат яна кўзига ёш олди.

— Сизга қолса дадамни муштумзўр ҳам дейсиз. Билмадим дадам бечора сизга нима ёмонлик қилган эканлар. Сизни деб шунча куяди, шунча куяди... Ўғлим йўқ эди, худо ўғил берди дер эди. Аччиқ устида сизга ўша гапларни айтиб, кейин нима аҳволга тушганларини билмайсиз. Йиғлаб, ўзларини уриб... эслари кетди. Сиз нуқул ёмонлайсиз... Ҳеч инсофингиз йўқ. Бағри-тош! Сизнинг ўрнингизда бўлак одам бўлганда, минг ёмон кўрса ҳам, аччиқдан тушганидан кейин бир бориб ўша бечорани юпатиб, кўз ёшини тинидриб келар эди. Нуқул қанотим синди деб йиғлайдилар... Ўшандан бери бир кун соғ бўлсалар уч кун касал... Ҳар куни аямни уришадилар, икки мартаба ўласи қилиб урдилар. Мен блан келмакчи эдилар, дармонлари етмади, йиғлаб қолдилар...

— Менинг бу ерда эканлигимни ким айтди? — деди Сидиқжон бир пас жимликдан сўнг. — ўзингиз сўроқлаб билдингизми? Кимдан сўрадингиз?

Шарофат Сидиқжон рашиқ қилаётипти деган хаёлда тўсатдан чеҳраси очилиб кетди, лекин ўзини жуда кўрқиб кетканга солди.

— Мен ҳечқаерга борганим йўқ. Сиз кетканингиздан бери остонадан ҳатлаган бўлсам оёғим синсин. Сизга бари-бирку, срасини айтаман-да... Дадам билиб келдилар.

Унинг ҳамма гапи ва муомиласидан Ўрмонжоннинг тахмини тўғри чиққанлиги очиқ-ойдин кўриниб турса ҳам Сидиқжон яна:

— Дадангиз бориб олиб келгин деб юбордиларми? деди — ва бу гапни жуда қўпол тарзда айтганини сезиб секин Шарофатга қаради. Шарофат паранжининг полугини эшиб, ерга қараганича ўтирар, афтидан, бу саволга жавоб бермакчи эмас эди. — Дадангиз шунчалик деган бўлсалар худо хайри берсин, — деди Сидиқжон қўпол равишда айткан гапини силлиқлаш учун. — У киши менга қандай бўлсалар мен ҳам у кишига шундай... Онангиздан ҳам хафа эмасман. Лекин орага бир совуқчилик тушкандан кейин менинг ўша уйга қайтиб боришим тўғри келмайди. Гап совуқчиликда ҳам эмас.

— Нимада бўлмаса? — деди Шарофат бирдан бошини кўтариб.

— Нимада? Ҳар нарса қилсангиз ҳам ўзингизни гўлликга солманг, хафа бўламан. Ҳалигина мен қизлигимда ҳам гўл эмас эдим, ўртоқларим ичида мендан шайтон қиз йўқ эди демадингизми? Энди гўл бўлиб қолдингизми?.. Нимага бўлар эди, мен ўзимга ўхшаган одамлар ичига тушиб қолдим. Мен шуларни кўриб ўзимни танидим. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Мен бу ердан кетмайман, кеталмайман. Шуни бориб дадангизга айтинг. Агар ота-онангиз мен блан шу ерда умур қилишингизга рози бўлишса, ўзингиз ҳам шуни хоҳласангиз шариат-тариқат деб ўтирмаймиз... Шариатнинг йўли кўп экан, биттаси берк бўлса, тўртгаси очилар...

Шарофатнинг юпқа лаблари кўкариб пир-пиради, бурни оқариб-катаклари керилди, қовоғи, худди зўриққандай, шишинқиради. Сидиқжоннинг назарида у ҳозир ҳеч оғизга олиб бўлмайдиган бир гап айтиши, бақириси, сўнгра болани олиб жўнаб қолиши керак эди. Броқ Шарофат ундай қилмади. У ўзини ерга отиб урдию, худди илон чаққандай, тўлғониб йиғи бошлади.

— Мен кўчада қолганимдан бу ерга келибманми!.. Шу болам тирик етим бўлмасин, шу боламнинг пешонасига ер битсин деб келганман... Мен эрсираб келибманми!.. Эрсираган бўлсам бўйни йўғон сон мингта! Боламнинг пешонасини деб келдим... Болам тирик етим бўлмасин деб келдим... Болам дарбадар бўлмасин деб келдим.

— Ҳарқанча дарбадарлик бўлса мен кўрганман, ўғлимга қолгани йўқ, — деди Сидиқжон.

Шарофат бирдан бошини кўтариб Сидиқжонга қаради ва туриб ўтирди. Унинг ранги учкан, кўзлари қизарган, лекин қуруқ эди.

— Бормайсизми?! — деди худди ҳозир юладиган бир вазо ҳатда. — Бормайсизми?!!

— Шовқин солманг, биров эшитса нима дейди! Айтдим-ку..

— Шу гапингиз гапми? Шу гапингиздан қайтмайсизми?

— Уй қиладиган бўлсангиз менинг кўнглимга ҳам қаранг-да

— Қайтмайсизми? Уч мартаба айтаман: қайтмайсизми? қайтмайсизми?.. а?.. қайтмайсизми? Хўп бўпти! Менга нима, бола бир меникими! Мен қўлимдан келганини қилдим, энди уволи сизнинг бўйнингизга... Ерсиз қоладими, етим бўладими... Етим бўлганда ҳам шундай етим бўлсин, шундай ҳам етимча қилайки қон йиғласин! Бошига бир мушт уриб бир бурда қаттиқ нон берадиган бир бўйни йўғонга тегмасам мен ҳам юрган эканман!..

Шарофат шу гапни айтдию ирғиб ўрнидан турди ва болани, худди ердан юлиб олгандай, силтаб кўтарди. Бола қўрқиб уйғаниб, қичқириб йиғлади. Сидиқжоннинг унга айтадиган бошқа гапи йўқ эди, броқ шу кайфиятда кетишини хсҳламади: назарида, агар шу кайфиятда кетса, шу ердан бориб-ёқ жўртага бир бўйни йўғонга тегадиган, у бўйни йўғон дарров боланинг бошига бир мушт уриб қўлига бир бурда қаттиқ нон тутқизадигандай бўлди; шунинг учун, юпатиш баҳонаси блан болани унинг қўлидан олар экан, (Шарофат дарров берди) мумкин қадар мулоҳимлик блан:

— Бугун қолинг, кун кечкирди, эртага ўзим арава топиб жўна-таман, Исомитдин амакингиз аллақачан кетиб қолгандир, — деди.

— Вой, улай! — деди Шарофат кунга қараб. — Албатта кетиб қолдилар-да, менга қараб утирармидилар! Вой, ўлганим яхши.. Вой шўргинам...

Шарофат стаси ўргатган, ўзи билган ҳамма гап, ҳамма йўллари ишлатиб натижа чиқалмаганидан кейин бу кеча шу ерда қолиб Сидиқжонни бу ерга боғлаган, унинг димоғини шиширган нарсани яхшилаб билмакчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди. У, то Анзирэтхўланинг уйига етжунча, аравадан қолгани учун ўзини дам-бадам товуш чиқариб қарғаб борган бўлса ҳам, хўб

ўйлади ва турли-туман тахминлар қилди. Унинг назарида бу тахминлардан ҳақиқатга яқинроғи Сидиқжоннинг „шу жувон ўлгур“ Канизакга айланишиб қолганлиги эди. „Бояги семиз йигит айткан гаплар рост экан, — деди ичида — лекин буни маҳлиё қилган унинг қора кўзигина эмасдир. Хусин-чинни товоқ, бу чинни товоқдан қази ҳиди келмаса бу безот бунчалик бўлмас эди. Бу қази нима бўлса экан? Кўмиб қўйган тилласи йўқдир, кўмиб қўйган тилласи бўлганда қиз олмаган йигитга тегар эди. Бўлса уй-жойи, илгариги эридан қолган рўзғори бордир. Бу безотнинг димоғини шиширган шу нарса! Бу безот-ку унинг уй жойига учипти, у манжалақи бунинг нимасига учди экан? У, ҳам бунинг қуруқ хуснига-гина учмагандир. Нимасига учди экан? Бу безот унга нима деб махтанди экан? Аввали шуки ҳечкимим йўқ, ёлғиз бошим дегандир; шум укаси, илоннинг ёғини еган мўлтонни онаси борлигини яширгандир. Ҳа, ёлғиз бошим деган бўлса бунақа эр кимга ёқмайди?“.

Шарофат Анзиратхонанинг остонасидан ичкарига қадам босганида заҳарга тулган саратон чоёнидай ўз заҳридан ўзи карахт эди; броқ ҳовли ва уйларнинг аҳволини, ҳовлида ошқовоқ лўчоқ судраб юрган бола ва кўришгани қучоқ ёзиб келаётган кампирнинг уст-бошини кўриб заҳри бир оз тарқалди; хусусан Анзиратхола „Вой, садқайи одам кетинг, наход киши шундай хотинни, шундай болани қўйиб буёқларда юрса!“ деганидан кейин ҳатто чеҳраси очилди. Анзиратхола уни нариги уйга олиб кирди. Бу уйнинг тоқчаларидан пачақ қумғон, увада сингари нарсалар олинган, муздак қилиб сув сепилган, тўрга Мадрайимнинг тўйиғи атаб олиб қўйилган сариқ гуллик қора кийгиз солинган, ўша ният блан қоплаган кўрпача блан якандоз тўшалган, дарчанинг тагида бешта қовун блан битта каттакон тарвуз юмалаб ётар эди. Шарофат, мезбонни назари илмаган меҳмондай, ҳечкимнинг таклифини кутмасдан тўғри тўрга ўтиб, якандознинг ўртасига ўтирди ва енги блан ўзини елпир экан уйнинг уёқ-буёғига қаради. Сидиқжон бўсогадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб қовунларни кўрсатди. Бола қовунларни юмалатиб ўйнашга киришди. Сидиқжон болага қараб, унга у-бу деб турган бўлса ҳам кўзи ва бутун диққати Шарофатда эди. У Шарофатнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлғизмаслиги, туриш-турмушини кўрсатмакчи экани тўғрисида гапирганида бу туриш-турмуши туфайли оз бўлса-да хижолат тортиши хаёлига ҳам келмаган эди; броқ энди, Шарофат уйнинг уёқ-буёғига қараб ўтирганида шу хижолатлик қаёқдандир пайдо бўлди. Унинг назарига ҳовли илгаригидан ҳам хароброқ, уй ва ундаги ҳарбир нарса кўзига абдий қашшоқлиқ нишонаси бўлиб кўринар эди. Анзиратхола дастурхон олиб кирди. Сидиқжон қовунлардан учтасини чақмоқлаб кўриб икитасини сўйиб бердию, чойга ҳам ўтирмасдан ишга кетди.

Шарофат кечгача Анзиратхонани гапга солиб ҳамма нарсани батафсил билиб олди, лекин бу гаплардан Сидиқжонни бу ерга нима бунчалик боғлаганига жавоб тополмади. У ўйлаб-ўйлаб яна Канизакга ёпишди: „Бу имонсиз кампир ёлғон айтаёткандир

Бунинг ҳам ҳечкими йўқ экан, икавининг орқасидан кун кўриб юрган бўлса буларнинг сирини менга албатта айтмайди-да. Мен содда шунинг гапига ишаниб ўтирибман. Худо урган йўқки бир ҳовлида туриб у кўзини сузмасаю бу ипини узмаса, ё бу ипини узганда у кўзини сузмаса! Бу жувон ўлгур кўзини сузган! Бу безот хуштор бўлиб қолган! Наход шунчалик хуштор бўлсаки кўзига мол-дун'ё ҳам кўринмаса-я! Шунақа хушторлик ҳам бўлармикин? Бунақа хушторлик-ку бўлмайди, бу манжалақи бир бало қилган, ўзига иситиб олган бўлса ажаб эмас. Рост, бу гапни худо кўнглимга солди, ўзига иситиб олган. Эсизгина, буни билганимда ўша ердан қайтарма қилдириб келар эдим... Э, энди билдим: онаси ўлгур ҳам бир илму-амал қилган, уни мендан совутган; совутмаган бўлса қўйдаи ювош одам бирданига бунақа бўлиб қолмас эди. Онаси ўлгур ўша келишида беҳи олиб келган эди, шу беҳида бир гап бор экан. Бу гапни ҳам худо кўнглимга солди... Шу ерга келадиган бўлсанг ярашаман дегани ҳам бир ҳийла: бу гапни Канизакни олар экан деб ўйламасин, ўчакишиб болани ташлаб кетмасин деб айтди. Бу икови бамаслиҳат қилган иш. Бамаслиҳат бўлмаса мени бу ерга олиб келмас эди. Болани ташлаб кетмасин деб қилинган иш. Биладикки мен бўнақа юзта эрнинг баҳридан ўтсам ўтаман, лекин бу ерга қелмайман...".

Шарофатманана шундай фикру-хияллар блан бўлиб кечқурун Канизак келганида яна заҳарга тўлиб ўтирган эди; броқ уни чўчитмаслик, гафлатга солиб туриб бирдан қўлга тушуриш учун авзойини сира билдирмасликга ҳаракат қилди: у блан супадан тушиб, қучоқлашиб, ҳатто „опангиз ўргилсин“ деб кўришди. Канизак унинг бундай қарши олишини кутмаган бўлса ҳам ҳайрон бўлмади, у блан хандон-хушон гаплашди, боласини суйди. Шарофат Капсанчилар қишлоғининг бод-ҳавоси, „бирам чиройлик“, қумлари, тўқайлари, дар'ёси тўғрисида гапириб туриб тўсатдан:

— Мен ҳам шу ерлик бўлмакчи ман, — дедию Канизакнинг кўзига қаради.

Шу пайт Сидиқжон келиб тўғри ўчоқ бошига — Анзиратхоланинг олдига ўтиб кетди. Канизак ўша томонга қараб парешон ҳолда:

— Жуда яхши бўлади, аяча, яхши бўлади... Бу ерлар ҳам обод бўлиб кетади, — дедию шошиб ўрнидан туриб югурганича Сидиқжоннинг олдига борди ва унга бир нима деди. Сидиқжон дўнғиллаб жавоб берди. Анзиратхола кулди.

Шарофатга шунинг ўзи кифоя қилди: бутун тахминларининг тўғри чиққанига ишанмоғи учун унга бошқа нарса керак эмас эди. Бунинг устига Канизак „Худо кўтарсин“ деди. Бу гап Шарофатнинг қулоғига эркалаб, йиғламсираб айтилгандай бўлиб кирди. Ҳазабдан вужуди қақшаб ақли қочган Шарофат „Наинки Канизак Сидиқжонга хотининг қоламан деяётипти деб ҳозирнинг ўзидаёқ арз қила қолса“ деган нарсани ўйлалмас эди. Канизак қайтиб келганда у, ўлим ховфи остида қолган мушукдай, кўзлари чақнаб, тикка унинг юзига чанг соладиган бир важоҳатда

ўтирар эди. У чироққа ёнбош ўтиргани учун Канизак буни пайқамеди.

— Кимни худо кўтарсин? — деди Шарофат энтикиб.

Канизак унинг энтикканини ҳам пайқамеди.

— Пахта пункти пахтамизни олмапти, ҳўл деб қайтарипти.

Шарофат унинг қоғоғи осилганини кўрди, асабийлашган товушини эшитдию нима деганини тушинмади.

— Кимни худо кўтарсин? А? Мегажин?

— Вой, аяча, сизга нима бўлди... — деди Канизак ва унинг афтига қарашга улгурмади: Шарофат олдида турган чойнак блан унинг башарасига туширди. Канизак бир қичқирдию супадан оғдарилиб тушди, лекин дарров ўрнидан туриб ўзини четга олди. У ўнг кўзини юзи аралаш ушлаб, нима бўлганини ва яна нима бўлишини билмай, гаранг ҳолда турар эди.

Шарофат ҳай-ҳайлаб югуриб келган Анзиратхоланинг бошига шоксса блан урди; Сидиқжонга пиёла, ковуш, обдаста отди; яна Канизакга ҳамла қилди. Канизак уйга кириб кетди. Ичкарида Канизак, ўчоқ бошида Анзиратхола вой-войлар, супада бола чинқириб йиғлар эди. Ҳаял ўтмай Канизак оқ тугун кўтариб, юз-кўзини ушлаганича йиғлаб кўчага чиқиб кетди. Анзиратхола уни қайтармакчи бўлиб кўчага чиқдию, инқиллаб, йиғлаб ўзи якка қайтиб келди. Шарофат ҳамон шовқин солар, Сидиқжонга отгани нарса излаб уёқ-буёққа югурар, топганини отар эди. Лекин у энди ғазабидан эмас, стилаёткан нарсадардан ўзини пана қилмай тахт турган Сидиқжоннинг олов сочаёткан кўзларини кўриб қўрққанидан лўлилик қилиб нарса отар ва шовқин солар эди. Сидиқжон номуста ўлиб, ғазабдан кўзига қон тўлиб, нима қилишини билмай хила туриб қолдию охир ўзини туталмай „Ҳе, отангни...“ деб Шарофатга томон интилган эди, кимдир орқасидан тутиб қолди. Сидиқжон қайрилиб қараб Зиёдахонни кўрди.

— Бу нимаси, урмақчимисиз? — деди Зиёдахон.

Сидиқжон бошини қуйи солиб:

— Келинг, Зиёдахон опа, — дедию четланди.

Шарофат бидирлаб кетди:

— Мен уёқда итвачча боқиб ўтираману, бу киши бу ерда мегажинларнинг этагини ўлиб юрадилар! Аввал битта хотинни эплаб ундан кейин бошқасига қўл чўз! Озодлиқ душмани! Душман! Руҳони! Мени хотин қилмайдиган бўлсанг жувобимни бер!

— Жувобингни берганим йўқми? — деди Сидиқжон илжайишга ҳаракат қилиб.

— Берганмассан!

— Ҳа, хўп, бошқатдан: роса, роса уч талоқ қўйдим! Қутилдими?

— Нега қутилар экансан! Дадамнинг ҳақларини бериб ундан кейин қутиласан.

— Дадангизнинг менда яна ҳақлари қолган эканми?

— Эшигимизга увада тўну чилвир белбоғ блан келган эдинг!

— Нима блан чиқиб кетдим?

— Қўйинглар бунақа гапларни! — деди Зиёдахон — қани, юринг

Ўртоқ, бугун бизникида ётинг, эртага иковларинг ҳам жаҳлдан тушканларингдан кейин гаплашасизлар. Олинг болангизни.

— Олмайман! Олсин ўзи итваччасини!

Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди.

Шарофат паранжисини олгани уйга кирди. Сидиқжон Зиёдахонни секин туртди.

— Зиёдахон опа, бир нима қилинг, болани олиб кетсин. Жон-опа! Мен нима қиламан, қандақ қиламан?

— Колхозчилик, Сидиқжон, битта бола бўлса юмалаб-сумалаб ўсади. Ҳеч ташвиш тортманг. Колхознинг бағри кенг.

Шарофат уйдан паранжисини қийирхон ёпиниб чиқиб тўғри кўча эшигига қараб кетди. Зиёдахон йиғидан хириллаб қолган болани олиб унинг кетидан югурди ва бўсоғада етиб олди.

— Ўртоқ, ўртоқжон, манг, бола бечорада нима гуноҳ! Олинг!

— Итваччасини ўзи боқсин! — деди Шарофат ва Зиёдахонни итариб ташлади. Бола унинг қўлидан тушиб кетаёзди, лекин ортиқча чинқиришга на товуши қолган эди, на мадори.

Зиёдахон Анзиратхолани чақириб болани берди. Кампир бир қўли блан бошини ушлаб, иккинчи қўли блан болани бағрига босди ва юзини юзига қўйди; Сидиқжон қўл узатган эди, бермади. Шарофат унга жуда яқин келиб ушқирди:

— Қўшмачи! Қўшмачиликнинг нонини еганингдан кейин бунақа ишини ҳам қилгин!

— Майли, болам, майли, — деди Анзиратхола болани олиб кетар экан— ҳарнима десанг ҳам умринг узоқ бўлсин, шу боланинг катта бўлганини кўргин... илоҳим кўргин!..

Зиёдахон Шарофатни анча ергача суриб олиб кетди. Ичкаридан боланинг ҳиқиллаши, Анзиратхоланинг болани аллалаган товуши ва ора-сира инқиллаши эшитилар эди.

Сидиқжон ичкарига киришини ҳам, кўчага чиқиб кетишини ҳам билмай остонада туриб қолди. Ичкарига кириб кампирга қайси юзи блан қарайдию, қайси тили блан унга бир нима дейди ва нима дейди? Зиёдахон нима деб ўйлади? Шарофат ҳозир унга яна нималар деб кетаётган экан? Унинг гапига ҳечким ишанмаганда ҳам Зиёдахон ишонади. Эртага бу можаро бутун колхозга маълум бўлганда одамлар нима дейди? Бунинг туҳмат эканлигига бу одамларнинг қайсибирини ишантирадию нима деб ишантиради? Бечора Канизак одамларнинг кўзига қандай қилиб кўрилади? Нима дейди?

Сидиқжон остонада ўтириб қолди. Хийла вақтдан кейин Анзиратхоланинг оёқ шарпаси эшитилди. Сидиқжон дарров ўрнидан турди. Анзиратхола эшикга томон келар эди. Сидиқжон йўталиб ичкарига кирди ва икки қадам босмасдан Анзиратхолага тўқнаш келди.

— Ҳа, болам, қаёқда қолдинг, — деди кампир — юр, овқатингни еб олгин, эсинг кетди.

Анзиратхола ўчоқ бошига кетди. Сидиқжон бориб супага ўтирди. Бола ухлаб ётар эди. Анзиратхола бир шокоса ширгурични келтириб Сидиқжоннинг олдига қўйди.

— Егин болам, егин... Майли, хафа бўлма, шунақа бўлади. Ёнгилроқ жувон экан.

— Хола, — деди Сидиқжон товуши хиёл титраб, — энди мен буви сизнинг кўнглингиздан қандай қилиб чиқараман? Мен туфайли шунча... умрингизда эшитмаган гапларни эшитдингиз...

— Майли, болам, майли, эшитсам сен туфайли эшитибман, у туфайли эшитганим йўқ... Боланг уч-тўрт кун қийналади, кейин ўрганиб кетади... Канизак қаерга кетди экан? Овқатингни егину Марусанинг уйига бир бориб келгин, ўша ерда бўлса хотиржам бўлайлик. Жон болам, ғизиллаб бориб келгин.

Сидиқжон дарров ўрнидан турди. У ҳозир Анзиратхола дун'ёнинг у бурчига юборса ҳам кетаберар эди.

Сидиқжон бориб Марусанинг эшигини қоққанда унинг эри Андрей чиқди. Канизак шу ерда экан.

(Давоми бор).

Ж. ШАРИФИЙ

ФАРҲОД ТОҒИДАН ЧИҚДИ ҚУЁШ

Яқинда Беговот оддий бир қишлоқ,
Картада йўқ эди унинг белгиси.
Айтинг ким ўйларди даштию-ўтлоқ
Жаҳонга танилур: порлоқ келгуси.

Икки тоғ ўртаси худди бир даҳлиз,
Беговот шамоли унда-ҳукмрон
Кўрардингиз чанглар қуюнин ёлғиз,
Дайди еллар ўйнар, сурарди даврон.

Жимгина ётарди Фарҳод тоғлари,
Шўх Сирдар'ё пастда ҳайқириб оқар,
Аммо қовжирар элнинг боғлари —
Дар'ё: „иложим йўқ“ дегандай боқар.

Шириннинг ишқида ўртанган Фарҳод
— „Сирдар'ёни бўғиб қирни гуллатай,
Гузал Шириннинг орзусин утай,
Бидай қир яшнасин, дашт бўлсин обод“ —
Дея арслондай қилганди ҳамла,
Лекин у якка қўл-қуруқ бир ўзи,
Дарҳақиқат улуғ ниятга ҳамма —
Ўртоқ бўлмас эди, Фарҳоднинг кўзи
Жиққа ёшга тўлар, барбод орзуси
Ким ўйларди Фарҳод қилалмаган иш
Рўёбга чиқар деб юртнинг даласи —
Сув кўрар, нур кўрар?! Бу хаёл, бу туш.

Фарҳодлар яратди советнинг эли —
Сирдар'ёни бўғди колхозчи деқон.
На совуқ, на қор, Беговот ели —
Писанд эмас унга асло! Ҳеч қачон!!

Фарҳод тоғларидан чиқадир қуёш
Мирзачўл даштлари кўрар нур ва сув
Беговот шаҳари саноатга бош
Офтобдай балқиди халқдаги орзу.

Госплан тузадир бахтнинг планин
Беговот келгуси яна ҳам порлоқ,
Биздаги планлар бузилмас қонун
Гувоҳдир Беговот — кечаги қишлоқ.

Фарҳод тоғидан чиқадир зўр қуёш,
Нурида ювинар ҳамма қарри-ёш.

САИД НАЗАР

МОСКВА

Сен блан ҳаётим кўркам ва наш'али,
Тоғ каби таянчим — тирағим, Москва.
Сўнмагай кўксингда бахтлар маш'али,
Гуллашинг — энг олий тилагим, Москва.

Лениннинг зафарли байроғи қўлингда,
Ҳаммамиз саф-басаф соғу сўлингда,
Жон фидо қиламиз аямай йўлингда,
Курашда чарчамас билагим, Москва.

Ғунчага табассум бергандай кун нури,
Сен блан мавжланар қалбимиз сурури,
Юксал эй дўстликнинг енгилмас ғурури,
Ҳаётий марказим — юрагим Москва.

1947
Самарқанд

ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

Бир қизил байроқнинг товланишида,
Неча ғалабанинг акси кўринур.
Ширин жондан кечиб сақлаб қололдик,
Эй жаҳоннинг жони нур сочгил мағрур.
Жангларда ғалаба, меҳнатда зафар
Қозонучи менинг ботир халқим бор.
Фашизмни енгиб, кўрсатаолдик,
Ватаним қудратин жаҳонга такрор.
Тарихда янги бир айём яратдик,
Тўрт йил мобайнида — икки йил аввал.
Ҳаёт курашида ғалаба қилиб,
Дун'ё тақдирини этаолдик ҳал.
Бу куннинг қадрини асти сўраманг
Ватан қурбонларин шарафига бу.
Жангда енгиб қайтган, тинч бешйилликнинг
Донгдор полвонларин шарафига бу.
Бу куннинг қадрини асти сўраманг,
Ғолиб ватанимнинг шарафига бу.
Халқимнинг суянчи, халқнинг севинчи —
Улуғ Сталиннинг шарафига бу.
Умри ҳар қанча сийласак арзир,
Марҳум ботирларнинг ҳиссаси бизда.
Собир Раҳимовнинг, Сирожиддиннинг,
Дармон камарлари бор белимизда.
Қўллар қадоқ бўлди автомат ушлаб,
Фашист мазоридан ерлар қабарди,
Шу азиз қўлларда Рехстагга ҳам
Энг муқаддас бизнинг байроқ қадалди.
Бир қизил байроқнинг товланишида,
Неча ғалабанинг акси кўринур.
Ширин жондан кечиб сақлаб қололдик,
Жаҳонга нурингни сочабер мағрур.

МАВЗОЛЕЙ

(„Москва“ циклидан)

Мана қизил майдон. Мавзолей,
Кремльнинг порлар юлдузи.
Мана қуёш — Ленин ҳаётдир,
Нур сочмоқда нуроний кўзи.

Мен қабрини зиёрат қилдим,
Халқ айланар гўёки халқа.
Меҳр блан боқар эди у,
Баббаробар ҳар миллат, халққа.

Халқ бирлашди — гўё юракка,
Бирлашолган томирлар каби.
Сен халқ қалби, халқ бирлигидек,
Сенга меҳрим мутлоқ абадий.

ЁШЛИГИМ ҲАҚИДА

Кишилар қумсайди ёшлигин кўп чоқ,
„Бекорга хайф кетди“ — дейдилар ба'зан.
Ба'зида ёшларга термулиб узоқ,
Дейдилар:— „ёшликни пок тут, эй фарзанд!“

Ёшлигим қумсайман мен ҳам ва лекин,
Кўзда ёш бланмас — қуваниб албат:
Ёшлигим ўтаган муқаддас бурчин,
Мамлакат бошига тушганда кулфат.

ПАРДА ТУРСУН

ҲАҚ ЙЎЛ*

XIII

Одатдагидай ҳамма кечки овқатдан кейин мактабга ўқишга етиб келди. Ҳамма келдию, фақат олдинги қаторда ўтирадиган колхозчи активлардан Мелиполвон блан Сстиволди бугун негадир кўринмадилар. Холмурад уларнинг келмаганликларининг сабабини суриштирганда, узоқроқ адрга дон сепишга чиқиб кетиб ҳаяллаб қолганларини айтишди. Брок, у келмаганлар ўрнида бугун дафтар ва китобини ётигининг қўнжигга тиқиб, қаламини дўпписининг чеккасига қистириб „ариқоқсоқол“ Мадамин ҳам ўқишга келди. Бу киши шундай, ҳар замонда бир ўқишга қатнаб қўяр ва ҳар доим энг орқа томондаги партада ўтирар эди. Холмурад унинг нима учун ўқишга мунтазам қатнамаслигининг сабабини суриштирамас, у эса узур ҳам сўрамас эди. Келганда — келар, келмаса унинг йўқлигини ҳам сезмасди. Ўқиш вақтида кўнгил учун бошқалар қатори ундан ҳам уни-буни сўраб, ўргатиб қўяр, билмаса койимасди. Агар Мадамин партага бош қўйиб ҳуррак торта бошласа: „Ҳа, жуда чарчаб қолган экансизда, нима бало, кечаси ухламаган эдингизми!“ — деб уни тартибга чақириб қўярди.

Холмурад унинг қандай тоифа одам эканини ва уни ўқиш ҳечбир қизиқтирмаслигини аллақачон билиб қўйган эди. Уни ўн йил ўқитса ҳам саводини чиқаромаслигига ишбнар, чунки унинг дилида илмга бир томчи ҳам ҳавас йўқ, шунчаки, кўпчиликка араллашиб юриш учун бу ерга қатнар эди.

Мадамин бу гал дарс вақтида нечукдир жуда тетик ўтирарди. Холмурад бунга бироз ажабланиб қўйди ва унинг ёнига борганда кўзлари Мадаминнинг кўзларига тушиб сесканиб кетди. Унинг кўзлари худди ваҳший бир ҳайвоннинг кўзларидек ялтирамоқда эди. Холмураднинг назарида, унинг бу ялтироқ кўзларида бутун ўтмиш алами ёниб турганга ўхшади. Холмурад бу одамнинг

* Боши 2—3, 4 сояларда.

ҳам тарихини эшитган ва унинг қизил сўзларига ҳеч ишонгиси келмас эди. Брок унинг шубҳаси чала-чулпа жур'атсиз ва қат'иятсиз ма'лумотларга асосланган бўлса ҳам ҳақиқатга яқин эди: агар, Мадаминнинг чанг босиб ётган тарихини кўзғатилса у қуйидагича шаклни олади:

Мадамин бу қишлоқ халқи бошида қирқ йил ёнғоқ чаққон золим Салимбой оқсоқолнинг ўғли эди. Золим ўлгандан кейин Мадамин унинг ўрнида оқсоқол бўлиб қолади. Юртга ҳокимлик, юзлаб қўш-ҳўкиз, уюрмалаб йилқи, кўтанлаб қўй-эчки, галалаб, қорамол, энг яхши боғи бўстонлар унга қолади. Эллик-олтмишлаб хизматчи — қораллар, чоракор, подачи-чўпонлар унга қарам бўлди. У отасидан мерос қолган, мол-мулкани маҳкам тутибгина қолмай, уни яна оширди. Қаерда яхши ер бўлса, қаерда яхши боғ бўлса, пул блан, амал блан, зўрлик блан ўзига қаратди. Тоғда ёйилган қўй-моллар кимники — Мадаминники, боғда гуллаган мевазорлар кимники — Мадаминники бўлди. Уст-устига уйланди. Унга йигитлик кайфи-сафоси, йигитлик ишқ тобини босиш учун эмас, балки мол-дун'ёни мустаҳкамлаш учун, меросхўрлар тайёрлаш учун уйланиш лозим бўлди. У тўрт хотинни тўрт ердаги ерлар, моллар, хизматчилар тепасидан қаровчи қилиб қўйди. Хотинлар ўз жойларида „кимсан оқсоқолнинг хотинимиз“ дейишиб кеккайишиб, ўзларига бег, ўзларига хон бўлиб, нина йўқолса хизматчиларнинг бошига муштраб, кундашлик рашкида тентак бўлиб ётдилар. Мадамин ҳар ҳафта ё ўнбеш кунда бир ер оралаб бор-йўқни ҳисобга олиб кўяди. Гоҳо истаса ўзига кўп интизор бўлган хотини қўйнида бир кеча ётиб ҳам қолади. У худодан кечаю-кундуз бу ошиб-тошиб бора ётган мол-дун'ёга меросхўрлар тилади, тилаги қабул бўлмади. Фақат доимий бирга яшайдиган гўзал хотини уч бола кўрса ҳам уларнинг иккиси қиз бўлди, ўгли эса анқов бир маҳлук бўлиб етишди ва дун'ёда узоқ турмади.

Меросхўрлардан камситгани учун худодан нолиганини ҳисобга олмаганда, у ҳам нима, ҳасрат нима билмасди. Остида қора йўрға, елкасида фаранг милтиқ — кўнгли хоҳласа шаҳарга кетди, турли-туман шаҳар маншатиға фарқ бўлди. Кўнгли хоҳласа қарчиғайни қўлиға қўндириб, този-исковуч итлар эргаштириб йигитлари блан тоққа чиқиб кетди. Каклик ови қилди. Йигитлар тоғ устидан тош думалатиб каклик учирадилар. Мадамин учган какликка қуш солади, қарчиғай какликни босиб тушган жойга този итлар орқасидан от чопдириб кетади. У турмушининг бундан ортиқ наш'асини билмайди.

Юрт унинг кўланкасида кўрқади. Унинг қорасини бир чақирим наридан кўрган одамлар тез йўл четига чиқади ва Мадамин блан йигитлари ўтиб кетгунча кўл қовуштириб бош эгиб турадилар.

У кавф-хатар сезмайди. Турмуш унга қуриқдан чиққан булоққа ўхшайди. Тошмайди ҳам, қуримайди ҳам. Агар унга кимки: „дун'ё ўзгаради, амалинган тушасан, қўлингдан қамчинингни, елкангдан милтиғингни, тагингдан қора йўргангни оладилар, ер-

сув, мол-дун'ёнгдан, тўрт хотинингдан ажраласан" деса, бу Мадамин учун тушда ҳам кўрилмайдиган беҳуда гап бўлар эди. Дун'ёнинг яратилишини ким ўзгартира олади? Ким унинг қўлидан амалини, давлатини олабилади? Ҳечким!

Мадамин шундай ишончда эди. 1916-йил, мардикор олиш йилида, унинг пешонаси тошга тегди. Ўз қўли, ўз оёғи остидан узига қарши кўтарилган ёвни кўрди, халқ унинг амалини, давлатини эмас, балки жонини олиш учун ўроқ, кетман, паншаха-болтасини кўтариб, унинг эшигига дув бстириб келди. Мадамин даричадан ташлаб қочди. Жонини бир сақлаб қолди. Шаҳардан отряд бсшлаб чиқиб, милтиқ найзалари, қилич-тиғлари остида ғалаён кўтарган халқдан ўч олди. Қамчисидан қон томди. Одамларнинг елкаси қамчи зарбидан тилим-тилим бўлди, пешонасидан, бошидан сирқиб қон оқди. Юз кишининг қўлини орқасига боғлаб, шаҳарга ҳайдатди.

Аммо, шу блан унинг учун ҳаёт хатарли бўлиб қолди. Ботир, беғам Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланкасидан ўзи кўрқадиган бўлиб қолди. Кўчага ёлғиз чиқишдан кўрқди. Туни ёшик олдида доим қоровуллар турди. Узоқ йўлга чиқар бўлса, ўнгсўлида ўнта милтиқли йигит бирга юрди.

Революция олами остин-устин қилди. Мадамин уттиз чоқли йигит блан Советга қарши бсш кўтарган Раҳмонқул босмачи тарафига чиқиб кетди. Совет блан урушди, бир йил урушди, икки йил урушди. Ўз амалини, мансабини, мол-дун'ёсини қайтиб олиш учун уришди. Лекин кўрдики, Раҳмонқул тугамоқда, унинг йигитлари куз мавсумидаги дарахт баргларидай битта-битта тўкилмоқда. Мадаминнинг кўзи очилиб ўйлай бошлади. Бутун Русияни эгаллаган Совет ҳукумати олдида Раҳмонқул мисоли бир пашша эканига, эрта-индин худди пашшадай мижиғланиб ташланишига кўзи етди, унинг тарафини олиб, ўз амалини қайтариб олиш учун кўрашиш ҳам беҳуда уриниш эканини англади. Мадаминни юрт оқсоқоли қилиб турган, унинг қоматини тутиб турган қувват Николай подшо эди. У ағдарилиб ташланди. Энди боши янчилган илон дум қимирлатгани блан нима қилаолади? Энди у Советга қарши бўлак бир педишонинг бош кўтаришини кутиб пичсғини қинида сақлаб пайт пойлаши керак..

Мадамин, шундай мулоҳазалар блан вақтни ўтказмай Советга таслим бўлди. Раҳмонқулни йўқ қилишда қизил аскаларга ёрдамлашган бўлди. Бу эса унинг жамоат олдида ўзини „қизил“ қилиб кўрсатиб, Совет даргоҳида яшай бошлашига васиқа берди. Қамчисидан қон томган Мадамин ўрнида „Советга Раҳмонқулни тутиб берган мен бўламан!“ деб кўкрагига муштлаб шовқин солучи кимса пайдо бўлди.

Мадамин ана шундай киши эди.

Танаффус вақтида негадир бугун ўқишга бутунлай келмай қолган икки актив Мелиполвон, Сстиволдини яна йўқлашдилар

— Аканг уйга қайтдимикин?— деб Давлатёрдан сўрашдилар. У эса елкасини қисиб билмаганлик ишораси қилди.

Мелиполвон охири етиб келди. У фақат ўқиш тамом бўлаёзганда етиб келди. У синф эшигидан ичкари кирдию: „Вой уртоқлар, бормисизлар!“ — деб оҳ чекиб ўзини полга ташлади.

— Ие, ие — деди Мадамин ва ирғиб туриб унга ёрдамга югирди. Ҳаммаллари ҳайрон бўлиб ўринларидан турдилар ва ҳаяжон ичида Мелиполвонни қуршаб олдилар. Уни чалқанчасига ётқиздилар. Унинг шилиниб, тимталаниб қон доғлари блан қопланган юзи ва йиртилган кўйлагини кўрганда барчани даҳшат босди.

— Вой менинг акам, вой акам! — деб инграй бошлади Давлатёр. — Эй, полвон менинг акам қаёқда?

Мелиполвон лабларини зўрга пичирлатиб:

— Сув... сув... — деди.

— Бор, сув келтир, ғингшима, — деди Абдурасул.

Давлатёр қўшни ҳовлидан пиёлада сув келтирди.

Абдурасул бир қўли блан Мелиполвоннинг бошини суяб туриб, иккинчи қўли блан сув ичкизди ва яна ётқизиб қўйди. Ҳамма унинг бўзарган юзига тикилиб ҳушига келишии сабрсизлик блан кутмоқда эди.

Холмурод унинг ёнига ўтирди ва унинг сергўшт юзига қон югурабошлаганини кўрди.

Мелиполвон охири тилга келиб:

— Абдурасул, — деди.

Абдурасул унинг бошини суяди-да сўради:

— Полвон, нима гап ўзи? Сотволди қани?

Мелиполвон энтикиб-энтикиб секинлик блан гапирди:

— Сотволди... Сотволди... қолди!

— Қаёқда қолди, Сотволди?..

— Адирда!..

— Вой акам! — деб ингради Давлатёр.

— Адирда?

— Ҳа... адирда қўш ҳайдаб турган вақтимизда, қир тепасидан тўртта отлиқ пайдо бўлди. Қарасақ бизга от қўйиб келаётибди. Ҳаммасининг қўлида қилич, юзларини чарм, латта-путта блан тўсиб олган. Ҳайқириб-бақириб келаберди. „Колхоз бўлган санларми, ҳали“ дейди. Отлиқларнинг иккитаси Сотволдига, иккитаси менга от қўйди. Сотволди мендан эллик қадамча илгарида эди. У менга қўлини қимирлатиб қичқирди: „Полвон, сиз қочинг!“ деди. Ўзи гаврон кўтариб, тош стиб, бссмачилар блан олиша берди. Мен эрқамдан тушган стлиқларга еткизмай қочиб бориб ўзимни жардан ташладим... ҳамма ёгим шилинди... кейин сой ёқалаб қочиб пастки қишлоқ тепаси блан айланиб келдим... Сотволди нима бўлди билмайман... менга „Қочинг!“ деди, ўзи олишиб қолди...

Мелиполвоннинг ранги яна бўзарди! Ортиқча гапира олмай ҳолсизланиб қолди.

— Вой акам, вой акажоним! — деди Давлатёр ва югириб чиқиб кетди.

— Полвонга қаранглар,— деди Абдурасул ва у ҳам югириб чиқиб кетди.

Мелиполвон яна ўзига келгач, Холмурод ундан:

— Қай маҳалда бўлди бу иш,— деб сўради.

— Пешинга яқин,— деди Мелиполвон.

Холмурод шу пайтда ўзига Мадаминнинг қовоқ тегидан бир ўқрайиб қараб олганини сезди.

Сотволдини қидириб кетганлардан бириси ярим кечада қайтиб келди ва у келтирган шумхабар бугун қишлоқни уйқусидан уйғатди. Босмачилар Сотволдини қийнаб ўлдириб, ҳукизларни бўғизлаб кетибдилар. Бир қанча активлар ва Сотволдининг оила ва қариндош уруғлари фар'ёд кўтаришиб фожиа рўй берган адирга жўнашди. Ариқоқсоқол Мадамин ҳам отига миниб улар орқасидан кетди.

Холмурод Мелиполвонни уйига узатишиб борди ва унинг содир бўлган фожиа тўғрисидаги ҳарбир гапини жуда диққат билан тинглаб, анчагачайин гаплашиб ўтирди.

— Тирик калланинг бу дун'ёда кўрадигани кўп экан, бу ҳам кургуликда!— деб оқ чекиб, куййиб қўйди Мелиполвон.— Умримда, шундай фалокат ишдан иккинчисини кўрдим.

— Нима, илгари ҳам шундай воқиа бўлганмиди?— деб сўради Холмурод.

— Йўқ, унисида бир газандани ўзим ўлдириб қўйиб қочган эдим,— деди Мелиполвон ва айвонда қозон-товоқ ювиш билан овора бўлиб юрган хотинини юз-кўзи билан ишора қилиб секингина уқтирди:— Ана шу янгангизнинг вожидан, Норинда бир минг бошининг бебош йигитини кетман билан уриб ўлдирганман... Эчкининг оти „Мулла Абдукарим“ бўлгандай, менинг „полвон“ бўлганимнинг ҳам бойиси шу...

Холмурод „англадим“ дегандек қилиб, тез-тез бошини иргатди ва яна воқиянинг майда тафсилотига берилишни ортиқча билди-да, гапни хулоса қилиб:

— Боплаган экансиз!— деб қўйди ва бир оз жим тургандан кейин:— бизга жавоб, энди, полвон!— деди-да, ўрнидан турди. Уйига қайтди. Лекин фожиа тўғрисида фикр юритишдан ҳеч тўхтамади.

„Қизиқ, — деди ўз-ўзича — у қирларнинг тоғдаги қишлоқларга даҳли йўқ экан, бас, уларнинг бировни ўлдиришларига сабаб нима? Ундан кейин нотаниш одамлар бўлса нега юзларига ниқоб кияди? Бу ишда шу ерлик кишиларнинг қўли йўқми?“ — деган фикрларни кўнгилдан кечирди. У бу фикрларни ўйлаганда Мадаминнинг нечукдир даҳшат билан ялтираган кўзлари кўз олдига келиб турди.

XV

Район тергов идораларининг вакиллари томонидан жиноят содир бўлган жойда тиббий экспертиза ўтказилиб, тегишли актлар тузилгандан кейин жасадни аравага солиб қишлоққа олиб

келдилар. Бу вақтда кун қия кўтарилган ва Қамишқапанинг барча катта-кичиги, хотин-холожи ёпирилиб кўчага чиққан эди. Улар кўчанинг икки томонига тизилишиб, ёш томчилари мўлтиллаб оқаётган ғамгин кўзларини арава келаётган томонга тиккан эдилар. Ора-сира аёлларнинг қотилларни турли хил, газабли иборалар билан қарғаганлари эшитиларди.

Холмурод бу одамлар йиғинини оралаб бориб энг олдинга ўтди ва уч юз қадамча нарида келаётган аравани кўрди. Аравага қўшилган кўк отни юмолоқ бошли, шахло кўз бола — Қорабой минган эди. Аравада озгин ва кичкина қаддини ўғлининг жасади устига эгиб марҳумнинг онаси ўтирибди. Унинг бошига бурканган қора камзулчаси тегидан оқ рўмоли ва кичкина сарғиш сўлгин юзи кўринади. Сотволдин туққан ва ўстирган она, энди, унинг жасади устида ожиз ва сўнук товуш билан изтироб ва алам ичида фар'ёд чекмоқда...

Араванинг ёнида ҳасса таяниб марҳумнинг укаси Давлатёр келмоқда.

— Вой акажоним! Ўчингни оламан, акажоним! Душманингни топмай қўймайман, акажоним!

Араванинг иккинчи томонида индамай, кўз ёши ҳам тўкмай, қултуғига дафтарини қисиб котиб Алимқул келмоқда. Холмурод бу кичкина, қотма чувак одамни кўрганда ундаги сабр ва тоқатга кўп қойил бўлар эди. Бу кичкина одамнинг юраги кенг ва ўзи аравакаш отдек бардошли эди. Советнинг бутун кирди-чиқди ишини асосан шу кам гап, камтар киши бажарарди. Туғилган ҳам, ўлган ҳам, ўйланган ҳам — ҳаммаси фақат шу кишининг қўли билан дафтарга ёзилади. Ҳарқандай мажлис қарорини албатта шу киши ёзади. Уни ҳаммавақт, ҳатто, ярим кечада ҳам идорасидан топиб бўлади. Уни „ювош, мўмин“ деб ҳурмат қиладилар, ҳатто хотинлар ҳам унинг билан ўз ака-укалари билан гаплашаётгандек бемаъл гаплашаоладилар. Чунки, и барчага баравар одам. Бунинг устига унинг жаҳли чиққанини ҳам, ҳаддан ташқари қувнаб кетганини ҳам кўриб бўлмасди. У, ҳечнарсдан қоймас, ўз ишининг кўплигидан нолимас, бировдан шикоят ҳам қилмасди, қилган иши тўғрисида маҳтанмас ҳам эди. Унинг қотма башараси ҳам, салмоқли юриш-туриши ҳам, барча боб табияти ва мижози ҳам ҳечқачон ўзгармайдиган кўринарди.

Тожибой ўз котибининг қийматини билар, кўп вақт унинг маслаҳатига қулоқ солар, агар Алимдек котиб бўлмаса, ўзидек оқсоқол бўлмаслигини жуда яхши фаҳмлар эди.

Арава одамлар орасига етиб келган сари аёлларнинг қий-чуви авж олаберди.

Қирга чиқиб кетган отлиқлар арава орқасидан келардилар. Улар орасида Тожибой, Абдурасул, Мадамин ҳам бор эди.

Арава тўхтади. Йигитлар жасадни кўтаришиб, марҳумнинг ҳовлисига олиб кирдилар ва ҳовли ўртасига тушалган бордон устига қўйдилар.

Бу ерга Зағчакўз домла ҳам, Олахўжа ҳам, Турдивой халфа ҳам етиб келишди. Олахўжа нечукдир хизмат кўрсатиш истаб

чаққон ҳаракат қилар, ҳатто „шаҳидни ювмасдан кўмабериш жонлиги“ тўғрисида унга-бунга маслаҳат солар, ба'зиларга ўзининг бу фикрини ма'қуллатар эди.

Жасаднинг устига, унинг ўзи кеча эрталаб ишга кийиб кетган, кўк алак тўни ёпилган бўлиб, фақат кўкарган қонсиз оёқларининг тизларидан пастигина очлиқ ётарди. Охири, унинг тизасидан тортиб, то бошигача қоплаган тўнни очдилар. Ҳамма уни ўз кўзлари билан кўришга интилди. Кўрган кишининг кўзлари катта очилди, кўнгли бузилди, кўзида беихтиёр ёшлар пайдо бўлди. У чиройлик қирра бурунли, қора чимирилиб турган қошли, ақл мулоҳаза билан боқадиган кўзли инсон қиёфасидан ҳечбир асар қолмаган эди. Унинг башараси нечукдир қаттиқ серқирра тошларга узоқ вақт ишқалган, ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди: бурни мажақланган, қош ва қовоқларининг териси шилинган, чап кўзи ўйилган ва унинг косаси қуюқ қора қон билан тўлиб қотиб қолган, маҳкам юмилган лаблари тирмаланган эди. Унинг бўйни айланасига из солган қоп-қора томга унинг бўйнига арқон сиртмоқ солиб отга судратилганига ишора эди. Панжалари қирқилган ва қон доғлари билан бўялган қўллари унинг ўзига урилган қилични чангаллаб олганидан дарак берар эди.

Эшик олдида Абдурасул, Тожибой, Алим ва бошқалар турардилар. Улар йиғламас, уларнинг юзларида ортиқча паришонлик ҳам кўринмас, фақат, келган-кетганларга тетиклик билан қарар ва жасадни ҳаммининг кўриб олишини кутардилар.

Тушга яқин атроф қишлоқлардан тўда-тўда одамлар жанозага кела бошладилар. Уларнинг орасида марҳумга қариндош ва ёроғайни бўлганлар кўп эди.

Худди шу вақтда Абдурасул Холмуродни кўчага бошлаб чиқди ва улар нариги томондаги девол тегига ўтиб туриб маслаҳатлашдилар. Маслаҳат Абдурасулнинг халойиққа нима дейиши лозимлиги устида бўлди. Чунки, Абдурасул ҳечқачон Тожибой сингари ўзини қуруқдан-қуруқ катта ё билармон қилиб кўрсатишни билмас, жамоат олдида мазмунлироқ гапиришга тўғри келганда, ё бирар муҳимроқ масалани ҳал қилиш лозим бўлганда: „Шундай“ деса тўғри келармикан?“, „Қалай, шу ишга сиз нима дейсиз?“ деб, Холмурод билан маслаҳатлашиб олар эди.

Жасад ювилиб, кафанлангандан кейин, тобутда кўчага олиб чиқдилар ва уни елкадан-елкага кўтаришиб, қабристонга борадиган йўл четидаги майсага олиб бориб ерга қўйдилар. Майсани одамлар қуршаб олишди.

Абдурасул худди шу ерда, жаноза ўқиш тараддудига тушган Зағчакуз домлани тўхтатиб қўйиб нутқ сўзлади.

— Ўртоқлар, акалар, укалар, оналар, сингиллар! — деди у. ма'юс овоз билан. — Мана шундай қилиб Сотволдидан ажрадик. Олтинга топилмайдиган асл азамат йигит эди. Уни йўқ қилдилар. Азоблаб, қийнаб ўлдирдилар. Кимлар ўлдирди? Бу кимларнинг иши? Яхши билиб олинглар, ҳечбир янглишманглар! Бу совет ҳукуматига тиш-тирноғи билан қарши бўлган қора юрак

ларнинг иши! Бу колхозга қарши бўлганларнинг, колхоздан қўрққанларнинг иши!. Улар бизни шундай ўлим блан қўрқитмоқчилар. „Колхоз бўлганларнинг бир-иккитасини шундай қилиб ўлдирсак, қолганлари колхозни ташлаб тум-тарақай бўлиб тарқалиб кетади“, деб ўйлаганларнинг иши. Йўқ, бекор, беҳудани ўйлайди душман! Ҳечқандай куч Ленин-Сталин кўрсатган ҳақ йўлдан бизни қайтаролмайди. Бугун биз колхозда олтмиш хўжалик бўлсак, эрта-индин тўқсон-юз хўжалик бўламиз... Ҳа, беш-олтита каллакесар босмачи хомхаёл қилмасин! Биз уларни, қайси тоғ-тош қавагига бекинса ҳам топиб олиб бурунларини ерга ишқаб, Сотволдиннинг ўчини олмай қўймаймиз!..

Колхозга киришга ихтиёр қилмай юрган ёлғиз отли Турғунбой одамларни оралаб ўтиб, тўппа-тўғри тобут олдига чиқди. Абдурасулнинг сўзи тугаши блан халойиққа қараб гаширди:

— Колхозга кирганини ким шундай қилган бўлса номард, муттаҳам! — деди ва Абдурасулга қараб мурожаат қилди! — Менинг айбимни кечиринг, ака! Мени, пешонамдаги битта отим блан жигарим Сотволди ўрнига колхозга қабул қилгин! Энди, мен ҳам номардларнинг кўзига чўп суқай!

Тобутни яна кўтардилар ва қўлдан-қўлга олиб жўнадилар. Узоқ дала йўлда ўтиб кетаётган бир отлиқ олачопон йўловчи отининг бошини буриб одамларга яқин келиб тўхтади. Отидан тушди ва уни кўкаламзорга ўтлатиб қўйиб, ўзи шошилиб келиб тобутни елкасига олди, хийлагача кўтаришиб борди ва сўнгра қайтди.

Тобут орқасидан чувалган ёш-қари эркакларнинг энг кейинида йиғлай бериб қовоқлари шишган ва бошларига чолан ёпинган бирнеча аёллар эргашиб борардилар. Уларнинг орасида бошига енгисиз қора нимчасини ёпинган Гулсум ҳам бор эди.

Узоқда, олдинги томонда қўтир тошган танга ўхшаш, ғадир-будир дўнгликлар блан қопланган хунук, сўзорган қир кўринарди. У бу теварак қишлоқларда умр кўрган азиз ота-бобалар ва оналарнинг суякларини қадимдан саранжомлаб келаётган қабристон эди.

XVI

Дафн маросими тугаб, одамлар тартибсиз равишда, тўп-тўп ва учов-тўрттов бўлиб тарқала бошлашди. Холмурод қабрларнинг устларига қўйилган ҳархил тошларга чекилган хатларни ўқиш блан овора бўлиб қолди. У тошларнинг бирдан-бирига ўтиб юриб, тепанинг ёнбағрига ўтди ва шу ердаги қабрлар орасида кичкинагина ярим ертўла уйча турганлигини кўрди. Айланиб бориб уйчанинг олдидан чиқди. Ичкарида бирнеча аёллар блан Гулсум ўтирарди. Ертўланинг деволдан ўйилган қоп-қора қурумли токчаларига пилта чироқлар ёқиб қўйилган. Аёллар қаршисида бир чол ўтирар эди. Ювилмаган мўйлаблари таканинг жунидай сарғайиб кетган, кўзларини шилпиқ босган, қош ва сечларни ҳурпайган қоп-қора юзли бу чол нимадир бидирлаб дуо

қилмоқда эди. У Холмуродни кўрди ва шу ондаёқ унинг бу ерга назир-садақа бериш учун келмаганини ояглади шекилли, ётсингандай бир тарзда кўзини қисиб туриб унга қаради. Гулсум орақасига бурилиб Холмуродни кўрдию, талвасада қолиб йрғиб ўрнидан турди-ва қизориб унинг олдига чиқди.

— Вой, нима қилиб юрибсиз буёқда мулла ака! — деди Гулсум хижолат ичида.

— Ўзингизчи? — деди Холмурод кулимсираб.

— Мен авлиё отамга учмири садақа қилдим, — деди Гулсум яна қизариб.

— Ҳай, — деди Холмурод ва шу онда хунук паҳмайган ва сарғайган соқоллик, шилпиқ кўзли, қоп-қора кир юзли авлиёга бир қараб қўйдида, яна айтди: — Ҳай, ишингиз битдими, ахир? Кетмайликми, бўлмаса?

Гулсум кўзини сузиб ичкаридаги аёлларга бир қараб олдида, қабрлар орасига тушган кичкина йўл блан қўйига ҳаракат қилган Холмуродга эргашди. Қабристоннинг пастки томонидан сой бошланар эди. Улар худди шу сойга қараб ўзларини тўхтатиб ололмади пилдираб тушабердилар.

Далада қишлоққа қайтаётганлар дам-бадам уларга қарар эдилар. Улар сойга тушиб ўзларини тақиб қилучи кўзлардан бекиндилар. Соё ёқалаб, ўрикзорлар оралаб кетдилар. Шу кунларда анча кўпайган сув тошдан-тошга сакраб, кўпириб шовқин солиб оқади, унинг майин шаббодаси яшил барра беда, пичанларининг нордон ҳидини соё бўйлатиб эсдириб туради. Соё беткайларини урик-олма дарахтлари қоплаган. Ҳар томондан „вит-вит“, „чиғи-чиғи“ сайраган қушларнинг турли хил қўшиқлари сойнинг наш'асига мос бир музыка ҳосил қилган. Қайдадир бекинган бир булбул табиат гузаллигига ишқ блан тўлган қўшиғини тугатолмайди. Қайдадир бир зарғалдоқнинг зори — „куён-куёви“ эшитилади.

— Табиат қандай гўзал, — деди Холмурод, ҳар томонга ортиқ ҳис блан кўз ташлаб, — афсуски кўп кишилар табиатнинг гўзаллигига тўймай, дун'ёдан армонда кетади... Ана Сотволди ҳам армонда кетди, шўрликни қонга беладилар... Қандай ёвуз одамлар экан улар!

— Бувим айтадиларки, — деди Гулсум секингина, — шундай одамлар бўлар эмиш: бир одамни сўйиб пичоғидаги қонни ялар эмиш, шундан кейин ўқтин-ўқтин одам қонини яламаса туролмайдиган бўлиб қолар эмиш. Қон ялаган одамнинг кўзлари оловдек ёниб турар эмиш...

Холмурод бу гапларни эшитар экан, унинг кўзларига мадамнинг даҳшат блан ялтираган кўзлари келиб босди.

— Ҳа-ҳа, қаранг-а! — деди ва яна айтади: — эскиларнинг ҳам билгани билган. Бўлса бордир.

Улар бирнеча вақт жим бордилар. Гулсум у блан ёнма-ён борар эди. Холмурод бу ҳолдан ўзини жуда вақти хуш ҳис қилди. Унинг чиройлик юзига бир тикилиб олиб ўзича: „Одамга бир туғидмоқ, бир ўлмоқ муқаррар бўлгандек, бир уйланиш ҳам ло-

зимку. Шунга уйланиб қўяқолсам мени ким сўқади? Мен, ахир, яхши кураман..." деб ўйлади.

— Мана, мен нима демоғчи эдим, — деб бирдан гапирди Холмурод, — сиз менинг олдимга бориб ўз тилагингизни айтган эдингиз, эсингизда булса керак?

Гулсум ерга қараб боши блан тасдиқлади.

— Афсуски, ҳалиги одам туфайли, мен сизга жавоб айтолмай қолдим. Мана, энди, ўша тўғрида гапирмоқчиман. Албатта, мен, саломатлик бўлса, жоним блан сизни мақсадингизга етказмоқчиман. Лекин менинг кўнглимга шундай фикрлар келдики, буларни сизга аввал бошдан айтиб қўйишни лозим кўрдим. Масалан шундай, — деди Холмурод ва бир оғир энтикиб олиб давом этди. — Биз бир-биримизни кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам, ҳатто бир-биримизнинг дун'ёда борлигимизни хаёл ҳам қилмаган эдик. Биз бир-биримиз блан танишдик. Орамизда ўтган ойлар бизни бир-биримизга шундай дўстлик ипи блан боғладики, бунга мана шу юришимизнинг ўзи гувоҳ...

Гулсум аланглаб ўрик дарахтлари орасидан осмонга қаради. Қаршидаги тоғлар орқасидан бир увада сингари булут пайдо бўлиб, унинг тобора туташиб ва тутуни кўкни тутиб бораётганини кўрди.

— Ҳаво айнамоқчи... — деди у секингина.

Холмурод уни эшитдими-йўқ, сўзини давом этдирди:

— Орамизни боғлаган кунлар, ойлар, энди, мени шундай бахтиёр фикрга олиб келди. Букун мен... — деди у, гўё томоғига бир нарса қадалаётгандай, бўғилиб, — букун мен сиз блан энг яқин, энг қадрдон дўст бўлиб қолишни орзу қилар эдим, — деди қизариб ва қизнинг кўнглида шубҳа туғдирмаслик учун очиқроқ айтди:

— Сиз блан доим бирга бўлишни, бирга ҳаёт кўришни истар эдим.

Холмурод бу сўзларни эсон-омон айтиб қутилганига енгил тортиб сув бўйидаги тошга ўтирди. Гулсум кўзларини бормоқларидан олмай паст эгилиб турган ўрик шохининг қизғиш куртакларини чимтилаб тикка туриб қолди. Холмурод зўр арзиқиш блан унинг жавобини кутди. Аммо овоз чиқмади. Холмурод унинг жиддий юзига, қулғи устидан ошириб таралган майин сочига кўз ташлаб олди-да, энди, вазминлик блан уқтирди:

— Менинг тилагим шундай. Ҳўш, сиз нима дер экансиз?

Гулсум куртакни тез-тез чимтилай бошлади.

— Мен сиз блан қайга десангиз кетишга, оч бўлсангиз-оч, тўқ бўлсангиз-тўқ бўлишга рози эдим. Тунов кунги гапдан кейин нима қилишимни билмай қолдим...

Шу сўзларни айтдию Гулсумнинг нафаси бўғилиб, сўзи кесилди, кузлари ёшланди.

Холмурод бирдан сергакланди.

— Ҳўш, нима гап бўлди, ўзи? — деб сўради.

— Оқсоқол сизнинг олдингизга борганимни тоғамга чақибди. Тоғам уйга келиб, тўпалон қилди. Мени сўқди.

— Нима дейди, ахир?

— Нима дер эди. „Оёғингни тиймасанг каллангни олиб қўяман“ дейди...

Гулсум ёнига бурилиб енгининг учи блан кўзларини артди. Холмурод пешонасини тириштириб, қовоғини солиб, тошдан-тошга сакраб, ҳайқариб оқаётган сувга қаради. Сувнинг бу ҳолати унинг назарида ёв устига шиддатли шовқин-сурон блан от қўйган сонсиз-саноқсиз қўшинга ўхшаб кетди.

У сувдан кўзини олиб яна Гулсумга қаради ва сўради:

— Тоғангиз ким, Мамасайдми?

— Ҳа, ўша.

Гулсум ўрик куратгидан яна биттасини узиб олди ва уни чикки қўлининг бармоқлари блан мижиғлади.

Холмурод яна бир сувга қараб олдида, айтди:

— Қўрқманг, ҳозирги замонда „калла олиш“ осон гап эмас. Сиз менинг гапимга рози бўлсангиз бас!

Гулсум индамади. Нима дейишга жавоб ҳам тополмаётган кўринди.

— **Ўтиринг, нима учун ўтирмайсиз?** — деди Холмурод унга ёнидаги тошни кўрсатиб.

Гулсум бошини чайқаб:

— Кўрмайсизми, булутларнинг югиришини, — деди ва тоборо осмонни қоплаётган булутни кўрсатди, — ёғиб юбормай қайтиб олайлик...

Узоқдан гулдираш эшитилди. Бу тоғлар орасида бошланган момақалдироқ эди. Гўё қайдадир тоғларнинг боши емирилар, харсанг тошлар ҳар томонга даҳшат блан қулар эдилар. Қора қўнғир булутлар осмоннинг очиқ юзини қоплаб жуда тез ёйилиб югирар, момақалдироқ тоборо яқинроқда гулдирар, яқинроқда чақмоқ чақнар эди. Қушлар сайрашдан тўхтадилар.

Холмурод ўрнидан турди. Гулсумнинг қулини олди. У эса қўрққан ё ҳайрон бўлганга ўхшаш бир боқиш блан Холмуродга қаради. Холмурод ўзини унитди. Унинг нозик гавдасини жўшқун қучоғи орасига олди. Ўзини унитиб, тўймас ташналик блан унинг лабларидан, кўзларидан, пешонасидан босиб-босиб ўпа-бошлади. Момақалдироқ уларнинг бошлари устида қасирлади. Аммо Холмурод тўймас, севганини қучоғидан чиқаришни истамас, ўпар эди.

— Бу нима қилганингиз, бу нима қилганингиз... бўлди-бўлди... Дўсматов!.. Дўсматов!.. — деди Гулсум. Унинг қучоғидан чиқиб қочди, бирнеча қадам югуриб бориб орқасига қаради. Холмуродга тоғни кўрсагиб кулган ва қизарган юз блан:

— Ана, қаранг, дўл келаётибди. Айтмадимми? — деди, яна қочишга тушди. — Ҳаю... ҳу-у...

Холмурод у кўрсатган томонига қаради. Булутлардан тўппатўғри ерга ташланган баҳайбат бир рангсиз парда тоғ юзини бекитган эди. Бу эса, қора булутлар, момақалдироқлар блан келаётган ёмғир эди.

Холмурод Гулсумнинг орқасидан шошилмайгина йўлга тушди.

У ўзини хурсанд, бахтиёр ва ҳатто кучли ҳис қилар, ўз устидан дўл эмас, шағал ёғса ҳам парво қилмайдиган даражада эди.

Булар сойдан чиққан вақтларида момақалдироқ ва ёмғир қувиб етди. Холмурод йўл-йўл қизғиш сарочкани чипор шоҳи галстук блан кийиб, яланг бош ва пенжаксиз чиққан эди. Унинг қулоқларини ёмғир аралаш муздаккина майда дўллар савалай бошлади. Гулсум нимчаси блан бошини буркаб югуриб борарди.

Момақалдироқ бутун оламни титратиб, гулдиради ва оппоқ дўланасини яна ҳам шиддат блан дувиллатиб қоқа берди.

Олдинда югуриб бораётган Гулсум дам-бадам тўхталиб, орқасига Холмуродга қараб илжайиб қўяр ва унинг бу қарашларидан „сизга кийин бўлди-ку“ деб йигитга ачинаётгани маълум эди.

Уларнинг усти-бошлари батамом увиди. Шундай кулгили бир ҳолда гузарга кириб бормаслик учун қишлоқ четидаги эски бир эгасиз уйнинг айвонида ёмғирнинг тухташини кутдилар. Ёмғир тўхтагандан кейин, иккави икки хил пана йўллар блан уй-уйларига кетдилар.

Шу кунни кечқурун Қамишқапага район тергав идорасидан ҳарбий формадаги бир одам чиқди. У, бир ўзи совет правления идорасига жойлашиб, идоранинг деразаларига чойшаблар тўсдириб олди. Бу Шоаҳмедов деган қош ва киприклари қуюқ, келишган бир йигит бўлиб, ўзбекча блан татарчани аралаштириб гапирар эди. Унинг олдида сут, нон, мой ва чой келтириб қўйдилар. У бироз нон кавшаб сут ичди, кейин тутунини буркиратиб ва кўзларини қисиб попирос чекди. Дастлаб Мелиполвонни чақириб суроқ қилди. Кейин бошқаларни бирма-бир чақириб сўрай бошлади. Активлардан ҳам, актив бўлмаганлардан ҳам, хотинлардан ҳам чақириб сўрар эди. Туни блан тергав ўтказди. Эртаси куни муаллим Холмурод ҳам танишиб қўйиш мақсадида унинг олдида кирди. Тергавчи унинг қстиллар тўғрисида нима фикрда эканини сўраган эди. Холмурод шу онда ўз кўнглида бўлган бир фикрни дангал айтиб қўяқолмоқчи бўлдию, яна жур'ат қилмади, фақат:

— Ҳеч бўлмаганда, у одам ўлдирганларни биладиган шакс шу ердан -топилса керак, деб ўйлайман. Аммо ҳозирча бирар кимсани гумансирашга менда ҳечбир асос йўқ. Лекин мен текшираман. Агар шундай асос топилар экан, сизга дарҳол мал'ум қиламан, — деб жавоб берди.

Терговчи жуда кўп одамларни чақирдию фақат Мадаминни чақирмади. Бошқаларни уч-тўрт мартадан чақирганда ҳам, уни чақирмади. Мадамин бундан мағрур эди. У тергов бораётган бинонинг олдида ўралашиб юрар ва бу уйга яқинлашмоқчи бўлган одамлар ва болаларни сўкиб ҳайдар эди. У, бу ердаги ҳаракати ва кўз олайтириб хўмрайиши блан ўзининг райондаги тергов идораларига алоқадор кимса эканини ва чақирилганлардан нималар сўралаётганидан ҳам хабардор эканини ишора қилмоқчи бўлар эди.

Мадамин, тергавчи олдидан чиққан Холмуродга бурилиб, ярашмаган, ёлгон тиражайиш блан секингина:

— Хўш, афандим, — деб қўйди.

— Ҳа, — деди Холмурод ва Гулсумнинг: „Шундай одамлар бўлар эмиш: одам қонини яламаса тура олмас эмишлар“ деган сўзини кўнглидан кечирди.

У, шу куни кечқурун бир бола орқали Давлатёрни ўз ҳузурига чақирди.

— Хўш, мулла ака, хизмат! — деди Давлатёр.

— Сизга бир гап бор, — деди Холмурод, унинг елкасидан гутиб: — фақат иккавимиздан бошқа ҳечким билмаслиги керак.

— Ўртқ Дўсматов, ҳеч ким билмайди, — деди Давлатёр энтикиб.

— Сиз Мадаминнинг орқасидан пойлайсиз. Қаерга бориб, кимлар блан гаплашганини пойлайсиз: чиндан ҳам у ҳар куни районга гушадими ёки бошқаёқларга борадими? Бунинг бир билингни, кейин нималар билганингизни дарҳол менга хабар қилинг, ма'қулми? — деди.

— Аҳа... Сизнинг гашингизни мағзи бор... — деди, Давлатёр — бу одам советга иш курсатганман деб гердайиб оғиз кўпиртирса ҳам ўзининг асли теги босмачи... Бўлди мен бунинг орқасидан астойдил тушганим бўлсин.

— Лекин, ҳуш'ёр бўлинг-а, эй! — деди Холмурод, — ишни лачава қилманг яна.

— Ҳеч шубҳа қилманг, — деди Давлатёр пешонасини тириштириб. — Кеча-кундуз ўйлаб гаранг эдим. Сиз менинг кўнглимга: „Акангни улдирган, ана шу!“ деган фикрни солдингиз. Бўлди мен унинг орқасидан тушдим.

— Ҳуш'ёр бўлинг, эй, ҳуш'ёр бўлинг! — деб яна такрорлади Холмурод.

XVII

Колхозга киручиларнинг сони кун сайин кўлаймоқда эди. Брок, уларнинг ундан тўққизи от-ҳўкизи бўлмаган хўжаликлар эди. Колхоз бўлиб ишлаш учун, албатта, ҳукумат берадиган трактордан ташқари от-улов ҳам бўлмаса нима қилиб бўлади? Абдурасул шундай масалалар блан тез-тез районга қатнай бошлади. Колхозни қандай кўчайтириш юзасидан тегишли идораларнинг йўл-йўруғини олди. Бир куни партия-совет активларининг камбағаллар блан бўлган кенгашида Олахўжа, Турдибой халфа ва Зокирхўжа қассоб ва яна бирнеча хўжаликларнинг асл одам кучидан фойдаланиб келган бойлар ва қулоқлар эканликлари тўғрисида гап қўзғалиб кетди. Камбағаллар уларни рўйхатда қулоқ қилиб кўрсатиб, уларнинг ерлари от-уловларини колхозга ўтказишни талаб қилдилар. Қадимги мулкдорларнинг авлодлари эгаллаб келаётган ер ва боғлар, энди батамом колхозга ўтиши лозим эди. Худди шу масала устида Тожибой блан Абдурасул орасида жанжал чиқди.

— Менинг қўл остимда ундай бегона буладиган одам йўқ. Ҳаммаси совет фуқораси... Менда бегона йўқ, — деди Тожибой.

— Бегона бўлмаса, сенга бегона эмас, кўпчиликка бегона, — деди Абдурасул.

— Қулоқ қилганингни кўраман, қилолмайсан! — деди Тожибой.

— Ҳўкизнинг шохига урса туёғи, туёғига урса шохи зирқирайди, — деди Абдурасул қизишиб. — Олахўжа сенинг тоғанг, Мадамингов холаиғнинг эри. Зокир қассоб қариндошинг бўлгандан кейин, албатта қулоқ қилмайсан-да!

Бу ерга келганда Тожибойнинг сабри тугади. Ғазаби ошиб кетди. Овозини борича шовқинлаб Абдурасулни сўкиш ва ҳақоратга кўмди.

— Сен ҳали ҳаддингдан ошма... ҳа... мен сени милициянинг олдига солиб ҳайдатмасам, юрган эканман... ҳа...

Абдурасул яна бўш келмади — „дард“ деса, „ўл“ деб тураберди.

Қамишкапанинг икки обрўйи ҳеч кимга сўз бермай, биринибирини ерга ура бошлагач мажлис ёпилди ва масала райкомга қўйиладиган бўлди.

Эртасиёқ Тожибой оқсоқол Абдурасул устидан, Абдурасул бўлса, уни қулоқларни ҳимоя қилишда айблаб, шикоят қилиш учун районга жўнадилар. Район партия қўмитаси бу иш юзасидан махсус комиссия юбориб, текширтирадиган бўлди. Улар қайтиб қелиб комиссияни кутдилар.

Мажлисда бўлган ҳодиса бутун қишлоққа ёйилди. Тожибой билан Абдурасулнинг эрагишиб қолгани тўғрисида ҳаммаёқда ғовғув гап кўтарилди. Абдурасул тил теккизган қулоқлар ниҳоят ғазабга келдилар. Олахўжа, Зокир қассоб ва Турдивой халфа кўчага, кооператив дўкони олдига чиқиб, гуё бир-бирлари билан урушиётгандей, кўчани бошларига кутариб, атрофларига одам тўплай бошладилар. Улар Абдурасул устига ла'нат тошини ёғдирар, унинг гапини кўпиртирар, у гапирмаган ва гапиришни ўйламаган ёлгонларни тўқир, бир гапни қайта-қайта такрорлар эдилар. Уларнинг шовқин-суронлари гузарни одам билан тўлдириш учун баҳона бўлди. Олахўжа ёни-верига қараб, кўзига чалиққан урти деҳқон ва ҳатто якка моллик одамларни ҳам Абдурасулга қарши турткилаб ғазаблантиришга киришди.

— Гапдан хабаринг борми, ё „ўртаман“, „камбағалман“ деб беғам бўлиб юрибсанми? Барибир пешонагда битта қимирлаган молинг бўлса бўлди, қутилмайсан... Абдурасул гўрингни тайёрлаб қўйибди. Молингни олиб, ўзингни очиқ мозорга ҳайдар эмиш...

— Аста'фирулло — деб унинг сўзига сўз қўшди, Турдивой халфа. — Ёзиғимиз беш-олтита худо берган мол бўлса, олсин қўйсин-да... Нега тагин ўзимизни... худоё тавба!..

— Менинг молимга чанг солганини кўрайчи!.. — деб дағ-дағ қилди қассоб.

Мелиполвон ва Юсуфали отага ўхшаш ба'зи бир активлар ўзларини тутолмай, улар блақ басма-бас сўкишиб олдилар.

Агар, бу можарада, Мадамин ҳам бўлса, ким билади, нималар деган бўлар эди, ҳолбуки, у „хизмат кўрсатган“ шахс бирнеча

кундан бери Қамишканада ўз қорасини курсатмай қўйди: чунки Сотволдининг ўлдирилиши туфайли ҳамон давом этаётган тергов, калаванинг учини худди шу гирдайган Мадаминнинг тилидан тутаёздики, бу воқиянинг қисқача тафсилоти шундай бўлди.

Давлатёр, муаллим Холмурод гумонига астойдил қўшилиб, Мадаминнинг орқасидан тушди. Унинг ҳаракатларини кеча-кундуз тақиб қилди. Мадамин районга бориш учун йўлга чиқадиган кунларда, Давлатёр киши билмас бўлиб, ундан илгари йўлга чиқди. Йўлдаги қирларнинг энг баланд теппасига чиқиб, ётиб пойлади. У, қир теппасида шундай чўзилиб ётдики, ўзи энг узоқдаги қимирлаган жонни кўрар, аммо уни эса ҳечким кўра олмас эди. У, шундай пойлашлар натижасида Мадаминнинг бир ҳафтада икки мартаба, яъни душанба ҳам сешанба кунлари, аввал район йўли блан тўғри бориб, қирдан ошгандан кейин эса, сой ёқалаб тикка тоққа қараб чиқиб кетганини аниқлади. Мадамин ҳар гал сой ёқалаб бориб, адрлар орқасига бекинди. Давлатёр уни кўздан йўқотди ва унинг янада қаергача борганини билолмаганига тилини тишлаб аттанг қилиб, типирчиланиб қолаберди. Мадамин кеч қорайган вақтда худди шу йўл блан яна киши билмас бўлиб қинлоққа қайтди.

Холмурод, Давлатёрдан бу маълумотни эшитгандан кейин:

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, Мадамин қаерга бориб, нима кишини мумкин? — деб сўради.

Давлатёр ҳеч иккиланмай, қизиққонлик блан шартта жавоб берди.

— Менинг акамни ўлдирган шу. У тоғдаги бой оқсоқолларга боради. Улар блан биргалашиб, акамни ўлдирган шу!..

„Ажаб эмас! — деб ўзича, ўйлади, Холмурод. — Уша кунни, дарсда кўзлари бежо ялтираб ўлтирганда худди ана шу ишни битириб келган бўлса ажаб эмас!“

Бу маълумот баъзи активларга етиб, қарама-қарши фикрларга сабаб бўлди. Бири: „бунинг эски касби“ деса, бири: „бу довдирдан бунақа иш чиқмайди“ деди. Маълумотга кўра, чақирилиб чўралган Мадамин душанба ва сешанба кунлари сой ёқалаб тоққа кетганини мутлақо инкор қилиб, фақат районга борганини даъво қилди. „Сотиболди, ўлдирилган кунни қаерда бўлдингиз? Кимлар блан учрашдингиз“ деган саволга ҳам Мадамин ўзининг районда бўлганини, лекин, ҳечким блан учрашмай фақат самоварда чой ичиб қайтганини айтди.

Шундан кейин, Шоаҳмедовнинг бирданига пешонаси тиришиб, пайваstda қошлари пасти-баланд бўлиб қимирлди. Столдаги папиросдан биттани оғзига олди, гугурт чақди-да папиросни тутатди ва ўрнидан турди.

— Хайр, хўш, — деди, у папирос чекиб олиб, — майли, ишингизни давом эттиринг, оқсоқол!

Мадамин чиқиб кетди Шоаҳмедов унинг қадам товуши эшикдан узоқлаши блан телефоннинг қулоғини бураб, район блан гаплашишга тутанди... Мадамин эса, эшикдан узоқлашдию яна кейинига бурилди, ўғри мушукдай аста-секин одимлаб, чойшаб

тусилган дераза олдинга келди, астанидил қулоқ солди, терговчининг телефонда: "...Тезда иккита отлиқ юборасиз — алланиманнинг ҳиди келиб қолди... ўшоққа олиб бориб текширишга тўғри келади... Ўзини ҳозирданоқ қўлга оламан!.." — деган сўзларни эшитди-да, бир қўли блан дўпписини лешонасига томон бостириб, калласининг орқасини қашлади ва ўғри мушиқдек юриш қилиб деразадан узоқлашди...

Худди ўша кундан бери Мадамин қорасини курсатмас, уни кидирар эдилар...

(Давми бор)

ВЛАДИМИР МИЛЬЧАКОВ

ОФИЦЕРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Рота уч кундан бери душман қуршовида. Гвардиячилар қуршовнинг биринчи куниде қол-қоронғи кечада ботқоқлик ва анхордан ўтиб, ўрмон қоровулининг қўрасига келиб, тиқилган эдилар.

Қўранинг айланаси пишиқ гишт девори блан ўралган бўлиб, ўртасида қоровулнинг тошлардан қилинган пастаккина узун уйи бор эди. Бу гвардиячилар учун ишончли бекинадиган жой бўлиши блан мустақкам, қулай мудофаа пункти ҳам эди.

Бир томонда, 150 метрлар чамаси нарида, очиқда кичкина бир ариқча оқар. Иккинчи томонда эса, қалин ўрмон, сал фарб томонда тош йўл ва дар'ёнинг кўприги кўриниб турмоқда. Дар'ёнинг бериги қирғоғи ва ўрмон душман қўлида эди. Аммо ботқоқлик бўлган нариги қирғоқда, ана, у паст-баланд тепалар тегидан гвардиячилар полкининг олдинги марраси бошланар эди. Фақат ана шу томондангина буларга ёрдам келиши керак.

Рота гвардиячилари қуршовда бўлишларига қарамасдан душман мудофаасини анча таҳликага солиб қўйган эдилар.

Ўрмон қоровулининг қўрасида туриб, ротанинг жуда усталик блан отаётган ўқи тош йўл ва дар'ё кўприги устида кўринган ҳарбир душман қорасини қириб турди. Кўприк энди ҳар иккала томоннинг ҳам қўлида эмас, ўртада қолган эди. Гвардиячиларнинг нишонга олиб, отаётганини кўрган немислар ҳам кўприкни портлатишдан воз кечишди. Ротага ёрдамга келаётган бўлинма ҳам кўприкдан дадиллик блан ўта олмади. Чунки, 200 метрча нарида жуда яхши бекиниб олган бир немис пулемёти кўприкка томон тикка ўт сочмоқда эди.

Мудофаанинг учинчи кун. Қуёш бош устида секин сузмоқда. Ҳавонинг иссиғлиги, хусусан, кишининг тинкасини қуритадиган чанқоқлик қўранинг қаҳрамон гарнизонини қийнай бошлади. Сув йўқ: бўлса ҳам фақат пулемёт ўрайдиган брезент қопдагина жуда аз қолган. Ротада ўқ тугайёзган, сўнгги гранаталар ҳам немисларнинг эрталаб, қилган ҳужумини қайтариш учун сарф қилинган эди. Бу ҳужум шу қулай жойни ишғол қилган

кечадан бери қилинган ҳужумларнинг саккизинчиси эди. Тўғри-сини айтганда, буни рота дейиш ҳам мумкин эмас. Бунда оғир ва муттасил жангларда чарчаган, сувсизликдан қийналган 30 га яқин қуролли кишилар ва иккита офицергина қолган. Аммо булар гвардиячилар эди.

Рота командири капитан Нагибин уйдан катта тош йўлга дурбин билан қайта-қайта қаради.

— Ким биледи, бу ла'нати пулемёт қаерда ўрнатилган, — ўз-ўзига дер эди, — ҳеч қаерда кўринмайди. Мал'ун қайси томондан ўқ сочаяпти. Бутун масала шунда.

— Қаерда бўлар эди, кеча ўзимиз тахминлаган жойда, капитан, бошқа ҳеч қаерда эмас. Ўша эгри қайин дарахтнинг ёнида, — деди полда ўтириб оёғини бинт билан қайта ўраётган лейтенант Коршунов, унинг оёғини бундан икки кун аввал немис минасининг асколкалари енгил ярадор қилган эди, — бўлак жойда эмас, фақат ўша ерда, — қўшиб қўйди лейтенант.

— Ўша ерда-ўша ерда! — деди газабланиб капитан, — хайр, ўша ерда ҳам бўлсин. Қандай қилиб биз уни у ердан қўпориб ташлай оламиз, қораси кўринмайди.

— Тўғри, — деди чўзиб Коршунов, — агар шу пулемёт бўлмаганда эди, ишимиз чакки бўлмас эди. Лейтенант оёғини бинт билан ўраб бўлгач, дераза докчасини ушлаб ўридан турди.

Немислар булар турган уйчага ҳар замон, ҳар замон мина отиб ташвишга солар эди. Капитан Нагибин немисларнинг кейинги ҳужумини қайтаргандан сўнг, қолган одамларни эҳтиёт қилиб, ҳаммага уйнинг подволига тушиб бекиннишни буюрган эди. Ташқарида фақат қоровуллар ва кузатучиларгина ўз ўринларида қолди. Ўридан турган Коршунов ҳам девор тешигидан ташқарига қаради. Қуёш нурида ялтираб турган катта тош йўл шунчалик яқин бўлиб кўриндики, дурбинсиз ҳам йўлнинг ҳар икки чеккасидаги қатор уйилиб қўйилган шағал уйимларини аниқ кўра олди. Чап томонда, ярим қақирим узокликда, узунлиги 100 метрча келадиган катта кўприк бор эди. Қуёш нури билан жимирланиб кўринган бу ерлар жуда соқит кўринар эди. Аммо шу пайтда ҳавода ёқимсиз бир овоз эшитилиб, ҳаял ўтмай, уйнинг томига гумбурлаб мина тушди; асколкалар ва черипиция парчалари ёнғиллаб ҳар томонга сочилиб кетди.

— Ана, ла'натилар, — деди сўкиниб Коршунов, — энди нишонни тўғрилаб отаяпти.

— Энди кўрабер. Отгани-отган. Шериклар, энди настга тушмоқ керак. — Нагибин Коршуновнинг қўлидан ушлаб, подволга тушадиган жойигача уни суяб олиб борди-да, ташқарига қараб кичқирди:

— Пулемётлар ёнидаги кузатучилар! Кўзингизни атрофдан олманг!!! Яхшилаб бекининг, ўзингизга эҳтиёт бўлинг!

Подвол қоронғироқ эди. Гвардиячилар томондан милтиқнинг оёғини тиқиб отиш учун тешиб қўйилган девордаги шинаклардангина хири ёруғ тушиб турмоқда. Гарнизон плацдармани қўлда бермаслик учун курашга тайёр, немислар башарти қўрага

ериб кирганда ҳам бу уи мудофаа учун энг сўнгги таянч пункти бўлиб қолади.

Лейтенант Коршунов бир боғ буғдой устига келиб ёнбошлади. Подволнинг ҳар томонида сочилиб ётган орш буғдойининг янчилмаган бирнеча боғлари гвардиячилар учун тўшақлик вазифасини ўтар эди. Капитан Нагибин йўлакка яқинроқ жойда синик бир курсининг устига ўлтирди. Офицерлар кириши блан солдатларнинг ўзаро гаплашишлари тўхтаган ва ўртага қандайдир бир жимлик чўккан эди. Капитан солдатларига бир-бир қараб чиқди. Бурчақда эрталабки жангга енгил ярадор бўлган старший сержант Вали Зоҳидовнинг доқа блан боғланган боши оқариб кўрианди. Уни қуролдош дўстлари Валя дер эдилар. Вали Зоҳидов полқда эканида иккинчи взводнинг биринчи бўлим командири эди. Ҳозир бунинг ихтиёрида фақат 5 кишигина қолган. Взводнинг бошқа жангчилари ва командири лейтенант Нуриддинов подвалнинг тўрида ётишибди. Буларнинг кўзлари ҳаётдан абадий юмилган эди. Офицернинг ўзига томон қарашини сезган Зоҳидов секин ўрнидан тўрди. У, рота старшинаси ҳалок бўлгандан бери унинг вазифасини ҳам бажариб келмакда.

— Ўтир-ўтир, — деди капитан, — яранг оғриятими? Нега ётмайсан, ҳозирча жанг йўқ-ку, ёт дамнингни ол.

— Оғриётгани йўқ, ўртоқ капитан, аммо жуда қичитапти.

— Иод суртиб қўй, дарров босилади.

— Иод ҳам йўқ. Тамом бўлибди. Буёққа утаётганимизда ўқ санитарнинг халтасига келиб тегибди. Иоддан ҳам, санитаркадан ҳам ажрабмиз. Иод суртмасам ҳам ўзи шундай тузалиб кетади. Фақат гўштини юлиб кетган халос. Суяги бутун.

— Зоҳидов! — деди капитан ва бироз ўйлаб яна суради; Қанча-ўқ қолди?

— Ҳарбир жангчида 15 тадан, 5 кузатучида 25 тадан, станкалик пулемётчиларда 2 лентадан, қўл пулемётчиларида 3 дискадан, яна бироз запас ҳам бор.

— Ҳўш, запасда қанча? Зоҳидов иккиланиб қолди. Нимагадир жавоб беришга ўнғайсизланарди.

— Айтавер-айтавер ростини.

— Запасда 150 та ўқ қолди.

— Ҳўп, гранатчи?

— Гранат битта ҳам қолмади, — деди Зоҳидов ва узича ўйлар эди, — билиб туриб нега сўрайди. Эрталаб ҳамма гранатни ишлатганмиз-ку.

Капитан блан Зоҳидовнинг сўзларини диққат блан тинглаб ўлтирган солдатларнинг ҳарбири ўзича ўйлар эди: Бу ўқ-дори қанчагача етар экан? Рус гвардиячиларининг эски одатини қилиб пулемётчилар энг сўнгги ўқини ишлатиб бўлган, пулемётини бузиб ташлаб, ўқчи-солдат милтигининг затворини улоқтириб ташлаб, душманни яқин келтириб туриб, индамай, найзаовзлик, ханжарвозлик жанггига кирадиган вақт яқин эмасмикан?..

Бир нафас жимлик чўкди. Капитан Нагибин савол назари блан ўз жангчиларига, солдатлар ҳам бирор фармон кутаётгандай.

индамай капитанга қараб турар эдилар: ана, шижоат ва ишонч блан капитанга тикилиб турган Бухороли машҳур пахтакор ва доигдор теримчи бўлган Зоҳидов, унинг ёнида 19 ёшар кўк кўз Одессияли уста музикант ва хофиз жорий Червоннинг, унинг ёнида ўткур кўзлари блан қараб турган Ураллик слесарь Иван Чибатаренко ва унинг дўсти ҳам адаши Забайкалиялик овчи йигит Шумилин ўлтирипти. Буларнинг ёниб турган кўзлари яқиндагина қизгин жанг бўлиб ўтганлигидан ва эндиги жангга ҳам тайёр эканликларидан шаҳодат бериб турар эди. Хорьковли собиқ колхоз бригадирин Петр Черета қовоғини солиб қараб турмоқда. Капитан буни кўриш блан бир вақтлар Черета ўз уйдан хунук хабар олганида, немислар унинг хотини Галипани ва 5 ёшар шўх ўғли Вовани отиб Бабиёр деган жарга ташлаганлари ҳақидаги хабарни эшитганида, ана шундай ғазабли назар блан атрофига қараганини эслади. Нагибининг кўзи ўзига томон тинч, аммо дадиллик блан қараб турган пулемётчи Овчинниковга тушди. Илгари Волга бўйидаги бир колхознинг раиси бўлган Овчинников урушнинг биринчи кунидан бошлаб фронтда эди. Капитан бунинг уч мартаба немислар қуршовида қолганини ва ҳар сафар ҳам жанг қилиб қуршовдан ғалаба блан чиққанини билар эди. Унинг тикилиб турган мардонавор кўзлари гўё капитанга: Ҳеч қиси йўқ капитан, бу биринчи мартаба эмас, туриб берамиз! — дегандай қараб турар эди. Овчинниковнинг ёнида кенг ва узун гимнастёрка кийган паст бўйли бир ёш жангчи бир қўлини ерга тираб бошини қуйи солган ҳолда, иккинчи қўлининг бармоқлари блан тиззасига алла нарсалар чизиб ўлтирар эди. Бу ўспирин ёш йигитча ротага яқиндагина келган одамлар блан келган эди. Капитан унинг отини эсидан чиқармаган бўлсада, лекин фамилиясини шунча ўйлаб эслай олмади.

— Ҳа, Барис, аҳвол қалай, нимани ўйлаб турибсан? — деди унга капитан. Йигитча ялт этиб капитанга қаради ва яна кўзларини тез ерга қаратди.

— Жанг қилиб юрибман, ўртоқ капитан. Уставда нима бўлса, командирлар нима буюрса бажариб келмоқдаман.

— Қандай буюраяптилар? — дея сўради капитан. Сен армияга олинганинггача қандай ишда эдинг?

— Тўғри келган ишда, — деди жангчи истар-истамас, — мен жуда оз ишлаганман. Ҳамма яна жим бўлди.

— Хўш, азаматлар, қанча ўқ-дори қолганини ҳам эшиттиларинг. Бу албатта, кичикроқ тўқнашув учун эҳтимол этиб қолар, лекин чинакам жанг қилишга тўғри келиб қолса, жуда озлик қилади. Қани, гвардиячилар, нима дейсизлар?

Ротадаги энг яхши отучилардан бири бўлган Иван Шилин биринчи бўлиб жавоб берди:

— Ҳар бир отучи учун 15 тадан ўқ албатта жуда оз. Лекин буни эплаб отадиган кишига оз ҳам эмас. 15 ўқ блан 15 фрицни қуришиш мумкин. Аммо эсанкираб қолмаслик шарт, Немислар ҳужумга ўтганда, худди жиниларга ўхшаб келишади. Хоҳлаганингни ур. Танлаб-танлаб урса бўлади. Уларнинг жазосини боплаб бера оламиз.

гвардиячи ўртоқ капитан, балки унғача. Ўзимизникилар ҳам келиб қолишар.

— Бизникилар ботқоқликдан ўта олмайдилар, пулемёт ҳам кўприкдан ўтқизиб қўяқолмас, — деди Борис.

— „Ўтолмайди ўтолмайди“ — деди аччиғланиб унинг гаини бўлган Зоҳидов, — биз ўтдик-ку, демак бизникилар ҳам ўта олади. Улар ҳам биз сингари одамларда.

— Тўғри, — деди Овчинников, Зоҳидовни қувватлаб, — маҳкам туриш керак! Бизникилар ҳам ҳозир уёқда бор чорани кўраётгандир. Бизни корпус командири ҳам билади. Балки армия штабига, аҳтимол ундан ҳам юқорига маълум қилгандирлар.

Албатта ёрдам келади. Маҳкам туриш керак.

Овчинников „ундан ҳам юқорига маълум қилгандирлар“ — деб ротанинг оғир аҳволга тушиб қолганини яна кимга маълум қилганини очиқ айтмади. Лекин ҳарким ўзича тушинган эди. Броқ ҳамма тўғри тушинди. Жангчиларнинг чехраси очилиб, жонланиш пайдо бўлди. Келадиган ёрдамнинг тез ва албатта бўлишига ҳамма бирдай ишонди.

— Хўш, шундай, азаматлар, — деди Нагибин. — Шилин жуда тўғри гапирди. Ҳарбир киши худди мергандей отиши лозим, — капитан ҳаммага кўз ташлагач давом этди. — биласизми, биз мана шу ўқлар блан юзларча немисни қуритаоламиз. Шундаймасми?! А?!

Подвалда қизгин суҳбат кўтарилди. Ҳали маъюс бўлиб ўлтирган жангчиларнинг юзлари очилиб, ҳаммаси ҳам ўзини тетик ҳис қилди. Бу кайфият урушга борган ҳарбир кишига маълум. Бундай кайфият даҳшатли жанг олдида ўзининг галаба қозонишига ишонган кишида пайдо бўлади. Капитан лейтенант Коршуновга қаради, у сиқиб боғланган бир буғдой боғига бошини қўйиб, ухламоқда эди. Демак, уч кундан бери уни қийнаган оёғининг оғриғи босилган, унга бироз ором берган эди.

— Майли ухласин, — деди ўз-ўзича капитан, — бугун кечаси ухлаёлмайди — солдатларга қараб қўшиб қўйди. — Мен, бугун тунда чиқиб, кўприк ёнидаги пулемётни бартараф қилиш керак, деган қарорга келдим. Мен ўзим блан уч кишини олиб кетаман.

Жангчилар ўртасида бирдан ғовр кўтарилди, бу ишни бажаришга ҳарбирининг ҳам боргиси келар эди, шунинг учун Нагибин ўзи танлай бошлади.

Сенга мумкин эмас Валя, — деди боришини сўраб илтимос қилиб турган Зоҳидовга, — лейтенант ярадор унга ёрдам бериш керак. Мен ўзим блан Чибатаренко ҳам Шилинни олиб бораман.

— Ўртоқ гвардия капитан, — тўлқинланиб давом этди Зоҳидов, — Сиз нега борасиз, бу тўғри келмас? Сиз ротада қолишингиз керак. Мени юборинг. Кўнглингиздагидек қилиб бажариб келаман. Бу ишнинг уҳдасидан албатта чиқаман!

— Аввал мен ҳам сени юборишни ўйлаган эдим, — деди жавоб бериб Нагибин, — немисларнинг пулемётини фақат қўлга киритишгина эмас, гап шундаки, уни ўзига қарши ишлата билиш ҳам керак. Шунда у блан душманга флангдан зарба беришимиз мум-

кин бўлади. Немис пулемётидан отишни ичингизда ким билади? — деди солдатларга қараб.

Бу саволга ҳеч ким жавоб бермади, ҳамма жим қолди.

— Хўш, ким билади? — деди капитан. Ҳеч кимдан жавоб бўлмади, — майли, ҳалиги айтган кишилар мен блан борадилар. Рота қўмондонлигини лейтенант Коршуновга топшираман. Сизнинг вазифангиз немисларни диққат блан кузатиб туриш, башартики. улар ҳужум қилиб қолса... — шу пайтда яқиндан эшитилган қаттиқ гумбурлашдан иморат ларзага келди. Ўтирганларнинг бошига шипдан туироқ тўкилди.

— Оғир миномётдан отаяпти, — деди секин Борис иморат қимирлаши тўхтагандан кейин, — энди оғир миномётини ҳам ишга солди.

— Ҳа, бу оғир миномёт, — тасдиқлади Нагибин. Ташқаридаги кузатувчиларни бир текшириш керак. Қандай туришибди?

— Хўп бўлади. Кузатувчиларни ҳозир текшираемиз! — дея Зоҳидов бирдан бурилди ва ташқарига чиқадиган йўлакка томон юрди.

* * *

Август ойининг зимзиё бир кечаси эди. Ҳаммаёқ қоп-қоранғи, Нагибин ва унинг икки шериги қўранинг деворидан ошиб, қора зулумот ичига кириб, кўздан йўқолдилар. Жанговар дўстларини кузатиб қолган Коршунов блан Зоҳидов бир нафас жим қолдилар. Булар турган жойдан ҳар икки томонга қараб чўзилган қўра деворининг давоми қоронғилик ичида гира-шира кўринар эди. Ҳар иккаласи ҳам биладики, ҳар ўн-ўн беш қадамда милтик учини чиқариб, отадиган девор тешиклари тегида гвардиячилар жим ётиб қоровуллик қилмоқдалар. Онда-сонда ер қозаётган қўл куракнинг китирлаган овози эшитилади. Тун қоранғисида мудофая жойлари мустаҳкамланмоқда; окоплар қазилиб, чуқур қилинмоқда.

— Жуда чанқаб кетдим-да, — деди Коршунов, — энди менинг лабларимгина эмас, ичакларим ҳам қоғоз сингари шигилламоқда. Жуда қақраб кетди.

— Нимасини айтасиз, — деди Зоҳидов, — аммо чора йўқ. Бугун кечаси ўтар, эрта кундузи блан ҳам чидармиз, лекин эртанги тунда агар ёрдам келмаса қандай қилиб бўлса ҳам анҳорга томон силжиб бориш керак бўладими? Қийин-қийин, броқ иложимиз йўқ.

— Энди анҳорга бормасмиз. Бугун тунни ўтказсак, эрталаб жуда бўлмаса, эрта кечга яқин албатта ёрдам келади. Бизникилар ракета блан берилган сигналга тушинишар. Ҳаммадан ҳам капитан пулемётни қўлга туширсин, дегин.

Иккиси ҳам жим бўлди. Коршунов чўнтагидан саотини чиқариб қаради. Қоронғида саотнинг стрелкалари ялтираб кўринди, — энди 20 минут ўтди, — деди лейтенант, — яна 15 минутдан кейин, агар сигнал бўлмаса, ўрмон уй томонга қараб бир-икки марта залп блан отамиз. Пулемёт ёнидаги фрицларнинг жигига тегиб пулемётини отишга бошлайди. Ана шунда капитан у ла'натиларнинг қаерда-бекниб турганини кўриб олади.

Орадан 5-6 минут утмай, немислар пулемёти уз-ўзидан сайрай бошлади. Кўриниб туриптики, фашистлар кечанинг коронғалигидан ҳадиксирамоқда.

— Оббо шайтонларе, — деди Зоҳидов, — яна капитанни пайқаб қолишган булмасин.

— Йўқ, мумкин эмас, — деди Коршунов, — эҳтимол фрицтлар шитирлаб юрган чўчка боласидан кўрқиб, ёки уйқуни қочирини учун отишяпти.

Бу икки гвардиячи дўстлар настдаккина девор тегида анчи вақтгача жим турдилар, улар бутун диққатлари блян қоронғи кечанинг қўйнига қулоқ солардилар. Аммо даланинг бўш-қоронғи кучоғидан ҳеч қандай шарпа эшитилмас эди. Немис пулемёти яна янгидан тариллай бошлаганида, осмон сал-лал ёришиб, тонг отишга яқин қолган эди. Пулемётнинг овози ҳамешагидан кўра, бу сафар бошқачароқ эшитилди. Аввал беш марта қисқа-қисқа отди. Сўнгра бирдан патирлаб кетди. Охирида эса, янги уч марта қисқа-қисқа отди-да бирдан жим бўлиб қолди.

— Бўлди! Тамом! — хурсанд бўлиб деди лейтенант, — капитан бўғиб олди. Энди кўрасан да'натилар! Валя, дўстим ракеталар блян ракета отадиганини кетир, тез!

Пишиллаб отилган ракеталар олдинма-кетин ялтираб осмонга кўтарилар экан, узун олов чизиқлари ҳосил қилиб, кўприк тепа-сида сочилиб кўздан йўқолар эди. Саккизинчи ракетани отиб, Зоҳидов тўхтади.

— Бўлар дейман, ўртоқ гвардиячи лейтенант.

От яна иккитасини, Валя, тўғри 10 та бўлсин. Нимага аяйсан, ракетамиз кўп-ку. Тузлармидинг. От полкдағлар кўрсин, ўзимизни дадил ва руҳимизни баланд тута билганимизни би-лишсин.

Бунин пайқаб қолган немислар тишчисизлана бошлади.

Нагибин группаси қўлга туширган немис пулемётни тўсатдан яна патирлай кетди. Аммо энди унинг овози кўприк ёқдан эмас бериги томондан эшитила бошлади. Немисларнинг ўнг плангига қаратиб ўт сочмоқда эин. Бунга жавобан ўрмон ичидан немисларнинг овози таниш бўлган миномёти йўталабошлади, ва тонг ғира-ширасида биринчи миналар гумбурлай бошлади. Ўрмон қоровулининг кўраси учун бўлган жангнинг тўртинчи кули бошланган эди.

Немислар кўприк ёнидаги қўлдан кетган муҳим маррани ни-ма блян бўлса-да, яна қайтариб олишни ўйлар эди. Аммо не-мислар тўғри кесиб келиб, ҳужум қилмоқчи бўлса, бу бефойда бўлар ҳам жуда қимматга тушар эди. Ўнг томондан пулемётни айланиб ўтишининг ҳам йўли йўқ, гвардиячилар рстаси бу то-монда ўрмон қоровулининг кўрасидан туриб уларнинг йўлини тўсадилар. Шунинг учун немислар бор кучини гвардиячилар устига тўкди, бундан мақсад — олдин кўрани олиш, ундай кейин капитан Нагибин группаси устига ҳужум қилиш эди. Эрталаб соат 5 га яқин кўра учун бўлган жанг жуда қизиқ кетди.

Аввал кўрадаги оғир сукунат бирнеча бор миномёт снаряд-

ларининг кишининг гашига тегучи қўпол портлаши билан олмо-
нииб турди.

Ташналик азобида бу ерда ўтказилган уч кеча бефойда ут-
маган эди. Жангчилар чуқур окоплар қазиб, керагича бекиниб
олган эдилар. Шунинг учун ҳам минамёт снарядларининг тушиб
портлаши ҳечкимга унча оғир зарар етказмади. Мана ҳамма-
ёқни зилзилага келтирган жуда даҳшатли отишмадан кейин ми-
намёт бирдан тўхтаб қолди. Атрофда жимлик чўккандай бўлди.
Броқ, сал ўтмай тўсатдан лейтенант Коршуновнинг овози эши-
тилди: — ҳуш'ёр бўлинг, азаматлар! Ҳозир фрицлар ҳужум қилиб
келиб қолишади. Ўзингизни дадил тутинг, ўқни фойдасиз иш-
латманг, эҳтиёт бўлинг!

Жангчилар девордаги тешикларга ёпишиб, диққат билан му-
раладилар. Урмоннинг қалин дарахтлари тагида қўрадан юз
метрларча нарида ўрмалашиб келаётган одам қоралари кўринди.
Қалин дарахтларнинг унғ томонидан немисларнинг пулемёти ўт
сочмоқда. Ўқлар гвардиячиларнинг наҳ боши устидан кетма-кет
ғизиллаб ўтиб турар эди.

Немисларнинг дам югуриб, дам ўзини бирдан ерга ташлаб
келаётганини кўрган Воли Зоҳидов бир нарсани эслади: уруш
бошланган вақтда у энг аввал катта Қўрғондаги полкда машқ
қилиб юрган гезларида ҳарбий ишнинг керак бўладиган хийла-
ларини ҳам ўрганган эди. Бир кун бундай хийлани ўз ўрнида
ишлатганда полк командири қандай баҳолаган эди. Жуда оғир
ва қийин машқ даври тамом бўлгач полк командири Зоҳидов-
га — фронтга борма, шу ерда қол, янгидан армияга келганларни
ўргатасан, деганда унамаган эди. У ўрганган билимини отиш-
даги, нишонни хатосиз урабилишдаги уқувини фанеръ тахтадан
қилинган нишонларни эмас, фронтда ҳақиқий жонли душманни
ўлдирish учун ишлатишни истаган эди. У, ўша машқлар ичида
мудофаа маррамизга душманнинг қандай ёпирилиб келишини
ҳам ўрганган эди. Мана ҳозир ҳам худди ўшандагидай дам пу-
сиб, дам сакраб келаётган одам қорасини нишонга олди, лекин
бу у машқдан бошқача эди. Милтиқдан ўқ отилиши билан бир
немис қўлларини шалвиратиб, бошини қуйига солгани ҳолда
муккаси билан ерга йиқилди. — Бу бир юз ун саккизинчиси! — деди
ўз-ўзига секин Зоҳидов ва яна бир фашистни нишонга олди.
Унинг ўнғ ва чап томонидан ҳам отишлар бошланди. Жангчи-
лар шошилмай қондаси билан отар эдилар. Қўранинг унча баланд
бўлмаган девори немислар учун олиб бўлмайдиган қўрғондай
бўлиб кўринар эди. Гвардиячиларнинг нишон олиб ошаётган
ўқлари ўз вазифасини бажарди, я'ни немисларнинг сепи ерга
парч бўлиб ётиб олганича қалин дарахтлар тагидан жилийолмади.

Немисларнинг минамёти қайта ишга тушиб, пулемёти ҳам-
тинмай ўт очмоқда. Окопларда яхшилаб бекиниб олишган гвар-
диячиларнинг бошлари устида мина оскольколари ва ўқлар ғизил-
лаб ўтиб турар эди. Минанинг сўнги портлаган овози тиниш
билан ҳавлининг нарғи томонидан Зоҳидов лейтенант Коршунов-
нинг товушини эшитди:

— Валя, қалай тирикмисан? Немислар шошилтириб қўймаптими?

— Хотиржам Адабини бераётирман, — деди Зоҳидов, — бу қурғур немислар кўринмайди. Тамом бўлганга ўхшайди, зерикиб қолдим.

— Немислар тўғри сенга қараб келаверсинми? Сен уларга ёмон кўз блан қарайсан, нишонни нах кўкрагидан оласан. Шўринг қурғур немиснинг тирик қолиши учун қилган ҳамма ҳаракатини бекорга чиқарасан. Мана кейингиси, шунча талтақайласа ҳам сендан қутилаолмади.

— Ҳа, анави куйиб ётган тўнганнинг тагидагимми, бу бир юз янгирманчиси.

— Яша! Сен ўша томонни бошлайвер!

Душман ўқлари тагида бошланган дўстона ҳазил оқопдан оқопга ўтиб, қизиб борар эди:

— Борис қалай тирикмисан? — бир настлик жимликдан фойдаланиб овозининг борича бақирди шўх грузин йигити Чантурия.

— Менку тирикман-куя, ўзинг қалайсан, — деди Борис оқопчасида ётиб. Шу вақтда ҳавода минанинг физиллаб ўтгани эшитилди. Борис шошилиб баландроқ қичқирди: Ол Чантурия бу сенга бораётир.

— Менга кераги йўқ, ўзинг олақол, ёки думидан ушлаб ланати немисларнинг ўзига қайтариб ол.

— Мана бунисини ол бўлмаса, Боря, гапга учинчиси аралашиб.

Борис жавоб беришга улгиролмади, чунки кузатчининг „Қуролга!..“ деган товуши эшитилиб қолди. Немислар яна ҳужумга ўтган эди. Бу сафар душман жуда ҳам шиддатли ўқ ва осколкаларни ёмғурдай ёғдириб келар эди. Гвардиячилар соат 7 ларга борганда билдиларки, ҳаммаёғи вайрон бўлиб кетган қўрада жангни охиригача олиб бориш учун имконият қолмаган эди. Пулемётларнинг биттаси қачанлари отишдан тўхтаган; ярмидан учиб кетган, пулеметчиси ҳам ёнида кўкрагидан қон оқиб ётар эди. Гвардиячиларнинг қўлида энди фақат битта станокли пулемёт қолган халос, бу душманни тутдай тўкучи оғир табиатли пулемётчи Овченниковнинг пулемёти эди.

Плацдармнинг сўнги мудофаачилари ҳам бирин-кетин сафдан чиқабошлади. Ҳотанинг шўх ва ҳазилкаш йигити Чантуриянинг ҳам қувноқ овози манги тинган эди. Яраланган Шура Червонний сўкина-сўкина эмаклаб Зоҳидовнинг ёнига келди ва ўзининг қолган ўқларини унга берди. Каттароқ осколка пешанасининг бир чекасини ялаб ўтган эди. Қон юз-кўзларини ювиб, кўкрагига оқиб тушар эди. У, ўқларни бергач ерларни қон қилиб, уйга томон эмаклаб кетди.

Гвардиячиларнинг отишлари борган сари камайиб борди. Яна бир нафаслик жангдан кейин улар ўлик ва ярадорларни йиғиштириб, подвалга киришди.

Мана Сталинградимизга ҳам келдик. Бундан буёқда биз учун ҳечқандай чекинадиган ер йўқ, — деб дўнғиллади Борис.

— Тентак, — деди бирдан аччиғи чиқиб Овченников, — бу ерлар ҳаммиси биз учун, ўзимизники. Лекин ҳечкимга берилмайдиган ерлар.

— Жуда эрта мотам тутибсан! — деди Борисга жаҳл блан Коршунов, эҳтиёт бўл, ўқ қўрқоқни қидириб юради. Қўрқоқ кўпинча орқасидан ўқ ейди!

— Мен нима дедим ўртоқ гвардиячи лейтенант, ҳеч нарса деганим йўқ, — қўрқиб ўзини оқлашга тиришди Борис.

Коршунов жуда оғир нафас олар эди. Юзлари оқариб кетган, яраланган оёғи жуда оғир, боғланган бинт сийриқиб пастга тушиб кетган, қон этиги ичига оқмоқда. Ярани ечиб қайтадан боғлашга вақт йўқ эди. Жангчиларнинг ҳарқайсисини ўз ўрнига қўйгач шундай тайинлади: ур ла'натиларни, ўнгмайдиган қилиб ўр, бирорта ҳам ўқ қолмасин.

Гап тугар-тугамас, кеча ўтириб ярасини боғлаган жойга ўзини ташлар экан, немисларнинг иккинчи ҳужумигача оёғимни боғлаб улгираолармиканман, деган хаёл бошидан ўтди. Зоҳидов ўрнидан туриб, унинг ёнига бориб ўтирди ва унга этигини ечишга ёрдам берди, ва лейтенантга савол назари блан қаради, буни тушунган Коршунов унга:

— Келиб қолишади Валя-келиб қолишади. Ишонаман албатга келишади, — деди худди ўз-ўзига гапираётгандай, — кўрмайсанми ҳали вақт ҳам эрта. Мана ҳали соат 7 бўлмабти. Тўшга яқин шубҳасиз келишади.

У ярасини қайтадан боғлашга улгиралмай қолди, немислар ҳужум бошлади. Зоҳидов ирғиб ўз ўрнига ўтди, лейтенант бўлса ярасининг бинтини апил-тапил боғлаб этигини ҳам киймасдан ўзининг кузатиш цунктига — немислар минасидан ҳосил бўлган, иккинчи пулеметни отиш учун омбразура қилинган тешик ёнига борди.

Бу сафар немислар жуда безбетларча келар эди. Ҳатто улар учун капитан Нагибин пулемётининг очаётган ўти ҳам қўрқинчли эмас эди. Энди қўранинг девори уларни пана қилиб қолди. Зоҳидов фашистларга ўқ узатуриб, бирдан лейтенант тўппончасининг овози эшитилмай қолганини пайқади. Сержант қўрқиб лейтенант ўтирган томонга қаради. Унинг тинчсизлангани ўринсиз эди. Лейтенант икки дераза ўрталигидаги девор панасида туриб, тўппончасига ўқ жойламоқда эди.

— Бўш келмаймиз Валя, — деб қичқирди лейтенант, Зоҳидовнинг ўзига қараётганини сезиб ва очиқ юз блан кулди. — Гвардиячиларча! Яна бирор соат чидаб берсак, бизникилар ҳам этиб келиб қолишади, боглаб урабер! — дея теразага юзланган эди, бирдан қўлидан тўппончаси учиб кетди ва ўзи ерга ағдарилиб йиқилди. Чекинаётган немисларнинг охириги дайди ўқи, офицернинг ҳаётини қуритган эди.

Зоҳидов лейтенант ёнига югуриб борди. Ўқ унинг кўкрагидан теккан эди. Зоҳидов лейтенантнинг бошини билагига олиб кўтарар экан, унинг хириллаган аммо борган сари баландлашаётган овозини эшитди: мен тамом бўлдим... охиригача тураолма-

дик... энди сен команда бер... бизникилар келади... тездан. У бор кучини йиғиб бақирди: Гвардиячилар! энди ротага Зоҳидов командир. У сизнинг офицерингиз! Маҳкам турингиз... Бизникилар тездан... — дея бирдан тинди. Зоҳидов унинг бошини билганда кўтариб турар эди. Коршунов яна бирдан кўзини очди, — сен бор... сен ҳозир командир... мени қўй, майли... яна жим бўлди, кўзларини абадий юмган эди. Зоҳидов унинг бошини ерга қўйди.

Нима қилишини билмай Зоҳидов чўккалаб, икки қўлни ерга тираб, лейтенантнинг юзига қаради, унинг кўз ёшлари юзидан сийриқиб оқиб тушмоқда. Бир кўздан оққан бир томчи ёш, иккинчи кўзининг бурчагига оқиб келиб тўхтаб қолди, унинг изидан оқиб тушган сўнги ёшлар қўшилиб, офицернинг жонсиз кўзи бурчагида каттароқ ёш томчиси ҳосил қилган эди.

Ўликка тикилиб турган Зоҳидов юрак-юрагидан ачинди, гвардиячиларнинг ҳарбири ўз ўрнида, миллиқ суқиб отадиган девор тешиклари ёнида эди. Ун бир киши ротанинг янги командирига тикилган эди. Булар гвардиячи ротанинг қолган-қутгани, муттақил жангларда чарчаган ўн бир азамат йигит эди.

— Энди у сизнинг офицерингиз, — ўз-ўзича такрорлади Коршуновнинг сўзини Зоҳидов, — мен қандай офицер бўлаоламан. Мен сержант, бўлим командири. Мен еттинчи синфни ҳали тамом қилганим йўқ... Дея ўйлар экан, шу вақтда фашист пулемётининг тариллаганини эшитди. У бирдан ўзига келди. Йигитларга тикилди. Гвардиячилар ҳам ҳарқандай жапга тайёр ҳолда унинг бўйруғини кутиб, турар эдилар. У янги вазифанинг бутун мас'улиятини ҳис қилиб буюрди: — бирорта ҳам ўқ отилмасин, деворга яқин келтириб туриб, тутдай тўкиш керак, — гапга бошқароқ оҳанг беряб, қўшиб қўйди, — қандай бўлмасин охиригача чидаймиз, ўртоқлар. Бизникилар ҳам ҳозир келиб қолишди.

— Ўртоқ гвардиячи старший сержант, — баланд овоз билан мурожаат қилди унга Борис, — нима блан жанг қиламиз. Ўқ тамом бўлди!..

— Мана бу ҳаммадан даҳшатли, — деб ўйлади Зоҳидов, — кимда қанча ўқ қолганлиги текширилиб чиқилсин, — дея буюрди.

Жангчилар дарров ҳаммаёқларини титишга бошладилар. Чунтақларини, майда-чуйда солиб юрадиган қопларини, гильзаларининг ичини титиб чиқдилар. Фақат йигирма донга ўқ қолибди.

— Ҳарбир киши ўзи учун ҳам биттадан ўқ сақласин, — деди совуқ бир тусда Череда, — гвардиячилар асир тушлайдилар!

— Череданинг гапи тўғри, барибир бизникилар кечикади. Асир тушмаслик керак, — Зоҳидов бир пас ўйлаб тургач, бирдан туси ўзгариб, кўзлари чақнаб кетди, рус гвардиячиларининг чидан ва жасоратлари ҳақида эшитганларини эсига туширган эди, — йигирма ўқ бу йигирма немисни камайтириш деган сўз, сўнгра найза бор, қўндоқ бор, мушт бор, олишиш учун қуролимиз етарли, — деб ўйлади ва қат'ий қарорга келди Зоҳидов.

— Гвардиячилар, бундан қилмайдилар, — дея Чередага қаттиқ зарба берди. Череда эса камар ва гимнастёркасини тўғрилаган

бўлди, у ҳар маҳал офицернинг буйруғини эшитиш олдидан шундай қилар эди, — ҳарбир киши, — дея давом этди Зоҳидов, — биттадан ўқ олсин. Сиз, сиз, сиз ҳам, — ротанинг энг яхши отучиларига қараб, — учтадан олинг. Немисларни жуда яқинга келтириб, бирдан залл блан отиш керак. Ундан кейин менинг команدام блан пайабозликка! Тушундингизми?!

— Ўртоқ гвардиячи старший сержант, — ҳовлиқиб гапирди Борис, — дар'е бўйингача чекинсак бўлмайдами? Бирор илож қилиб, сузиб ўтармиз. Ҳаммамиз эмас... балки хоҳлагани одам унда қолар, биз ўтиб олгунча немисларнинг йўлини тўсиб туради...

Зоҳидовнинг лаблари оқариб, кўзлари ғазаб блан чақнаб кетди, қўлидаги тўпшончасининг дастасини шундай қаттиқ сиқдики, буни фақат қўли оғригандагина сезди.

— Яна ким шу фикрда? — сўради Зоҳидов.

Ҳечким жавоб бермади. Овченников бурилиб, ўз пулемётининг ёнига кетди. Чўкка тушиб девор тешигидан тушган ёрунда пулемёт частларини ажратабошлади.

Бошқалар бор диққат блан милтиқ найзаларини ва унинг ўрнатилган винтларини текширабошладилар. Черета ортиқча бўлган милтиқларни текшириб, ба'зисининг найзасини деворга санчиб ҳам қўрди. Қолганлар ҳам худди курашга тушаётган полвонлар сингари камарларини сиқиб ўзларини ихчам қилишга тирришар эдилар.

— Ундай бўлса, ўртоқ старший сержант, менга рухсат этинг, — шошилиб сўради Борис, — мен қандай бўлса ҳам дар'едан сузиб ўтаман, бориб полк командирига ротамизнинг қандай олишганини бошдан охиригача айтиб бераман.

— Ҳам жонини олиб қочмоқчи, ҳам қаҳрамон бўлмоқчи, — деди Черета.

— Бор жойингга тур! — буюрди Зоҳидов.

— Энди жойимга бориб нима қиламан, қизиқ гапирасиз-а? Рота бўлмаса, ўқ бўлмаса, командир бўлмаса, — дедди-да Борис милтиғини бир чекага улоқтириб ташлади ва бармоқлари блан сочларини тuzатган бўлиб, яна ушқурди, — мен бекордан-бекорга ўлишни истамайман, пайабозликка кирмайман. Қутилиш мумкин-ку?.. Ўзимизни ўлимга нега тутиб берамиз!.. Ким билади!!

— Қаҳрамончанинг фе'ли айниб қолди, — деди кулиб Петр Черета ва овозини бошқачароқ қилиб Борисга деди, — эй сурбет, марҳум лейтенант сенга нима деган эди: — «қўрқоқ орқасидан ўқ ейди!» — Эсиндан чиқдимми? Сандақангги...

Зоҳидов Бориснинг олдинги қилган қайсарлигидан қаттиқ жаҳли чиққан эди. Лекин бу сафар ўзини тутиб олди, ўзига ишонган тажрибали офицердай унга кескин равишда буюрди: — ўз жойингга бориб тур! Бу ерда командир мен ва полк келганга қадар сени буйруғимга бўйсунушга мажбур қиламан. Қўрқоқ!

Борис бошини қуйи солиб, индамай улоқтирган милтиғини ердан олди-да, ўз жойига қараб юрди.

— Хужумга борсак сен олдинда юрасан, деди яқун қилиб Черета, — яна йўлдан адашиб орқада қолиб кетмагин.

Немисларнинг эндиги ҳужумини анча кутишга тўғри келди. Ҳатто минамёт отишмасидан кейин ҳам, қариб бир соат ўтгандан кейингина дарахтлар орасидан босиб келаётган душман қоралари кўринди. Гвардиячилардан бири дадил: ана-ана! Фрицлар саф тортиб келишаяпти, кўзни юмиб отсанг ҳам тутдай тўқини мумкин, — деди.

— Командасиз бир ўқ ҳам отилмасин! Фақат ҳамма бирдан! — буйруғини такрор қилди Зоҳидов.

Немис автоматларининг патир-путири борган сари кучайиб борар эди. Ўрмон чекасига келиб етганда, бирдан жим бўлиб қолишди. Ҳужум қилиб келаётган немис гарнизонининг бужим бўлиб қолишидан янги бир даҳшатли кутиш мумкин эди. Каттик дўқ блан берилган командадан кейин немислар саф тортиб ўрмондан чиқди ва тез орада экин майдониغا яқин келиб қолишди. Майдон ёқасига келиб, яна тўхтаб қолишди. Бу вайрона қўрадаги жимлик ҳар тарафга аланглаган немисларга шундай даҳшатли бўлиб кўринган эдики, агар уларнинг тўғрисида қатор туриб ўт очиб турганда ҳам бунчалик қўрқунчли бўлиб туюлмаса керак.

• — Командасиз отилмасин, — яна такрор қилди Зоҳидов. — кўяберинглар, ҳовлига киришсин.

Яна немисларнинг дўқ блан берилган командаси эшитилди ва фрицлар шошиб-пишиб девордан ошиб тушабошладилар. Буларнинг ичидан ўзини ботир санаган бир-икки немис қўра ўртасига ҳам келиб қолган эди.

— Тайёр бўлинг! Огонь!!!

Бирорта ўқ ҳам бекор кетмади. Ундан ошиқ фашист ерга ағдарилди, қолганлари эса, кутилмаган бу даҳшат олдида нима қилишини билмай довдираб қолишди. Зоҳидов милтиғини кутариб, бор кучи блан қичқирди: — олға, ўртоқлар! Ватанимиз учун! Сталинимиз учун! — сакраб ҳовли юзига чиқди. Милтиғининг ўткур найзаси олдинда ярқираб борар эди. Душман ўқлари қулоғи остидан физиллаб ўтмоқда. У бўйинини сал қисиб ғазаб блан тез-тез қадам ташлаб борар экан, — гимнастёркамнинг тугмасини бекор ечмабман, нафас олиш анча енгил бўлар эди, — деган хаёл бирдан унинг бошидан кечди. Унинг ўнг ва чап ёғида найзаларини ўқтаб, охириги ўн икки гвардиячи йигит тез-тез қадам ташлаб борар эди. Зоҳидов ўн қадам нарида қўрққан ва ўзини йўқотиб қўйган немисларнинг юзини аниқ кўрди: — наҳотки, бир пода бўлса ҳам қўрқаяпти ёввойилар! — ўйлашга улгирди, аммо бу ўйдан натижа чиқаришга вақт йўқ эди. Бир сапсариг юзли немис қўрққанидан икки кўзи косасидан чиқиб кетган жон талвасасида ўзини Зоҳидовнинг устига ташлади. Бир вазиятда туриб Зоҳидов бу хомсемизнинг кўкрагига найзасини санчди. Аммо қайси томондан ҳам хира йилтираб учиб келган бир нарсанинг ўзига келиб урилганини ва чап қўлтуғининг ости ачишиб оғриганини сезди. Гвардиячилар тўс-тўпалон қилиб милтиқларининг найза ва қўндоғлари блан фрицларни уриб қулатмоқда эдилар. Зоҳидов ҳам оғриги кўзига кўринмай бор кучини йиғиб, ўзига томон

ташланган бир немиснинг бошига қулочкашлаб милтиғининг қўндоғи блан туширди. Яна милтиғини кўтариб ҳужумга тайёрланди. Броқ бу сафар найзасини ўқталганича пишқириб тўхтаб қолди, чунки бирорта ҳам немис қолмаган эди. У, ҳайрон бўлди, шу пайтда қулоғига ўрмон ичини янграгиб кўтарилган „Ура!“ овозлари эшитилди. У терини артиб, ачишиб оғриётган елкасини кўриш учун ўтирди. Оққан қон блан увиб кетган гимнастёркаси йиртилиб кетган, бир елкасида погони ҳам йўқ эди. Аммо яраси унча қўрқинчли эмас. Немис милтиғининг япалоқ найзаси елка суягининг гўштига ботиб терисини шилган ва гимнастёркасини йиртиб кетган эди.

— Шунчалик омон қолганинга шукур қил. Бундан ҳам ёмон аҳволга тушувинг мумкин эди, — бу таниш овозни эшитган Зоҳидов, бирдан бошини кўтарди ва ҳайрон бўлиб қотиб қолди. Унинг қаршисида шу батальонда хизмат қилучи бошқа бир ротанинг командири гвардиячи капитан Губин кулиб турар эди, — бунча қирғин солмасанг, — кулиб давом этди капитан, — менинг азаматларимга ҳам қолсин! Буларнинг ҳам ғазаби уч кундан буён юракларидан ошиб-тошиб кетди. Сен энди орқа томонга бор. У ерда полк командири ҳаммаларингни бир ерга тўплайпти. Бу ердаги ишни биз ўзимиз тамомлаймиз, бор! Ҳарҳолда биз вақтида келибмиз. Немислар худди гўштга ёпишган чумолидек сизларга ёприлиб келишаётган экан. Кўприкдан ўтиб биқинидан туширганимизни ўзлари ҳам сезмай қолди. Бор, нега қараб турибсан. Уни кўр, елкангдан ҳали ҳам қон оқаяпти.

Ўрмон қоровулининг вайрон бўлиб кетган қўрасида гвардиячилар ротасининг қолган йигитлари тўпланди. Зоҳидов то бу ерга етиб келгунча пулемётчи Овченников бу ўтган уч кечаюкундузлик жанг ҳақида полк командирига маълумот берди. Шу орада ярасини боғлатиб, Зоҳидов ҳам етиб келиб қолди. Зоҳидов полк командирининг яқинига келиб, чест бериб рапорт бермоқчи эди. Полк командири „Бўлди-бўлди“ дегандай қўли блан ишора қилиб тўхтатди ва уни кучоқлаб ўпди.

— Баракалла, ҳақиқатан азамат йигит экансан! — дея полковник диққат ва меҳрибонлик блан Зоҳидовнинг оёғидан то бошигача қараб чиқди, — демак Коршунов жон бераётганда ротага сени командир қилиб тайинлаб кетибди. Бу жуда яхши, аммо рота командири бўлишинга ҳали эрта. Взводга командир бўлаоласан. Ҳозир буни расмийлаштириш учун штабга бораман. Ишонаман тасдиқлайдилар. Ҳозирданоқ сени офицерлик унвони блан табриклаш мумкин! — дея унинг қўлини олиб яна сиқиб қўйди, капитан Нагибинга мурожаат қилди полковник, — қаҳрамонларингизни орденлар блан мукофотлаш учун документларни тайёрланг, азамат-азамат булар, — дея кекса полковник ўз хурсандлигини қўл ҳаракатлари блан кўрсатиб, ҳужум қилиб, анча илгарига кетиб қолган батальонлар ортидан олдинга қараб юрди.

Капитан Нагибин боши оқ дока блан боғланган, кўзлари ёниб гвардиячилар ўртасида турар эди. Унинг орқасида Чибатаренко ва Шилин, буларнинг ҳам бошлари дока блан боғланган.

— Эҳ, Коршуновга ачинаман, бечора ишнинг охиригача еталмади, қандай офицер эди, қаҳрамон-қаҳрамон! — юрагидан ачиhib кетган капитан кўзларини сал қисиб, бошқа бир томонга тикилди. — Бу қон учун фрицларни ҳали пода-пода қилиб қирармиз, — деди капитан, — хўш, Валя, ротамизнинг қолган ҳамма жангчиларини йиғиб орқага олиб кет. Полковник уч кун дам олишни буюрди. Дам оламиз, ўртоқ, ёки тездан бўлажак младший лейтенант, — ҳазил блан сўзини тамом қилди.

— Борис қаерда қолди-а? — қизиқиб сўради Зоҳидов — нега кўринмай қолди? Тирик борми ўзи?

— Бор-бор, — деди Черета, — уни санчастьга жўнатишди, кўкрагидан яраланган. Лекин унча хавфли эмас. Госпитальдан қайтгач, яхши гвардиячи бўлади.

Жангнинг энг оғир қисми булар томонидан ҳал қилинганлигини, бу жангда совет армиясининг янги ажойиб офицери тугилганини, ўт ва ўлим даҳшатлари ичида синовдан ўтганини ҳали ўзи ҳам унча идрок этмаган Зоҳидов орадан бирнеча минут ўтарўтмай капитанга келиб шундай мурожаат қилди:

— Ўртоқ гвардиячи капитан, биринчи взвод ўн икки киши саф қилинди ва сизнинг фармонингизни кутмоқда!

МАМАРАСУЛ таржимаси.

Февраль — март
1947 йил.

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Давлат Нашриёти бу йил болаларга анчагина янги китоблар совға қилди. Бу китоблар ичида: Сталин мукофотининг лауреати, шоир Фафур Фуломнинг болаларга атаб ёзган „Ше’рлар“ тўплами, шоир Уйғуннинг „Ҳад’я“ номли ше’рлари ва Қуддус Муҳаммадийнинг „Ўқучига эсдалик“ деган китобчаси айниқса янгилик ва оригиналликлари билан ўз ўқучиларининг диққатини тортмоқдалар.

Фафур Фулом „Ше’рлар“ (редактор Ш. Са’дулла, 1947 йил). Шоир Фафур Фулом ўзининг бу янги „Ше’рлар“ совғаси билан ёш ўқучиларимизни гоят қувонтирди. Чунки, у бу тўпламдаги ше’рлари билан характерли мавзу’и ва ҳаётийлиги билан ўз ўқучиларининг—бахтиёр совет ёшларининг қувноқ ҳаётини ва уларнинг орзу-умидларини юксак бадиийлик билан равшан баён қилади. Дарҳақиқат шоирнинг:

Сен бугун синфда шод юрак билан
Синов навбатини кутиб турасан.
А’ло мамлакатнинг, а’ло фарзанди,
Билиб қўйки, сени дун’ё кутади.

деган сатрлари, ҳамма ёшларнинг кундалик машғулоти ва орзуларидир.

Шоир Фафур Фуломнинг бу тўпламидаги: совет халқининг тантанали байрамлари ва ёшлик ҳиссиётининг тасвирловчи „Сталин халқининг байрами“ ше’ри; бахтли ўқучи ёшларимизнинг ватан олдидаги э’тибори ва тақдири ҳақида ёзилган „Билиб қўйки, сени дун’ё кутади“ ше’ри; бой ва гўзал ватанимизнинг эрка фарзандлари бўлган совет ёшларининг бахт-саодатига аталган „Бари сеники“ ше’ри ва катта-кичик китобхонлар ўртасида машҳур „Сен етим эмассан!“, „Нортожининг курак тиши“, „Аҳмад ёмон бола эмаску аммо...“ ва „Азизнинг дадаси нос чекишни ташлади“ каби ҳаётий ше’рлари, болалар адабиётининг қийматли хазинаси бўлиб қолгандир.

Шоирнинг „Икки ёшлик“ ше’ри ҳам мавзу’ э’тибори билан характерли ше’рдир: Бунда шоир, варрак ўйини тасвирида.

„Пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча“ларда ўтган қадимги ёшликнинг аянч ҳолларини кўрсатади ва ҳозирга қувноқ совет ёшларининг бахтиёрлигини завқ блан куйлайди:

I

Ёшлигимнинг хазинасин ақтарай қанча,
Муҳаббатли эсдаликлар топилмас анча,
Пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча,
Ялангоёқ, йиртиқ иштон, товушим борича:
Шамол, баҳринг камол!
Чўлоқ кетманингни олиб кет!

II

Уфқлардан қаҳ-қаҳ солар шўх профельлар,
Ўн минг метр тубанликда айланади ер.
Кўзи блан кўкни ютган ўйноқ пионер,
Қўлда қоғоз аэропланча-учқур планер:
Аэроплан, Низомжон
Планерин олиб кет!

Шоир Ғафур Ғуломнинг „Сен етим эмассан“ деган машҳур сийёсий лирик ше’ри, тўпلامда ҳам алоҳида ўрин тутиб туради.

Ватан уруши йилларида ота-онасидан ажралган гўдакларга совет халқининг ва ҳарбир совет кишисининг ғамхўр-меҳрибон эканини кўрсатучи мана бу сатрларни, ҳамма қайта-қайта ўқи-гандир.

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг онанг.
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш мушфиқ.
Истаган нарсангни тайёрлагучи
Халқ бор—отанг бор.
Чўчима, жигарим.
Ўз уйингдасан.
Бу ерда
на гурбат,
на офат,
на ғам.
Бунда бор:
ҳарорат
муҳаббат,
шафқат.
Ва меҳнат нонини
Кўрамыз баҳам.
Сен етим эмассан
Ухла, жигарим!

Ғафур Ғуломнинг „Яша дейман ўғлим!“ ше’рини болалар аллақачонлар ўқиган бўлсалар-да, ундаги мардликка отлантиручи қуйидаги сатрларини бу тўпلامда яна севиб ўқишмоқдалар.

Дада, мен осмонда учар бўлсам,
Чеки йўқ кўкни ҳам қучар бўлсам,
Юлдуздан-юлдузга кўчар бўлсам,
Сиз тубанда қолиб, не дейсиз?
— Яша! — дейман ўғлим!

Ғафур Ғулом ше’рларининг яна бир муваффақияти шундаки, у, ўз ше’рий гематикасида болаларнинг спецификасига, одат харақтерларига жиддий аҳамият беради. Улар ҳақида турли юмористик мавзулар яратиб кулдиради ва шу блан сабоқ ҳам беради. „Нортожининг курак тиши“ ше’ри мана шундай юмористик ше’рларидан биридир.

Бунда шоир бир боланинг ифлослиги ва соғлиғига э’тиборсизлиги орқасида тушиб кетган тишларини тасвирлаб болаларни кулдиради:

Нортожи: „Шошмангиз“ демакчи эди
Сўз эмас ҳуштак чалиниб кетди.
Карнайдай оғзини очиши блан,
Сассиқ ҳид ҳаммага билиниб кетди.

Бир бола сўрайди:— Уртоқ Нортожи.
Умрингда тишингга чўтка текканми?
Нортожи айтади:— бет юволмайман.
Тишимни ювишми энди бир ками?

„Аҳмад ёмон бола эмаску, аммо...“ ше’ри ҳам шу харақтердаги ше’рлардандир. Бунда ҳам у болаларни тозаликка ва соғликка риоя қилишга чақиради.

Аҳмаднинг бутун бадан-а’золари ундан норози, улар Аҳмаднинг бундай ифлослик ва тартибсизлигидан нолийдилар.

— Тўғри эмас,— ғудуллади кекирик,
— Бу ҳасратдан бизда ҳам етарлик бор:
Билиб қолдим сўнгги пайтда мен омбор.
Аҳмад еган овқатларда тартиб йўқ.
Гоҳ аралаш, гоҳ қуралаш очу-тўқ.
Ер ёнғоғу, қурт, хўрозқанд, семичка
Хом сувлардан ичак бўлди ингичка.
Инсоф қилинг бу қанақа иштаҳо,
Ҳам кечкача йўталар „аҳо-аҳо“.
Ҳолвайтарни улгирмайсан ҳазм этиб,
Орқасидан келар мержоний етиб.

Ғафур Ғулом болалар учун бундай оригинал асарлар ёзиш блан бирга рус ва ғарб классик шоирларининг болаларга мос

асарларини таржима қилиб ҳам тақдим этди. Бу сўнги ше'рлар тўпламида ҳам Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Маяковский, А. Толстой, Майков, Фет ва бошқалардан анчагина таржималар киритган. Бу таржималар ҳам, таржимоннинг ўз оригинал асаридай пухта ва чиройли таржима қилинган.

Шу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шоир Ғафур Ғулум, тилга бой ва тил маданиятини эгаллаган бир шоирдир. Лекин унинг ёшлар учун ёзган ба'зи ше'рларида негадир, болалар учун тамоман тушуниши оғир — мафҳум, ғализ мисра'лар, иборалар, араб, форс терминлари ҳам учраб қолади. Бу нарса ёш ўқучиларимизнинг асардан яхши фойдаланишларига ва уни сингдира олишларига катта ҳалал беради. Масалан:

Ҳатто ҳукуматнинг худди боши устида,
Қанотланган умид учар лабдан оҳиста.

(„Икки ёшлик“)

Қари ерга яқинроқ келсин деб қуёш,
Улуғбек маҳв этди кўкдай улуғ бош.

(„Сталин наъли синов олдида“)

Кириқларга қўнган зарринкор чангдан,
Алқисса шаббода чалган оҳангдан.

(„Бари севики“)

Умуман олганда, биз Ғафур Ғулумни, болаларга атаб чиқарган бу тўплами учун табриклаймиз. Шу блан бирга шоир ижодидаги болалар адабиёти саҳифасида ҳали актуал мавзу'лар ва сюжетли ше'рлар яна ҳам камлигини кўрсатиб ўтамиз. Бу блан шоир болалар учун яна шундай ажойиб оригинал асарлар яратар ва у асарларида бу қисман талабларимизни ҳам назарга олар деб умид қиламиз.

* * *

Уйғун „Ҳад'я“ (редактор Ш. Са'дулла, 1947 йил). Шоир Уйғуннинг „Ҳад'я“ ше'рлар тўплами ҳам, шоирнинг ўзи:

Ғоят қувонардим бўлалса ше'рим
Қадрдон дўстингиз ва улфатингиз,

деб умид қилгандек, болаларга қадрдон дўст ва улфат бўла-оларликдир.

Уйғуннинг болаларга оталган бу ше'рлар тўпламининг биринчи муваффақияти шундаки, у ҳам бўлса, ше'рий сатрларнинг равон, силлиқлиги ва тилдаги соддаликдир. Ма'лумки, бу хусусият айниқса болалар адабиётида катта аҳамиятга эга. Чунки, мисра'ларнинг бундай равон ва содда бўлиши, мавзу'нинг очиқ ёритиш ва ўқучига тез сингдиришда муҳим ўрин тутди. Шоирнинг мана шундай содда, силлиқ ва мазмунан қуюқ қуйидаги сатрларини ким ҳам севиб ўқимасин?

Менинг икки онам бор,
Иккиси ҳам меҳрибон.
Бири менга сут берди,
Бири эса ширин нон.

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси ҳур ватан,
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону-тан.

(„Икки она“)

„Ҳад'я“ тўпламида: „Одобли Аҳмад“, „Чегарачи“, „Гул ўт-қаздим боғимга“, „Лагерьда“, „Куз келди“, „Қор бобо“ ва „Қасос“ каби бирнеча чиройли ва мазмундор ше'рлар бор.

Шоир Уйғуннинг болалар учун ёзган бу ше'рлари кўпроқ мардлик, ватанимизнинг гўзал ва серурум фасллари, файзу-не'матлари ва уларни юракдан севишга бағишланади.

Шоирнинг бир қатор ше'рларида ватан ҳимоясига отилаётган патриот ёшларимизнинг жанговар қаҳрамонликлари ҳам акс эткандир.

Мен чегарачи бўлиб,
Ватанимни сақлайман.
Улуғ доҳи олдида,
Ўз бурчимни оқлайман.

(„Чегарачи“).

Мен ҳам улуғ ватанга
Содиқ бўлиб қоламан.
Акамнинг мардлигидан
Мен ҳам ўрнак оламан.

(„Менинг акам“)

Ахлоқ ва одоб мавзу'и ҳам Уйғун ше'рларидан анчагина ўрин олган. Кексаларни ҳурмат қилиш, ёшларнинг одоб қовдаларидандир. Буни шоир, ҳаётий мисоллар блан шундай баён қилади.

Бир маҳал трамвайга,
Чиқиб қолди битта чол.
У ўтирмақ истарди,
Аҳмад пайқади дарҳол.
Ҳаммадан аввал туриб,
Ўрин бўшатди чолга,
Дуо қилиб мўйсафид,
Хурсанд бўлди бу ҳолга.

(„Одобли Аҳмад“)

Шоир Уйғуннинг бу тўпламида яна ҳам болалар учун актуал, та'лим-тарбиявий мавзулар кам, ба'зан „Мен қушларга дон бердим“, „Баҳор“ каби мазмунан сояз, қуруқ ше'рлар ва сохта сатрлар ҳам учраб қолади.

Тўпламдаги ба'зи ше'рлар ўзининг ихчамлиги, мазмунан солмоқдорлиги блан ўқучини ўзи блан аргаштириб боради. Шу блан бир қаторда, „Қасос“ каби бирнеча ше'рлар ҳам борки, улар узундан-узоқ мулоҳазалари, ортиқча сатрлари блан ўқучини зериктириб қўяди.

Ма'лумки, болаларни кўпроқ, ҳаётий мавзулар, ихчам ва раvon сатрлар, сюжетли ше'рлар қизиқтиради. Айниқса, сюжет, асардаги воқияни ўқучи ўзлаштириши ва ёдлаб олиши учун қўлайлик туғдиради.

Уйғуннинг бу тўпламида ҳам шунинг каби „Қорбобо“, „Холиқ қўрқоқ“ ва халқ эртаги асосида ёзилган „Елғончи чўпон“ каби чиройли сюжетли ше'рлар бор. Лекин бундай ше'рлар болалар адабиётида ҳали оз.

Қуддус Муҳаммадий „Ўқучига эсдалик“ (редактор Ш. Са'дулла. 1947 йил). Қуддус Муҳаммадийнинг „Ўқучига эсдалик“ деган бир китобчаси ҳам босилиб чиқди. Бу китоб асосан мактаб балолари учун бўлган 20 қондани ўз ичига олади. Бу 20 қондани Қуддус, ўз ше'рида анча муваффақиятли талқин этаолган. Содда тили, сатрларининг тўлаллиги шоирнинг қунт блан ишлаганини кўрсатади.

Мактаб тани, сен жонсан,
Бир юрагу, бир тансан.
Сўз тегизма мактабга,
Қолмагин ёмон гапга.

Шоирнинг қуйидагидек жуда характерли, болалар боп, содда на мазмунли шундай парчалари ҳам борки, буни болалар завқ блан ўқийдилар.

Чирманда эмас доска,
Чалаверма ҳавасга.
Бўрни қурт ўйлама,
Чўнтагингни бўяма.

Қуддуснинг бу муваффақиятли тарғиботлари ичида, ба'зан нотўғри тарғиблар ҳам учраб қолади.

Ўзбекистон Давлат Нашриёти, ёш китобхонлар учун бундан сўнг ҳам янада салмоқдор, етук асарлар берар ва ёш ўқучиларнинг юксак талабларига тўлиқ жавоб бераолар деб умид қиламиз.

ЎТКУР РАШИД

